

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ”

модули бўйича

ўқув-услубий мажмуга

Тошкент 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ”

модули бўйича

ўқув-услубий мажмуга

Тошкент 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: **А. Салоҳиддинов**

Ўқув-услубий мажмуаТИҚҲММИ Кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	16
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ	91
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	125
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ	131
VII. ГЛОССАРИЙ	132
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	140

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли Қарорида кўрсатилган устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

"Сув ресурсларини бошқариш" модулининг мақсади: Сув хўжалиги ва мелиорация соҳаси учун юқори малакали замонавий кадрларни тайёрлашда иштирок этадиган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик кадрларига сув ресурсларини бошқариш; сув ресурсларини миқдорини ва сифатини сув ҳавзалари ва истеъмолчилар даражасида бошқариш; сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш ҳамда сув ресурсларини бошқаришда барқарорликни таъминлаш бўйича билим, қўникма ва малакани шакллантиришдир.

"Сув ресурсларини бошқариш" модулининг вазифалари:

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини ўтаётган олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик кадрларида чекланган сув ресурсларининг ҳисобини олиб бориш;
- сувга бўлган талабни баҳолаш;
- сув хўжалиги балансини тузиш ва уни таҳлил қилиш;
- чекланган сув ресурслари ва ўсиб бораётган сувга бўлган талаб ҳамда иқлим ўзгариши таъсири шароитида сув ресурсларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш бўйича амалий қўникмаларни ривожлантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар

“Сув ресурсларини бошқариш” модулини ўзлаштириш жараёнида

Тингловчи:

-дунёдаги ва Ўрта Осиёдаги сув обьектлари -дарёлар, қўллар, сув омборлари ва музликларнинг тарқалиши ҳамда сув ресурсларини хисобга олиш тизимларидан фойдаланиш;

-сув манбаларида серсув ва камсув даврларнинг қайтарилишини, дарё оқимини қисқа ва узоқ муддатли башоратларини, сув ресурсларини бошқаришда ижтимоий-иқтисодий;

-экологик, геологик ва гидрогеологик шароитларнинг таъсирлари ва уларнинг ўзига хослигини билиши ва улардан қарор қабул қилишда фойдалана олиш;

-гидрометрик ахборот, дарёларнинг йиллик оқими, йиллик оқимни тебранишига таъсир этувчи омиллар ҳамда оқим меъёри ва минтаقا худудида йиллик оқим тебранишларининг мослигини баҳолаш **билиши керак.**;

-сув ресурслари ва оқимларини миқдорий баҳолашнинг усулларини, сув ресурслари ва оқимларининг кўрсаткичлари ва улардан сув ресурсларини бошқариш масалаларини ечишда фойдаланиш заруриятини;

-сув хўжалиги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган салбий ҳодиса ва жараёнлар, уларни олдини олиш ва башорат қилиш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиш **кўникмаларга эга бўлиши лозим;**

-сув ресурсларининг бошқарув тамойиллари, сувдан фойдаланиш тизимлари, сувдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, сув ресурслари режими ва балансининг ўзига хослиги, сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнларини билиш ва улардан фойдаланиш;

-сувдан самарали фойдаланишни режалаштиришни, худуднинг сув балансини тузиш усулларини, гидрологик кузатув маълумотларидан фойдаланишни, гидрологик тавсифларни ишлаб чиқиш усулларини, гидрометрик ўлчовларни амалга ошириш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиш **малакаларига эга бўлиши лозим;**

-сув ресурсларини бошқаришда амалга ошириладиган технологик, ижтимоий, экологик ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш;

-асосий дарё ҳавзалар бўйича ер ости сувларининг потенциал эксплуатацион ресурсларини баҳолаш, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли дарёлар оқимини ўзгаришини башорат қилиш асосий дарё ҳавзалар бўйича ер ости сувларининг потенциал эксплуатацион ресурсларини баҳолаш, инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли дарёлар оқимини ўзгаришини башорат қилиш;

-маҳаллий ва трансчегаравий оқимлардан фойдаланиш ва сув объектларини муҳофаза қилишда замонавий ёндашув ва технологиялар самараси, афзалигини баҳолаш;

-асосий сув манбалари кўрсаткичларини баҳолаш, сувдан фойдаланиши режалаштириш, худуднинг сув хўжалиги балансини тузиш, сув хўжалиги баланси натижалари асосида турли сув хўжалик ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш, турли хил гидрологик ва сув хўжалиги ҳисобларини бажариш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Сув ресурсларини бошқариш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ирригация ва мелиорация” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модул педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

Т/ Р	Модул мавзулари	Умимий соат	Жумладан			
			Масофавий таълим соатлари	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий
1.	Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистонда мавжуд сув ресурслари ва ўсиб бораётган сувга бўлган талаблар. Минтақада сув таъминоти билан боғлиқ замонавий муаммолар ва мураккабликлар	4	2	2	2	
2	Дарё ҳавзасини ер усти, ер ости ва атмосфера ёғин сувлари ресурсларини ҳамда ҳавзани умумий хисобли турли, фоизларда таъминланган сув ресурсларини хисоблаш	4	2	2		2
3.	Сув ресурсларини ва сувга бўлган талабни бошқаришнинг даражалари ва эволюцияси. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш	6	4	2	2	
4.	Сув хўялиги мажмуаси қатнашувчиларининг сув сувга бўлган талаблари ва оқова сув чиқариш хажмлари ҳамда режимларини хисоблаш	6	2	4		4
5.	Ўзбекистонда сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқариш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими. Сув билан таъминлашда устиворлик ва навбатлаштириш.	4	2	2	2	
6.	Сув хўялиги баланси хисоби. Сув хўялиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини асослаш	4	2	2		2
Жами:		28	14	14	6	8

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкариш принципнинг кучли томонлари

S	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкариш принципнинг кучли томонлари	Махаллий хокимлик органлари ва кўпсонли сув истеъмолчиларининг суув ресурсларини бошкариш жараёнига аралашувини чекланганлиги
W	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкариш принципнинг кучсиз томонлари	Сув ресурсларини бошкариш жараёнида иштирок этувчи вакиллик органлари ва иштимоий ташкилотларнинг етарли салохиятга эга эмаслиги
O	Сув ресурсларини сув манбалари хавзалари даражасида гидрографик хавзавий принципда бошкариш принципнинг (ички) имкониятлари	Сув хавзаси худудининг кайси кисмида жойлашган эканлигига катъий назар барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларни карор кабул килиш жараёнига жал этиш имконияти...
T	Тўсиқлар (ташқи)	Институционал ва моддий техник имкониятлар чекланганлиги хамда манфаатдорликнинг тўлақонли

"Хулосалаш" (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилали ва мавзу якунланади.

Намуна:

Сув ресурсларини бошқариш принциплари					
Инженер-технологик		Интеграллашган		Адаптив	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиqlарни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Сув истемолчилари уюшмаси аъзолари умумий каналнинг бутун узунлиги билан жойлашган. Сувдан фойдаланиш жараёнида каналнинг боши, ўртаси ва охирида жойлашган барча СИУ қатнашчиларига сув бир маромда teng етказиб берилишида нотекислик ва норозилик келиб чиқди. Яъни сув истеъмолчилари ўртасида норозилик пайдо бўлди.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Сув истеъмолчилари юшмаси кандай ташкилот?

- A: Нодавлат, тижорат ташкилот;
- B: Аксиядорлик ташкилоти;
- C: Нодавлат, нотижорат ташкилот;
- D: Уз-ўзини бошкариш.



Қиёсий таҳлил

Сув ресурсларини бошкариш самарадорлиги қўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- СХМ қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўнирма

- Канал хавзасида сув хўжалиги балансини хисобланг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни

ёритилгандын инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот күренишида тайёрлайды;

➤ янги мавзу мохиятими ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот күренишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қараашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг мохияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишитириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1»

балл қуишиң сүралади. Шундан сүнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«СХМ қатнашчилари ўртасида сув ресурсларни тарқатиш тартибини белгиланг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Мавжуд сув ресурсларини хисоблаш					
СХМ катнашчиларини сувга бўлган талабини хисоблаш					
Сув хўжалиги балансини хисоблаш					
СХМ катнашчилари мавқеи ва мавжуд табиий хўжалик ўароитларни баҳолаш					
Сув хўжалиги ва сувни муҳофаза килиш тадбирларини асослаш					
СХМ катнашчилари сув таъминотини навбатлаштириш					

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио”методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва қасбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио

мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу. Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистонда мавжуд сув ресурслари. Сувга бўлган ўсиб бораётган талаблар. Минтақада сув таъминоти билан боғлиқ замонавий муаммолар ва мураккабликлар

Режа:

1. Сув ресурсларининг миқдорий характеристикаси. Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистоннинг сув ресурслари
2. Минтақанинг замонавий сув хўжалиги муаммолари ва мураккабликлари

Таянч иборалар: Орол денгизи ҳавзасидаги мавжуд сув ресурслари таҳлили ва уларнинг беқарорлиги. Минтақада сув ресурсларининг шаклланиши, транзити ва тақсимланиши. Минтақада, шу жумладан Республикаларда сув ресурсларига бўлган талабнинг ошиши. Сув ресурсларига бўлган экологик ва иқтисодий талаблар. Орол денгизи ҳавзасидаги замонавий сув хўжалиги муаммолари ва сув ресурслари боғлиқ ҳавфлар. Сув ресурслари потенциалига иқтисодиётнинг, демография ва иқлим ўзгаришининг таъсири. Марказий Осиёда сув ресурсларининг хозирги ҳолати ва ўзгариши башиоратлари (Сценарийлар). Йирик гидротехник иншиоатлардан фойдаланишида ирригацион ва энергетик режимлар.

1. Сув ресурсларининг миқдорий характеристикаси. Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистоннинг сув ресурслари.

Сув ресурсларининг миқдорий характеристикаси

Ерда сувнинг пайдо бўлиши ҳақида ягона тан олинган назария йўқ. Бироқ мазкур масалада бир неча гепотезалар (фаразлар) мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян илмий асосларга эгадир. Мавжуд илмий гепотезаларни умумлаштириш асосида бундан 4 млрд. йил аввал ер сайёрасида сув хаёт пайдо бўлган деган хulosага келинади. Кейинги тектоник ва вулқонли фаолиятлар натижасида қуруқлик пайдо бўлган. Сувнинг миқдорий тавсифларини қўйидагича берилади:

- сув захиралари (келиб чиқиши ва қайерда жойлашишидан қатъий назар планетанинг боғланмаган сувлари миқдори захира деб аталади):

$$W_3 = W_{ок} + W_{ден} + W_{кўл} + W_{муз} + W_{атм} + W_{дарё} + W_{мунр} + W_{ерости}. \quad (м^3)$$

ёки $км^3$)

Янгиланиб турувчи сув захиралари, яъни табиатдаги сувнинг айланма ҳаракати натижасида ҳар йили шаклланадиган боғланмаган сувлар миқдоридир

$$V_3 = V_{\text{ерусти}} + V_{\text{ерости}} \quad (\text{м}^3 \text{ ёки км}^3)$$

- сув ресурслари деб – моддий ишлаб чиқаришда аввал фойдаланилган, хозирда фойдаланилаётган ва келажакда фойдаланилиши мумкин бўлган боғланмаган сув микдорига айтилади.

Умумий ($Q_{\text{умум}}$) ва эксплуатацион ($Q_{\text{экс}}$) сув ресурслари фарқланади.

Янгиланувчи ресурслар ҳам умумий сув ресурсларига киради.

$$\sum W_{\text{ерусти}} + \sum W_{\text{ерости}} + V_{\text{ерусти}} + V_{\text{ерости}}$$

Эксплуатацион сув ресурслари деб сувнинг сифати ва микдорини бошқариш йўли билан белгиланган ҳисобий даврда моддий ишлаб чиқаришда фойдаланиланиш мумкин бўлган боғланмаган сув микдорига айтилади.

$$Q_e = \alpha \sum W_{\text{ерусти}} + \beta \sum W_{\text{ерости}} + \gamma \cdot V_{\text{ерусти}} + \Delta V_{\text{ерости}}$$

Режалаштиришда эксплуатацион сув ресурсларининг факат янгиланадиган ёки $\mathcal{W}_{\text{ерусти}} + \Delta V_{\text{ерости}}$ $\text{м}^3/\text{с}, \text{м}^3/\text{й}$, белгиланган худудларга тенглаштириладиган қисми ҳисобга олинади.

Гидросферадаги сув захирасининг бир қисми доимий айланиб турувчи ер усти ва ер ости сувларига бўлинади. Мазкур чучук сувлар захиралари чекланган бўлиб, умумий сув захирасининг 1,93% ни ташкил этади. Дарёлар эса чучук сув захираларининг атиги 3% ни ташкил этади.

Аммо сув ресурслари бошқа табиий ресурслардан фаркли равишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ягона, муқобили бўлмаган табиий ресурс ҳисобланади. Улар доимий ҳаракатда ва уларнинг барча параметрлари ўзгарувчандир. Сувнинг 11 ва 12 йиллик цикллари қуёш ва ойга боғлиқдир. Ойнинг таъсирида дунё океани сув сатҳи хар йилда 2 марта 22 метрга кўтарилади ва пасаяди.

Қуёш энергиясининг 55 % сув юзасидан буғланишга сарф бўлиши ва шу туфайли сувнинг кичик айланма ҳаракати кузатилиши аниқланган. Дунё океани сатҳидан сув буғланиб, унинг бир қисми шу заҳоти ёғин сифатида қайтади, шу билан бирга намликтининг бир қисми қуруқликка кўчади. Қуруқликда намликтининг қўшимча манбаси юзага келади ва яна океанга қайтади.

A) Сув ресурсларининг микдорий тавсифлари уларнинг тарқалиши ва эволюцияси.

Сув – хаётнинг асоси. Ернинг геологик тарихи ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, планетадаги иқлимининг шаклланишида энг муҳим роль сувга тегишлидир. Сувсиз тирик организмлар мавжуд эмас, у барча технологик

жараёнларнинг зарурий компонентидир. Айтиш мумкинки, сувнинг асосий вазифаси – хайётни таъминлашдан иборат.

Сув – табиатда энг кенг тарқалган модда. Бироқ гидросферанинг қарийиб 98 % шўр сувларга ва фақат 2 % га яқин қисми чучук сувларга тўғри келади. Ана шу чекланган чучук сувларнинг ҳам 2/3 қисми доимий музликлар қопламларида тўпланган, 1/5 қисми эса ер ости сувлари сифатида намоён бўлади.

Сув массалари ер юзасининг катта қисмини эгаллайдиган ва дунё океанини ҳосил киладиган юпқа геологик қобиқни ҳосил қиласди (бутун планета юзасининг 70,8 %). Гидросферанинг умумий хажми қарийб 1,45 млрд. км куб га teng. Унинг улуши ернинг умумий массасига нисбатан 0,02 % дан ошмайди. Сув массалари хажми бўйича 2-ўринни ер ости сувлари эгаллайди (4,12 %), Арктика ва Антарктика муз ва қорлари, тоғ музликларининг 2% ни, қурукликтининг ер усти сувлари (дарё, кўл, ботқоқлик) ва атмосфера ҳавоси таркибидаги сувларларнинг биргалиқдаги улуши гидросфера сувлари умумий хажмининг 0,4 фоизини ташкил этади.

Гидросферанинг турли қисмларидаги сув захиралари (Львович бўйича)

Гидросфера қисмлари	Хажми (минг км³)	% умумий хажмдан
Дунё океани	1370323	94,2
Ер ости сувлари, жами	60000	4,12
Фаол сув алмашунуви зоналари нукталарида	4000	0,27
Музликлар	24000	1,65
Кўллар	230	0,016
Тупроқдаги намлик	75	0,005
Атмосфера буғлари	14	0,001
Дарё сувлари	1,2	0,0001
Бутун гидросфера	1454643,2	100

Чучук сув ресурслари гидросферанинг умумий хажмни жуда кичик улушини ташкил этади, аммо айнан улар сувнинг умумий циркуляциясида, гидросферанинг экотизимлар билан алоқаларида, инсон хаёт фаолиятида ва бошқа тирик организмлар ҳаётида, ишлаб чиқаришни ривожланишида хал қилувчи аҳамият касб этади. Чучук сувлар гидросферанинг тахминан 2 % ни ташкил этади, бироқ унинг амалда фойдаланиладиган қисми (дарё оқими, кўл суви ва б.) эса гидросферадаги сувларнинг умумий хажмини 1 % дан ҳам камроғини ташкил этади.

Гидросферанинг чучук сувлари

Гидросфера қисмлари	Чучук сув хажми, км ³	Гидросферанинг берилган	Чучук сувнинг умумий хажмидан
---------------------	----------------------------------	-------------------------	-------------------------------

		қисмидан %	%
Музликлар	24000000	100	85
Ер ости сувлари	4000000	6.7	14
Кўллар ва сув омборлари	155000	55	0.8
Тупроқнинг намлиги	83000	98	0.3
Атмосфера буғлари	14000	100	0.06
Дарё сувлари	1200	100	0.004
Жами	28253200	-	100

Инсонинг хўжалик фаолияти хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда «сув ресурслари» тушунчасидан фойдаланилади. Бунда тупроқ ва атмосфера ҳавоси намликларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ер усти сувлари заҳираларидан хўжалик учун фойдаланишга ярокли бўлган қисми аниқланади. Ер усти сувлари ресурслари асосан сувлилик шароити бўйича ўртacha ҳисобланган йилнинг умумий оқими билан белгиланади. Ер усти сув ресурслари планета ва алоҳида минтақалар бўйлаб нотекис тарқалган ва нотекис фойдаланилади. МДҲ давлатлари дунёдаги улкан сув ресурсларига эга. МДҲ сув ресурслари дарё оқимининг ўртacha йиллик қиймати бўйича дунёда 2-ўринни (Бразилиядан кейин) эгаллайди. Ер усти сувларининг потенциали ҳам каттадир. Аммо бу ресурслар МДҲ давлатлари бўйлаб ўта нотекис тарқалган. Бундай ҳолат алоҳида минтақаларнинг географик, иқлим, геологик ва гидрогеологик шароитлари билан характерланади.

Куруқлик юзасига ҳар йили ўртacha 800 мм ёғин ёғади, 485 мм буғланади, дунё океани юзасига эса 1270 мм ёғин ёғади ва 1400 мм буғланади, океанга куруқликдан келадиган оқим йилига 315 мм ни ташкил этади.

Ер планетаси бўйича ёғинларнинг умумий миқдори буғланаётган сув миқдорига teng. Ернинг сув баланси кўрсатишича сувнинг айланма харакатида гидросферанинг жуда кичик қисмигина қатнашади. Бу дунё сув ресурсларининг 0,04 % нигина ташкил этади, аммо улар инсониятни чучук сув билан таъминлайди. Чучук сув ер шарида ўта нотекис тарқалган. Океания ороллари ва Жанубий Америка сув билан энг яхши таъминланган худудлардир. Янги Зеландия, Янги Гвенея, Тасманияда ҳар йили ўртacha 3 метрли ёғинлар қатлами ёғади ва ҳар бир km^2 куруқлик юзасидан секундига 50 л гача сув оқими шаклланади. Жанубий Америка қитъасига йилига 1,5 м ёғин ёғади. Ҳар km^2 қуруқлик юзасидан ўртacha шаклланадиган оқим секундига 21 л. ни ташкил этади. Лекин Австралияда чучук сув жуда кам:

унинг худудининг 2/3 қисмини сахро ва яримсахро эгаллайди, уларнинг юзасига йилига 300 мм ёғин ёғади. [6]

Бошқа қитъалардан ажралиб турувчи «музли қитъа» Антарктида оқим умуман йўқ. Антарктида доимий дарёларга эга эмас, фақат ёз даврида муз билан сиқилган текисликларда 30-40 км узунликдаги эриган сувларнинг вақтинчалик оқими ҳосил бўлади. Шунга қарамай, Антарктида ўз қаърида – худудининг деярли тўлиқ ҳолда 1,5 км, айрим жойларда эса 4,2 км қалинликдаги муз қатламига эга бўлиб, ер куррасидаги барча чучук сув захираларининг 62%ни саклайди. Агар планетамизнинг бу улкан чучук сув захираси эриб кетгандан дунё океанининг сатҳи 60 м га кўтарилган бўлар эди.

Шундай қилиб, чўлларнинг кам аҳоли яшайдиган худудларидан ташқари, планетамиз аҳолисини чучук сувнинг йўқлиги эмас, балки унинг «фазода ва вақтда» нотекис тарқалганлиги ҳавотирга солиши керак. Шунга қарамай, XX асрнинг иккинчи ярмида сув ресурслари муаммоси иқтисодиётнинг энг биринчи навбатдаги муаммоларидан бири айланиб улгурди. XX асрнинг 80-йилларида инсоният ўз эҳтиёжлари учун йилига 3000 млрд. м³ чучук сув сарфлаган. Аммо сув истеъмоли учун сув сарфлари кун сайин эмас, соат сайин ортиб бормоқда. Шубҳасиз, кейинчалик дарё оқимидан оқилона фойдаланиш ва уни вақтда ва маконда бошқариш инсониятни сув билан таъминланишининг энг муҳим ресурсларидан бўлиб қолади. Музликлардаги чучук сувлардан фойдаланиш ёки денгиз сувларини чучуклаштириш ҳозирги кунда нисбатан анча катта масштабларда амалга оширилади. Аммо бир зарурият борки, бу ҳам бўлса инсоният ҳозирнинг ўзида, иқтисодиётнинг ҳар қайси соҳасида, ҳар бир минтақа, мамлакат, қитъа чегарасида сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкорлик заруриятидир. Сув ресурсларини ҳар ерда тежаш, сувни сарфлашнинг ёпик циклларига ўтиш, камрок сув сарфлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва, нихоят, сувни ифлосланишдан сақлаш ва барча оқова сувларини тозалаш барқарор тараққиётнинг зарурий шартидир.

Чучук сувлар инсонга гидрологик циклда ёки табиатдаги сувнинг айланма ҳаракати натижасида етиб келади.

Ҳар йили сувнинг буғланиши ёки ёмғир ва қор кўринишида ёғинларнинг ёғиши оқибатидаги сувнинг айланма ҳаракатида тахминан 500000 км³ сув иштирок этади. Назарий ҳисобларга кўра фойдаланиш мумкин бўлган чучук сувларнинг максимал хажми йилига 41 000 км³ ни ташкил этади. Чучук сувлардан фойдаланишда уларни кўп марта ишлатиш ва қайтмас сарфлар ҳажмини ошиши назарда тутилади.

Сувдан кўп марта фойдаланиш навигация, балиқчилик ва гидроэлектр энергияси олиш каби мисолларда таърифланиши мумкин. Қайтмас сув истеъмолига у истеъмол қилингандан кейин буғланиши оқибатида йўқотилган (шу жумладан, ўсимлик баргларидан) чучук сув; шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги сув ва денгизнинг шўр сувига қўшилиб кетган оқим сувлари киради. Бутун жаҳондаги чучук сувнинг қайтмас сарфи йилига 2500 дан 3000 км³ гача боради, бунда бу микдорнинг тахминан 10% майший

мақсадларда, 8% саноатда, энг катта қисми (82%) эса ирригация ва қишлоқ хўжалиги учун сарфланган сувларга тўғри келади.

Б) Сув ресурсларининг сифат тавсифлари ва уларнинг эволюцияси.

Хозирги даврда сув объектларининг (дарё, денгиз, ер ости сувлари ва б.) ифлосланиши энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Тирик организмлар хўжайраларининг 70% сувдан иборат, ва шунинг учун Вернадский В.И. хаётни тирик сувга қиёслаган.

Биосферадаги сувларнинг цикли инсоният цивилизациясидан аввал мувозанатга келган, океан буғланишга қанча сув сарфлаган бўлса дарёлардан шунча сув олган. Иқлим ўзгармаса, дарёлар суви камаймаган ва кўллардаги сув сатхи пасаймаган. Инсоният цивилизация билан бирга бу цикл бузила бошлади, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш натижасида қуруқликдан сув буғланиши кўпайди. Жануб дарёлари саёзланди, океанларнинг ифлосланиши ва уларнинг юзасида нефть плэнкасининг ҳосил бўлиши океан буғлантирадиган сув микдорини камайтирди. Буларнинг ҳаммаси биосферанинг сув таъминотини қийинлаштиради. Қурғоқчиликлар кўпайди, экологик ҳалокатлар ўчоклари пайдо бўляпти.

Бундан ташқари, океан ва қуруқликнинг бошқа сув ҳавзаларига қайтаётган чучук сувлар кўпинча ифлосланган. Россиянинг кўп дарёлари шунингдек Ўзбекистондаги аксарият дарёлардаги (Амударё ва Зарафшон дарёларининг қуи оқимлари, Салар канали ва бошқалар) сувлари ичиш учун деярли яроқсиз ахволга келган. Энг аввало, тугамайдиган ресурс-тоза чучук сув-тугайдиган холга келиб қолди. Бугунги кунда ичиш учун, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқли сув дунёнинг кўплаб худудларида етишмаяпти. Хозирги вақтда бу муаммога эътибор қилмасликнинг иложи йўқ, чунки сувнинг антропоген ифлосланишининг таъсири тобора кучайиб бормоқда.

Инсоннинг ва жониворларнинг бир йил ичидаги сувга бўлган биологик эҳтиёжи уларнинг ўз оғирликларидан 10 баробар ортиқ. Инсоннинг майший, саноат ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ундан-да ортиқ. Шунинг учун, «бир тонна совун ишлаб чиқариш учун 2 тонна сув, шакар учун - 9, пахтадан ишланган маҳсулотлар учун - 200, пўлат учун - 250, азотли ўғитлар учун 600, дон учун-1000, қоғоз учун - 1000, сунъий каучук учун - 2500 тонна сув керак бўлади».

Инсон фойдаланган сувнинг асосий қисми охир-оқибат табиий мухитга қайтади. Аммо, у энди тоза сув сифатида эмас, балки майший, саноат ва қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилган тозаланмаган ёки етарли даражада тозаланмаган оқова сувлари сифатида қайтади. Шундай қилиб, чучук сувлари ҳавзаларининг (дарё, кўл), қуруқлик ва денгизларнинг қирғоқ бўйи худудларининг ифлосланиши рўй беради.

Сувни тозалашнинг замонавий - механиқ ва биологик усуллари мукаммалликдан анча йироқ. Ҳатто энг илғор саналадиган биологик тозалашдан кейин ҳам оқова сувларда 10% органик ва 60-90% ноорганик

моддалар, шу жумладан 60% гача азот, 70%-фосфор, 80%-калий ва деярли 100% оғир заҳарли металларнинг тузлари қолади.

Сув ресурсларининг ифлосланиши З турга бўлинади (биологик, кимёвий ва физик). Биологик ифлосланиш микроорганизмлар, шу жумладан касаллик кўзғатувчи ва ташувчи микроорганизмлар, шунингдек, ачишга мойил органиқ моддалар томонидан ҳосил қилинади. Қуруқликдаги ва қирғоқ бўйи денгиз сувлари биологик ифлосланишининг асосий манбалари – таркибида нажас, озиқ-овқат чиқиндилари бўлган майший оқова сувлар, озиқ-овқат саноатининг оқова сувлари (қушхона ва гўшт комбинатлари, сут ва пишлок тайёрлаш комбинатлари, шакар заводлари ва бошқалар) целлюлоза-қофоз ва кимё саноати оқова сувлари, қишлоқ хўжалигида эса йирик чорвачилик комплекслари оқовалари ҳисобланади. Биологик ифлосланиш вабо, ич терлама, паратиф ва бошқа ичак инфекциялари ва турли вирусли инфекциялар, масалан, гепатит каби касалликларнинг сабабчиси бўлиши мумкин.

Кимёвий ифлосланиш турли заҳарли моддаларнинг сувга тушиши оқибатида келиб чиқади. Кимёвий ифлосланишнинг асосий манбалари - домна ва пўлат қўйиш корхоналари ишлаб чиқариши, рангли металлургия, тоғ-кон ва кимё саноати ва кўп ҳолатларда экстенсив қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Кимёвий ифлосланишнинг манбалари сифатида оқова сувларнинг сув ҳавзаларига тўғридан-тўғри чиқарилиши ва ер усти оқимидан ташқари сув юзасига ҳаводан ифлослантирувчи моддаларнинг тушишини ҳам эътиборга олиш керак.

Сўнгги йилларда азотли ўғитларнинг норационал қўлланилиши, шунингдек, автомобилларнинг ишланган газларининг атмосферага чиқариши оқибатида қуруқликдаги ер усти сувларига нитратларнинг тушиши кўпайди. Худди шу ҳол фосфатларда ҳам кузатилмоқда, улар ўғитлардан ташқари кир ювиш воситалари таркибида ҳам бор. Хавфли кимёвий ифлослантиришнинг манбалари углеводородлар - нефть ва унинг ишланган маҳсулотлари бўлиб, улар дарё ва қўлларга саноат чиқиндиларидан ташқари яна нефтни транспортировка қилиш, тупроқнинг ювилишидан ва атмосферадан тушади.

Оқова сувларни у ёки бу даражадаги мақсадларга яроқли холга келтириш учун уларга кўп ҳажмдаги тоза сув билан бир неча маротаба аралаштирилади. Аммо, турли мақсадлар учун, шу жумладан ичиш учун ҳам фойдаланилиши мумкин бўлган табиий тоза сувлар заарсизлантирилиши зарур. Оқова сувларга сув аралаштирилиши табиий сув ҳавзаларидаги сув сифатини пасайтиради, аммо, ўзининг асосий мақсадига эришолмайди - инсон саломатлиги учун заарар етказилишининг олдини ололмайди. Гап шундаки, сув таркибида кам микдорда мавжуд бўлган заарли аралашмалар одамлар озиқ-овқат сифатида истеъмол қиласидан баъзи маҳсулотларда (организмларда) йигилади.

Саноат оқова сувларидаги ва қишлоқ хўжалик далаларидан чиқадиган ўғитлар ва пестицидлар аралашмаси табиий сув ҳавзаларининг ўзидаёк тез-тез аралashiб туради. Агар сув ҳавзаси оқмайдиган ёки кам оқадиган бўлса,

унда сувга органиқ моддаларнинг ва ўғитларнинг тушиши озукавий моддаларнинг кўпайиб кетиши ва сув ҳавзасини ўт босишига олиб келади. Аввал бундай сув ҳавзасида озукавий моддалар тўпланади ва кейин сув ўтлари тез ривожланади. Улар чириб битгач, сув тубига чўкади, у ерда катта микдорда кислород истеъмол қилган ҳолда унинг минераллашуви руй беради. Бундай сув ҳавзалари шароитлари кислородга муҳтож балиқлар ва бошқа организмларнинг хаёт фаолияти учун яроқсиз бўлиб қолади. Кислород тугагач, метан ва водород сульфид ажралиши билан бирга кислородсиз ачиш жараёни бошланади.

Сувнинг физик ифлосланиши уларга иссиқлик ёки радиоактив моддаларнинг тушишидан юзага келади. Иссиқлик билан ифлосланиш асосан иссиқлик ва атом электростанцияларида (1/3 ва 1/2) совитиш учун қўлланиладиган сув шу сув ҳавзасининг ўзига ташланиши билан боғлиқ. Иссиқликдан ифлосланишга баъзи саноат корхоналари ҳам ҳисса қўшади.

Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистоннинг сув ресурслари

Орол денгизи ҳавзасининг умумий сув ресурслари табиий қайта тикланувчи ер усти, ер ости сув ресурслари ҳамда антропоген келиб чиқишига хос бўлган, яъни муайян мақсадларда фойдаланилганда кейин табиатга қайтариувчи қайтган сув ресурслари йигиндисидан шаклланади. Минтақадаги сув ресурслари асосан Сирдарё ва Амударё дарёлари ҳавзаларига тегишлидир. Нисбатан мустақил ҳавзалар (оқимсиз, бироқ Амударёга томон йўналган) аввалроқ асосий дарё билан гидрологик боғлиқларини йўқотган Қашқадарё, Зарафшон, Мурғоб, Теджен дарёларини шакллантиради. Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида сув ресурслари бошқа ҳавзалар тизимларида ҳам шаклланади. Жумладан Қозоғистонда яна еттига мустақил дарё ҳавзалари жойлашган бўлса, Қирғизистонда бунда дарё ҳазалари тўрттани ташкил этади.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари – бу Орол денгизи ҳавзаси умумий сув ресурсларининг бир қисми ҳисоблади. Орол денгизи ҳавзаси минтақадаги энг йириқ, ер ости сув оқимларининг асосий манбаси бўлган ва бевосита Орол денгизига қуйилувчи Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳамда Орол пасттекислигида жойлашган ва гидрографик жиҳатда ҳавзага интилевчи дарё ва сойларни ўз ичига олади. Бундай дарё ва сойлар қаторига Зарафшон, Қашқадарё, Мурғоб, Теджен, Чу, Талас, Асса, ҳамда Иссиққўл қўлига қуйилувчи, Памир-Олой ва Тяньшань тизмаларидан келувчи ва ўз сувини асосий дарёгача етказиб бормайдиган кичик дарёлар киради.

Дарё ва кўлларнинг сувлари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабларини қондиришга, саноат ишлаб чиқаришига, энергетикага, ва энг катта қисми (70% атрофида) қишлоқ хўжалигида суформа дехқончиликда фойдаланилади. Сув истеъмоли доимий равишда ортиб бормоқда. Бу эса табиий гидрографик тармоқни аномал ўзгаришига олиб келмоқда ва сув балансининг ўзгаришини келтириб чиқариб локал ва минтақавий масштабдаги сальбий ҳолатлар ва мураккабликлар занжирини келтириб

чиқармоқда. Масалан, Марказий Осиёда асосий дарёлар бўлмиш Амударё ва Сирдарёдан турли иқтисодий мақсадлар, жумладан суформа дехончилик мақсадлар ҳаддан ташқари қўп миқдорда сув ресурсларини олиниши Орол денгизининг катастрофик қуриб боришига олиб келди. Мазкур уникал тизим деярли бутунлай дегредацияга учраб ўзинг ландшафт-иклиний, балиқчилик, транспорт, рекреацион аҳамиятларини йўқотди ҳамда қатор бугун барчага маълум бўлган экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди.

Амударё дарёси Вахш ва Пяндж дарёларининг қўшилишидан ташкил топади ва унинг узунлиги 1415 км, бошланиш нуқтасига нисбатан эса 2629 км ни ташкил этади. Дарё ҳавзаси кескин равишда тоғли (яъни оқимнинг шаклланиши) ва текислик (оқимнинг тарқалиши) зоналарига бўлинади.

Амударё ўзининг тоғли зonasида қўп сонли ирмоқларни ўзига бирлаштиради. Бу ирмоқларнинг энг йириклари қаторига Кундуздарё, Кофирниғон, Сурхандарё, Шерабоддарё киради. Тоғли зонада дарё ҳавзасининг сув йиғиши майдони 230000 km^2 ни ташкил этади. Текислик зonasида эса 1200 км масофада дарёга ирмоқлар қўшилмайди, аксинча сув оқими фильтрацияга, буғланишга, ҳамда хўжалик мақсадларида асосан суоришига олинадиган сувларга сарфланади. Умумий ўртача қўп йиллик дарё оқими $79,5 \text{ km}^3$ ни ташкил этади. Дарё қуий оқимида Ўзбекистон худудида майдони 9000 km^2 дан катта бўлган кенг дельтани ҳосил қиласи. Авваллари мазкур дельта доирасида тахминан 26000 қўллар мавжуд бўлган ва ҳозирда улар доимий оқимнинг етишмаслиги оқибатида деярли бутунлай қуриб қолган.

Амударёнинг сув режими баланд тоғлардаги қорлар ва музликлар эриши ва ёмғирлар ёғиши билан боғлиқ бўлиб, ёзда кўпсувли ва қишида камсувли режим билан характерланади.

Сирдарё дарёси Норин ва Қорадарё дарёларининг қўшилишидан ташкил топади ва унинг узунлиги 2212 км, Норин дарёси бошланиши нуқтасида эса 3019 км ни ташкил этади. Сирдарё сувлари оқими асосан Памир-Алай ва Тяньшань тизма тоғларида шаклланади. Энг йирик ирмоқлари Фарғона водийсида – Косансой, Говасой, Чортоксойдан иборат. Фарғона фодийсидан чиққанда сўнг дарёга Ахант, Чирчиқ, Келес ва Арис дарёлари ирмоқ сифатида қўшилади. Сирдарёнинг ўртача кўпийллик оқими $37,2 \text{ km}^3$ ни ташкил этади.

Сирдарё ҳавзаси қор-музлик ва фақатгина юқори оқимида музлик-қор тўйиниши режими билан характерланади.

Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари

1-жадвал

	Манба	Ҳажми, km^3
A 1.	<i>Амударё ҳавзаси</i>	<i>79,5 – 60</i>
	ш.ж. Амударё	68,1 – 54,6
2.	<i>Сирдарё ҳавзаси</i>	<i>37,2 – 26,8</i>

	ш.ж. Сирдарё	34 – 25,3
3.	Оқимсиз дарёлар ҳавзалари	5,8 – 4,8
4.	Бошқа майда сув манбалари	4,4 – 3,4
	Жами	126,9 – 95
Б	<i>Ер ости сувлари</i>	32,5
	ш.ж. Ўзбекистон бўйича	19,7
	Минтақа бўйича эксплуатацион захиралар	12,1
	Ўзбекистон бўйича	6,8
	Минтақа бўйича амалдаги сув олиниши миқдори	13,5
	Ўзбекистон бўйича	9,8
C.	<i>Қайтган сувлар</i>	45,8
	КДС	42,7
	Ўзбекистон бўйича	28,2
	Минтақа бўйича оқова сувлар	3,3
	Ўзбекистон бўйича	2,4

Минтақада мавжуд бўлган ва давлатларо аҳамиятга эга бўлган бошқа дарёлар қаторида сув оқими Тяншань тоф тизмаларида Қирғизистон худудида шаклланиб Қозогистоннинг Ашикул пасттекислигида тарқалиб кетувчи, узунлиги 1067 км ва ҳавzasининг майдони 62,5 минг км² бўлган Чу дарёсини, сув оқими Қирғизистон худудида шаклланиб Қозогистоннинг Муюнкум чўлларида тарқалиб кетувчи, узунлиги 661 км ва ҳавzasининг майдони 52,7 минг км² бўлган Талас дарёсини, сув оқими Қирғизистон ва Тожикистон худудида шаклланиб, асосий ўзани Хитойда жойлашган узунлиги 2030 км ва ҳавzasининг майдони қарийб 1 млн км² бўлган Тарим дарёсини, умумий узунлиги 4240 км ва ҳавzasининг майдони 1643 минг км² бўлган, ўзанинг бир қисми Қозогистон худудини кесиб ўтиб Россия худудида Объ дарёсига куйилувчи Иртыш дарёсини кўрсатиб ўтиш лозим.

Или дарёси, Иссиқ-кўл ва бошқа ички ҳавзаларнинг сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ҳам Марказий Осиёдаги алоҳида мамлакатларининг ижтимоий-иктисодий тараққиёти учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ер усти сув ресурслари

Орол денгизи ҳавzasининг умумий сув ресурслари миллий гидрометеорология хизматлари томонидан эълон қилинган ҳар йиллик гидрологик маълумотлар асосида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларига бўлинган ҳолда баҳоланган.

Кузатувлар олиб борилган бутун давр (1911-2000йй) бўйича умумий сув оқимининг ўртacha арифметик қиймати Орол денгизи ҳавзаси бўйича 112,609 км³/йил, жумладан Амударё ҳавзаси бўйича 77,093 км³/йил ва Сирдарё ҳавзаси бўйича 34,076 км³/йилни ташкил этади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича бутун кузатувлар даври кузатилган йиллик сув оқимлари гидрографларининг таҳлили йиллик сув

оқимлари ўзгаришида муайян цикллилик мавжудлигини аниқлаш имконини берди. Масалан Амударё ҳавзаси гидрографида 1934 йилдан бошланиб 1992 йилда якунланувчи учта 19 йиллик аниқ цикллар ажралиб тўрганини кўриш мумкин. Сирдарё ҳавзаси гидрографида эса 1928 йилда бошланиб 1997 йилда якунланувчи олтида аниқ 12 йиллик циклларни кўриш мумкин.

Ҳар бир ҳавзадаги оқимнинг ўртача кўпийиллик миқдори, ҳавзадаги сувлиликтин ўзгариши тўлиқ циклларига мос келувчи қаторларнин ўртача арифметик қийматлари бўйича баҳоланганди. Бундай ёндашув барча турли сувлиликтин шароитидаги (камсувли, кўпсувли..) йилларни сувлиликтин кўтарилиши ёки пасайиши ҳолатларида ҳам ҳисобга олиш имконини беради.

Дарё оқимининг ўртача кўпийиллик қиймати: Амударё ҳавзаси учун – 79,280 $\text{km}^3/\text{йил}$ ва Сирдарё ҳавзаси учун – 37,203 $\text{km}^3/\text{йил}$ қабул қилинган. Шундай қилиб Орол денгизи ҳавзасининг ўртача кўпийиллик ер усти (дарё) сув ресурслари 116,483 $\text{km}^3/\text{йил}$ ни ташкил этади.

Сув ресурсларининг йиллик кўрсаткичлари сувлиликтин шароитининг ўзгариши туфайли камсувли (95% ли таъминланганлик) йиллардан кўп сувли (5% ли таъминланганлик) йилларгача қуидаги чегараларда ўзгариб туради: Амударё ҳавзаси бўйича 58,6 km^3 дан 109,9 km^3 гача ва Сирдарё ҳавзаси бўйича 23,6 km^3 дан 51,1 km^3 гача. Ҳисоблар натижасига кўра Орол денгизи ҳавзасидаги умумий ер усти сув ресурсларининг 25,1 % - Қирғизистонда, 43,4% - Тожикистанда, 9,6% - Ўзбекистонда, 2,1% - Қозоғистонда, 1,2% - Туркманистанда ва 18,6% Афғонистон ҳамда Эронда шаклланади.

Ер ости сувлари

Қайта тикланувчи ер ости сув ресурслари икки қисмга ажратилиши мумкин: сув йифилувчи ҳудуд доирасида табиий ҳолда ҳамда суғориладиган ерлардан бўладиган бўладиган фильтрация жараёни таъсирида шаклланадиган ер ости сувлари. Умумий ҳолда Амударё ва Сирдарё ҳавзалари ҳудудида 339 та ер ости сув конлар аниқланган ва фойдаланиш учун тасдиқланган. Ер ости сувларининг умумий минтақавий заҳиралари 43,49 $\text{km}^3/\text{йил}$ миқдорида баҳоланганди. Бундан 25,09 $\text{km}^3/\text{йил}$ Амударё ҳавзаси ва 18,4 $\text{km}^3/\text{йил}$ Сирдарё ҳавзасига тўғри келади. Ер ости сувлари конлари ер усти сувлари оқими билан сезиларли гидравлик ўзаро боғлиқликларга эга. Бу ҳол ер ости сувларининг ҳаддан кўп миқдорда олиниши туфайли ер усти сувлари оқимини камайишида кўринади. Буни эътиборга олган ҳолда миллий давлат комиссиялари томонидан ер ости сувларининг эксплуатацион заҳиралари ҳамда уларни олиш бўйича рухсатномалар тасдиқланган. Тасдиқланган ер ости сувлари заҳираларининг миқдори 16,94 $\text{km}^3/\text{йил}$ ни ташкил этади. Маълумотларга кўра хозирда қазиб олинаётган ер ости сувлари миқдори 11,04 $\text{km}^3/\text{йил}$ ни ташкил этади, ваҳолангки 1990 – йилларнинг бошида бу миқдор 14,0 $\text{km}^3/\text{йил}$ дан кўпни ташкил этган.

Қайтган сувлар

Турли мақсадларда ишлатилган сўнгра табиатга қайтган сувлар сув ресурсларидан фойдаланишда сезиларли қўшимча резерв ҳисобланади. Аммо уларнинг юқори минераллашганлик даражаси туфайли улар бир вақтнинг ўзида сув объектлари ва атроф муҳитни ифлословчи асосий манба ҳам ҳисобланади.

Қайтган сувларнинг қарийиб 95% ни суғориладиган майдонлардан чиқарилувчи коллектор дренаж сувлари, қолган қисмини эса коммунал-рўзғор хўжалиги ва саноат корхоналаридан чиқарилувчи оқова сувлар ташкил этади.

Минтақада суғориш ва дренаж тизимларининг ривожланиши билан қайтган сувлар миқдорини доимий ортиб бориши кузатилди, бунда энг интенсив давр 1960-1990 йилларга тўғри келди. 1991 йилдан кейинги даврда қайтган сувлар ҳажмининг стабиллашуви, ҳаттоқи вақтинча бўлса ҳам фойдаланилаётган суғориладиган ерлар майдонининг камайиши ҳамда дренаж тизимларининг дегредацияси туфайли қайтган сувлар ҳажмининг бир мунча камайиши ҳам кузатилди. 1990-1999 йиллар даврида қайтган сувларнинг умумий ҳажми йилига 28.0 km^3 дан 33.5 km^3 гача бўлганлиги кузатилди. Жумладан ҳар йили Сирдарё ҳавзасида $13.5 - 15.5 \text{ km}^3$ атрофида ва Амударё ҳавзасида $16 - 19 \text{ km}^3$ қайтган сувлар ҳажми шаклланганлиги кузатилган. Ҳосил бўлган қайтган сувларнинг 51% кўпроғи коллекторлар орқали дарёга ва қарийб 33% табиий чуқурликларга ташланган. Ҳисобларга кўра шакланаётган қайтган сувларнинг фақат 16% суғориша қайта фойдаланилади. Бу ҳолат асосан уларнинг ифлосланганлиги билан асосланади.

Ҳеч қандай чекловларсиз дарёга ташланадиган дренаж сувлари чучук сувларни минераллашган ва ҳар қандай мақсадларда фойдаланишда қўллаш мушкул бўлган сувларга айлантиради. Чўл ҳудудларида ва суғориладгина майдонларнинг атрофида (таясир зоналарида) жойлашган сув манбалари тартибсиз равишда коллектор-дренаж сувлари билан тўйинадилар ва натижада уларнинг экологик ва табиатни стабиллаштирувчи аҳамиятлари йўқотилади. Минтақада коллектор-дренаж сувлари ҳамда ташлама сувлари асосида бир неча юзлаб турли сув ҳавзалари ташкил этилган. Улар қаторига ҳажми 30 km^3 бўлган Айдар-Арнасой пасттекислиги, ҳажми 100 km^3 атрофида бўлган Сарикамиш кўли, Денгизкўл, Соленое, Судочье ва қатор майда бир неча миллион кубометргача сув сақловчи сув манбаларини киритиш мумкин.

Бу сув манбалари одатда оқимсиз бўлиб, уларнинг балиқчилик маҳсулдорлиги, улардаги флора ва фауна сув-туз баланси режимининг нотурғунлиги туфайли ривожланмайди. Шунинг учун бундай сув манбаларининг экологик ҳолатини таъминлаб туриш, сув флораси ва фаунасини сақлаш ҳамда улардан фойдаланишни бошқариш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда экологик барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ва шунинг билан бирга сув ресурсларидан уларнинг салбий таясирига йўл қўймай қўшимча фойдаланиш имкониятини кафолатловчи тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Мазкур нуқтаи назарда Туркманистон хукуматининг ҳозирда Амударёга ташланаётган барча коллектор-дренаж сувларини “Чўнинг олдин кўли”га йўналтириш тўғрисида қарори ўзига хосдир. Мазкур қарор минтақадаги барча бошқа мамлакатлар томонидан қатор принципиаль омилларни эътиборга олиниши лозимлигини назарда тутган ҳолда турлича фикрлар уйғотди. Жумладан::

- кўлдаги сув-туз баланси динамикаси, коллектор узунлиги бўйича сув йўқотилиши ҳамда буғланишни эътиборга олган ҳолда ундаги туз режими турғунлиги;
- Хоразм вилояти худудидан чиқувчи коллектор-дренаж сувларини (қарийб 3 км³/йил) йўналтиришни Ўзбекистон билан келишиш (уларни Орол денгизи ва Орол олди минтақасига ташлаш муқобил варианти мавжуд);
- суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошиши ва Туркманистонда ирригацияни ривожланиши сари коллектор-дренаж сувларининг оқувчанлигини ўзгариши;

Орол денгизи ҳавзасидаги ер ости сувлари захиралари ва улардан мамлакатлар томонидан фойдаланиш ҳолати
 (км³/год)

2-жадвал

Мамлакат	Минтақав ий захиралар ни баҳолаш	Фойдалани ш учун тасдиқланга н захиралар	Амалда олиниши 1999 йил	Сув ишлатилган мақсадлар					
				Ичимлик сув таъминоти	Саноат	Суғори ш	Верт.дре наж	Тажрибави й сув тортиш	Бош қала р
Қозогистон	1,846	1,27	0,293	0,2	0,081	0	0	0	0,01 2
Қирғистон	1,595	0,632	0,244	0,043	0,056	0,145	0	0	0
Тожикисто н	18,7	6,02	2,294	0,485	0,2	0,428	0,018	0	0,06
Туркманист он	3,36	1,22	0,457	0,210	0,036	0,15	0,06	0	0,00 1
Ўзбекистон	18,455	7,796	7,749	3,369	0,715	2,156	1,349	0,12	0,04
Жами Орол дengизи ҳавзаси бўйича	43,486	16,938	11,037	4,307	1,088	4,045	1,409	0,121	0,06 7

Манба: НИЦ МКВК, 2000

Қайтган сувлар ва уларнинг асосида яратилган сув манбалари муаммолари комплекс равишда кўриб чиқилиши лозим ва улар бўйича қарорлар ҳам минтақавий ҳам миллий миқёсларда қабул қилиниши зарур. Жумладан, миллий диагностик маъruzаларда берилган тавсиялар қуидагиларни кўзда тутади:

- қайтган сувлар динамикасини назорат қилиш тизимини яхшилаш, мазкур сувлар таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳавзавий сув балансларини аниқлаштириш;
- қайтган сувлар ҳажми ва сифатини башорат қилиш услубиятини ишлаб чиқиши;
- қайтган сувларни улардан фойдаланишнинг уч йўналиши (дарёга ташлаш, шаклланаётган жойида қайта ишлатиш ва улар асосида сув манбаларини ташкил этиш) тарқатиш принципларини ишлаб чиқиши;
- қайтган сувларни дарёга ташлашни дарёнинг сувлилиги ва ифлословчи моддалар таркибига боғлиқ ҳолда лимитлаштириш принциплари ва усулларини ишлаб чиқиши;
- Муайян экологик талабларни бажарган ҳолда сув обьектларининг экологик барқарор бошқариш режимларини ишлаб чиқиши мақсадида сув обьектларининг ҳолатини оптимал моделларини ишлаб чиқиши;
- Минераллашган сувлардан суғориш ва шўр ювиш мақсадларида фойдаланиш бўйича меъёрларни ишлаб чиқиши.

Трансчегаравий сувлар

Сув обьектлари ҳавзаларининг табиий чегараларини маъмурий худудий чегараларга боғлиқ эмаслиги чегаравий, халқаро ёки хозирда ишлатилаётган янги номи трансчегаравий муаммоларни келтириб чиқарди. Дарё ҳавзалари ва ер ости сувлари ҳавзалари маъмурий чекланишларга эга бўлмасада аммо улар инкор этилиши мумкин. Чунки хар бир мамлакат қонунчилиги унинг сув сиёсатини, стандартларини ва турли ёндашувларини хатто бир дарёга нисбатан ҳам белгилаб беради.

Бугунги кунда БМТнинг Табиий ресурслар, энергетика ва транспорт маркази (CNRET) маълумотига кўра дунёда 214 халқаро дарё ва кўллар ҳавзалари мавжуд бўлиб 44 та мамлакатнинг майдонини ўз ичига олади.

Халқаро дарёлар ва кўллар ҳавзаларининг минтақалар бўйича тарқалиши (CNRET)

3-жадвал

Минтақа	Сони
Африка	57
Озиё	40
Европа	48
Шимолий ва Марказий Америка	33
Жанубий Америка	36

Трансчегаравий сув объекти- деб икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасини кесиб ўтадиган ёки икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасида жойлашган хар қандай ер ости ёки ер усти сув объектларига айтилади. Бугунги кунда дунёда мингдан ортиқ трансчегаравий мақомга эга бўлган сув объектлари мавжуд. **Махаллий сув объекти** - деб хар қандай сув ресурслари шаклланиш, тарқалиш ёки оқиш ва сарфланиш зоналари бир мамлакат худудида жойлашган ер усти ва ер ости сув объектларига айтилади.

"Трансчегаравий сувлар" қуидагиларни ўз ичига олади:

- ер усти сувлари – икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасини белгиловчи ёки уни кесиб ўтувчи яъни трансчегаравий жойлашган ва шаклланаётган дарё оқимлари ва уларнинг ирмоқлари ҳамда мазкур трансчегаравий сув ресурсларига антропоген таъсир этиш асосида барпо этилган суный сув объектлари сув ресурслари,
- ер ости сувлари – икки ва ундан ортиқ мамлакатлар чегарасида жойлашган ёки трансчегаравий ер усти сувлари билан боғланган ер ости сувлари;
- қайтган сувлар, - трансчегаравий сувлар сифати ва микдорини ўзгартирувчи ёки икки ва ундан ортиқ мамлакатлар худудида шаклланувчи қайтган сувлари.

Марказий Осиёning янги шароитларида сув ресурсларини бошқаришда аввал фаолият қилган ёндашувларни ўзгартиришга тўғри келди. 1992 йилда минтақанинг 5 та мамлакати 2 та ижро органига эга бўлган (БВО «Сирдарё» ва БВО «Амударё») Давлатлараро координацион сув хўжалиги комиссиясини (МКВК) барпо этишиди. Сув ресурсларини давлатлараро даражада бошқариш ва сувни тақсимлашга алоқадор бўлган сув хўжалиги объектлари вақтинча фойдаланиш учун уларга топширилди. Шу сабабли мазкур давлатлараро ташкилотнинг хар бир республикада махсус давлат хужжати билан фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилди.

Мазкур қарорга мувофиқ сув ресурсларни давлатлараро бошқариш ва тақсимлашнинг келишилган структура ва принциплари асосида харакатдаги давлатлараро сув манбалари сув ресурсларини тақсимлаш бўйича норматив хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Маълумки, сув тақсимоти принципларини белгиловчи асосий меъёрий хужжат бу «Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни асрараш схемаси» ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу масала бўйича аввал қабул қилинган ўзаро мажбуриятлар амал қиласи. Хар йили МКВК манбаларда сув ресурслари мавжудлиги, гидромет хизмати башоратлари ва умуман сув хўжалиги шароитларини ҳисобга олиб давлатлараро манбалар – Амударё ва Сирдарёдан «Схемали хажмлар» доирасида республикаларнинг сув олиш лимитларини ўрнатади. Бу лимитларга мувофиқ ички сув хўжалиги шароитини ҳисобга олган ҳолда хар бир республика каналлар, вилоятлар ва туманлар бўйича лимитларни тақсимлайди.

Юзага келган сув хўжалиги гидрологик ва об ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда БВОларга вилоят сув хўжалиги ташкилотлари билан келишган ҳолда

сув олиш сарфларини плюс минус 10 фоиз чегарасида бошқариш хуқуқи берилган.

2. Минтақанинг замонавий сув хўжалиги муаммолари

Ер сайёраси сувларининг келиб чиқиши ва мувозанати, чучук сувлар захираси шаклланишининг асосий манбаси бўлган табиатдаги сувларнинг айланма ҳаракати, сув ресурслари ва захиралари, уларни планета қитъалар ва мамлакатлар бўйича тарқалишини таҳлил қилиб қуидаги хulosаларга келиш мумкин:

- Ер куррамизнинг чучук сувлар ресурслари жуда чекланган, умумий сув ресурсларининг 2 % ни ташкил этади, улардан 94 % ер кутбларида ва тоғли мамлакатлардаги муз ва қор тўпламлари кўринишида турибди;

- чучук сувларнинг Ер, қитъалар ва мамлакатлар бўйича тарқалиши нотекис, яъни иқтисодиёт ўта ривожланган ва худудида аҳоли зич бўлган жойларда (Европа, Осиё) сув ресурслари жуда чекланган, иқтисодиёт заиф ривожланган ва аҳолиси зич жойлашмаган жойларда сув ресурслари ортиғи билан мавжуд.

Минтақада сув хўжалиги вазиятини дестабилловчи асосий омиллар қуидагилардан иборат:

- демографик ва қишлоқ аҳолисининг юқори улушидаги стабиллик;
- ҳавзалар сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг амалдаги схемаларида (СРКФвАМК) экологик талабларнинг паст даражада ҳисобга олинганлиги;
- сув энергетик ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва алмашиш борасида давлатларнинг нуқтаи назарларининг турлилиги;
- трансчегаравий даражадага ҳавзаларда бошқа давлатлари билан мувофиқлаштирумасдан тасир курсатувчи янги сув хўжалиги инфраструктурасини яратиш;
- иқлиминг глобал исиши билан боғлиқ ноаниқликлар;
- сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш битимларини бузиш натижасида иқтисодий заарлар ўрнини тўлдириш усууллари ва зиддиятларни хал этиш механизмларининг йўқлиги;
- сувлийкнинг янада аниқроқ башоратларини таъминлаш ва трансчегаравий сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш учун минтақа давлатлари ўртасида ахборот, биринчи навбатда гидрометрологик маълумотлар алмашинувининг етарли эмаслиги;
- минтақавий иқтисодий интеграция стратегия ва дастурларининг йўқлиги ва регионда меҳнатни диференциациясини оптималлаштириш имконини берувчи модел асосида сугорма дехқончилик унумдорлигини ошириш бўйича ҳамкорликнинг етарли эмаслиги;
- Афғонистоннинг келажакда сувдан фойдаланишига нисбатан регионал даражадаги ноаниқлик ва бошқалар.

Бундан ташқари миллий миқёсда аниқ салбий омиллар мавжуд ва қуидаги ички (миллий) сув муаммоаларига эътибор каратиш ўта муҳим:

- суб-ҳавзали ва маҳаллий миқёсда сув танқислиги ва ифлосланиши;

- аҳолининг катта қисмининг хавфсиз ичимлик суви билан кам таъминланганлиги;
- хар бир гектарга бериладиган сугориш суви маҳсулдорлигининг пастлиги;
- миллий қонун актларининг етарли ривожланмаганлиги;
- сув хўжалиги ташкилотларининг асосий воситаларининг эскириши;
- сув хўжалиги ташкилотларининг моддий ва техник базасини заифлиги;
- сув истемолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг сув таъминоти хизмати учун тўловга қодир эмаслиги;
- ташкилий муаммолар (ташкил этиш ва бошқаришдаги камчиликлар);
- соҳалараро интеграциянинг заифлиги;
- сув хўжалигидаги кадрлар сиёсатида камчиликлар мавжудлиги;
- қайтувчи (оқова) сувларни бошқариш муаммолари;
- ер ости трансчегаравий сувларидан фойдаланиш хақидаги мувофиқ низомларнинг йўқлиги.

Минтақада сув соҳасидаги мавжуд мураккабликлар:

1. Иқлим ўзгариши: Музликлар захирасини йўқолиши, кутилаётган сув ресурсларини 10-15% га камайиши, дарё оқимларини камайиши ва фавқулодда ҳолатларни кўпайиши
2. Трансчегаравий муаммолар. Сунъий сув танқислигини ортиши
3. Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли сонини ортиши. Иқтисодиёт жараёнларини интенсификацияси, сув танқислигининг ортиб бориши (киши бошига тугри келувчи сув ресурслари микдори 3,5 мартаға камайди, күшимча 700-800 млн.м³ сувга бўлган талаб).
4. Сув-ер захираларининг дегредацияси, экотизимларни бузулиши: Чўллашиши, сув ресурсларини ифлосланиши, биохилмаҳилликни камайиши.

БМТ Таракқиёт дастури маълумотларига кўра Марказий Осиёдаги сув ресурслари эксплуатациясининг хал этилмаган муаммолари хар йили сув ресурсларини бесамар бошқариш туфайли 1,7 млрд доллар зарар келтиради. Узоқ муддатли истиқболда Марказий Осиё минтақасида сувдан фойдаланиш муаммоси аҳоли кўпайишининг юқори суръатлари туфайли янада кучаяди. БМТ маълумотларига кура 2025 йилда Қозогистон аҳолиси 16,1 млн., Қирғизистон аҳолиси 6,5 млн., Ўзбекистон аҳолиси 34,2 млн., Тожикистон аҳолиси 8,1 млн. ва Туркманистон аҳолиси 6,8 млн. кишини ташкил этади. Мутахассислар фикрига кўра юқоридаги мамлакатлардаги демографик ўсиш келажакдаги 20 йилда сувга бўлган талабни 40 % га оширади. Афғонистондаги иқтисодий ўсиш натижасида Амударёнинг юқори қисмида жойлашган бу мамлакатда сув истемоли ортади ва бу қўшимча муаммомлар туғдириши мумкин.

Орол денгизи ҳавзасида янги суверен давлатлар пайдо бўлиши дунё ҳамжамияти тан олган тарихий факт бўлди. Ҳавзанинг ягона сув ресурслари бу давлатларда яшаётган халқларининг ва қисман шимолий Афғонистон ва Эроннинг умумий бойлиги ҳисобланади. Сув ресурсларининг табиий чегараланганлиги ва бу барча давлатлар иқтисодиётида сув омилининг ўта мухимлиги сув ресурсларини давлатлашаро бахс ва зиддиятлар эҳтимолининг

асосий сабаби бўлиши мумкин. Бунда айнан берилган ҳавзада табиатнинг бебаҳо бойлиги бўлган сув ресурслари, ўзининг барча фойдали хусусиятлари оқилона қўлланилишини талаб этади. Яъни сув бу ерда нафақат аҳоли ва саноатда сув хўжалик-ичимлик, сугорма дехқончилик, балиқчилик, рекреация эҳтиёжларини қондириш, сув транспортини йўлга қўйиш манбасигина эмас балки арzon энергия манбаи ва экотизимнинг таркибий қисмларидан биридир. Бундан сув ресурсларидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқишида, уни тақсимлаш ва лимитлашни асослашда уларни ижтимоий, энергетик, экологик омиллари билан боғлаш зарурияти келиб чиқади. Бундан ташқари сув ва сув объектлари атрофидаги худуд билан бирга инсонлар яшайдиган мухит ҳисобланади ва бир неча минг йиллик мобайнида Марказий Осиё ҳалқларида ўзларининг алоҳида сув хўжалиги менталитети ҳосил бўлган. Эҳтимол бу эътибор талаб этувчи энг асосий омиллардан биридир. Марказий Осиё мамлакатлари гидроэнергетик потенциални ўзлаштиришида зиддиятларни минималлаштиришдан, трансчегаравий дарёлар тартибини барқарор ва адолатли бошқаришдан манфаатдор.

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро сув муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга ва сув масалалари бўйича бошқа қонун ости хужжатларига асосланади ҳамда тегишли хукumatлараро шартномалар, битимлар, протокол қарорлари билан бошқарилади. Бу масалаларда Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда минтақадаги реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузилган, аввал қабул қилинган хужжатларнинг тан олинишини тасдиқлади.

Эҳтимол айрим аввал қабул қилинган хужжатлар алоҳида давлатларнинг янги қонун ва қонун ости хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги мумкин, аммо шуни ҳисобга олиш керакки, 90-йилларнинг бошида (давлатларо хужжатларнинг кўпи қабул қилинган давр) минтақада сув ресурсларининг тугаганлиги ҳакидаги факт қайд этилган. Бу вақтда мавжуд сув ресурслари нафақат республикалараро, балки ҳалқ хўжалиги соҳалари ўртасида ҳам тақсимланиб бўлинган ва хозирги ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфраструктура айнан мавжуд сув ресурслари ва уларнинг тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Шунинг учун аввалдан келишилган қарорлардан озгинагина бўлса ҳам оғиш нафақат алоҳида олинган мамлакатдаги, балки бутун минтақадаги вазият дисбалансига олиб келади. Бу эса шу каби масалаларга жиддий ва онгли ёндошувни талаб этади.

Сув ресурсларини давлатлараро миқёсда бошқаришда қуйидаги иккита хужжат асосий хужжат ҳисобланади.

Биринчиси: барча мамлакатлар томонидан тасдиқлаган Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш схемалари (мустақилликка эришишдан аввал);

Иккинчиси: Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикалари ўртасидаги давлатларо манбаларнинг сув ресурсларидан фойдаланишни ва сақлашни биргаликда бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик хақида Келишув, 18.02.1992 й (мустақилликка эришилгандан сўнг).

Мазкур хужжатларнинг тузилишида минтақадаги беш республиканинг лойихалаш-қидириув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари иштирок этган. Биринчи хужжат минтақада сув ресурсларини тақсимлашнинг принциплари ва физик хажмларини белгилайди. Эҳтимол, сув ресурсларини тақсимлашдаги мазкур принцип ёки физик хажмлар хозирги вақтда кимнидир у ёки бу сабабларга кўра қониқтирмаслиги мумкин. Аммо шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси ўз вақтида зарур ҳисоблар билан асосланган ва жиддий экспертизадан ўтказилган.

Юқорида кўрсатилган «Схемалар....»ни тузишда сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча шароит ва шартлар жиддий таҳлил этилган ва минтақадаги ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг турли вариантлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, минтақадаги ва республикалардаги демографик хусусиятлар ҳам ҳисобга олинган.

Иккинчи, суверен давлатлар барпо этилгандан кейин қабул қилинган хужжат (18.02.1992й битими) бўлиб, барча томонларнинг юзага келган шароитларни эътиборга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тақсимлаш бўйича аввал қабул қилинган хужжатлардаги қарорларга риоя қилиш зарурлигини тасдиқлади.

Бу икки хужжатдан ташқари, катор икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ҳам бор. Жумладан Сирдарё ва Амударё ҳавзалари, Фаргона водийсининг кичик дарёлари бўйича ва бошқа сув ҳавзалари бўйича шартномалар тузилган.

Бу хужжатларнинг ҳаммаси бирданига қабул қилинмаган албатта, улар узоқ баҳслар асосида, керакли ҳисобларни амалга оширгандан сўнг, экспертларнинг кўплаб учрашувлари натижалари асосида қабул қилинган.

Тўқтогул сув омборининг иши энергетик тартибга ўтказилиши муносабати билан минтақада юзага келган ўта кескин вазиятни юмшатиш мақсадида 1998 йилнинг 17 марта имзоланган «Сирдарё ҳавзасининг сув-энергетик ресурсларидан фойдаланиш ҳақида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасидаги Битим» нинг ижобий ролини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шубҳасиз, бу хужжат халқаро хуқуқ юриспруденцияси нуқтаи-назаридан идеал эмас ва, эҳтимол қандайдир тарзда бу битимда иштирок этаётган давлатларнинг ички хуқуқий актларининг белгиланган принципларига (ёки пунктларига) зиддир, аммо ўтиш даври шароитларида ҳаммани қониқтирадиган умумий принциплар ишлаб чиқилган ва мамлакатлар манфаатлари «ҳамма нарсадан юқори» қўйилмаган бир пайтда имзоланган бу «Битим» хозирча «амал қилаётган» ягона давлатларро хужжатдир. Мазкур битим туфайли, Сирдарё ҳавзасида жойлашган уч давлат ўртасидаги ўзаро сув алоқаларида белгиланган мувозанатга эришилган ва хозирча томонлар, қийинчилик билан бўлсада, унинг қарорларини хар йиллик «ишчи келишувлар» асосида конкрет хажмларни, оқимлар, сув чиқариш ва етказиб бериш муддатларини кўрсатиш билан бажаришга харакат қилмоқдалар.

«Ҳавзавий Схемадан» кейин Амударёнинг сув ресурсларини тақсимлаш бўйича бошланғич хуқуқий хужжатларнинг асосийларидан бири собиқ иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-техник Кенгашининг 1987й 10

сентябрдаги 566-сонли баённомаси билан тасдиқланган қарори ҳисобланади. Унда барча давлатлар вакиллари иштирокида мамлакатларнинг сув олиши бўйича чегараланган ҳажмлари белгиланган. Айнан шу ҳужжат асосида Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасида сув хўжалиги масалалари бўйича икки томонлама Битимлар тузиленган.

Марказий Осиёда ўзларининг бир бирлариникидан фарқ қилувчи ижтимоий ва иқтисодий дастурларига эга бўлган суверен давлатларнинг қарашлари давлатлараро манбаларнинг сув ресурсларини бошқаришни амалга оширишда қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Бу қийинчиликлар, энергетика эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш қатор ҳолатларда ирригация тартиби талабларига тўғри келмайдиган Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида айниқса, кескин сезилмоқда.

Сув ресурсларидан катта миқёслардан фойдаланиш, улар сифатининг ёмонлашуви, миқдорининг камайиб кетиши, қарорлар қабул қилишда экологик талабларни ва Орол денгизи муаммоларини эътиборга олмаслик, суверен давлатларда сув ресурсларидан устунлик асосида фойдаланиш ваниҳоят, минг йиллар давомида сувга эҳтиёткорлик ва хурмат билан муносабатда бўлиш анъаналарини менсимаслик минтақада кечиктирмай хал этишни талаб этадиган қатор муаммоларни, биринчи навбатда экологик характердаги муаммоларни келтириб чиқарди.

Агар минтақа сув ресурсларини бошқариш ва улардан биргаликда фойдаланишдадаги тафовутлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни тизимлаширилса, унда уларнинг қуйидаги тартиби намоён бўлади:

- сув ресурсларининг танқислиги ўта сув танқис бўлган йилларда (1982, 1986, 1997, 2000 й.) етарли даражада суғоришни таъминламаслик, қишлоқ хўжалиги экинларининг қуриб қолиши оқибатларида жуда аниқ сезилади;
- кўп дарёларининг қуи қисмида баъзида экологик танглик даражасигача кўтариладиган экологик вазиятнинг ёмонлашуви;
- дарё сувларининг пестицид, гербецид ва бошқа заарли моддалар билан ифлосланиши ва сувларнинг минерализациясининг ортиши;
- ер майдонларини, халқ хўжалиги обьектларининг сув босиши, қирғоқларни химоя қилиш иншоотларининг бузилиши;
- суғориладиган ерларнинг, аҳоли пунктларининг мелиоратив ҳолати ва унумдорлигининг ёмонлашуви.

Бу муаммоларнинг пайдо бўлиши ва кенгайиб кетишига сув ресурсларини бошқаришга маъмурий-буйруқбозлик тарзидаги ёндошувлар, лойиҳавий қарорлардаги хатолар ва сув хўжалиги обьектларининг сифатсиз қурилиши ҳам сабаб бўлган бўлса, эҳтимол.

1996 йилнинг 21 марта Пекинда қабул қилинган Декларацияси Тавсияларида айтилганидек «Сув ресурсларини бошқаришнинг асосий бирлиги дарё ҳавзаси ҳисобланади ва у хозирги каби келажакдаги талабларни эътиборга олиб барча рақобатчи фойдаланувчилар учун истиқболдаги сув таъминотини амалга ошириши лозим». БМТнинг аҳолини жойлаштириш бўйича Халқаро Конференцияси Қарорида айтилганидек – бу масалаларни хал этиш сув

ресурсларини бошқаришга интеграциялашган ёндашувни талаб этадики, у сув ва санитария, соғлик ўртасидаги, иқтисодиёт ва атроф мухит ўртасидаги, шаҳарлар ва уларнинг чегарадош ерлари ўртасидаги алоқаларни билишни талаб этиш, ердан фойдаланиш ва қурилишни режалаштириш сиёсатини сув соҳаси сиёсати билан мувофиқлаштириш, реал стандартларни ўрнатиш ҳамда уларни хаётга тадбиқ этиш учун хар томонлама ва изчил ёндашувни кафолатлашга таянади. Кучли сиёсий қўллаб кувватлаш, соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамма сув истеъмолчиларининг фаол иштироки сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш учун зарур ҳисобланади. Хукуматлар борча сув истеъмолчилари билан ҳамкорликда, мувофиқ даражада қуидагиларни бажаришлари лозим:

-муаммоларни кенг миқёсида ўрганишга таянадиган сув ресурсларини бошқариш сиёсатини юргизиш (иқтисодий, ижтимоий ва экологик);

-турли соҳалар ва органлар ўртасида миллий ва маҳаллий даражада сув соҳасига ва санитарияга инвестицияларни киритиш ва иш самарасини ошириш учун шериклик жамиятларини тузишга ёрдам бериш;

- заарларни камайтириш учун иқтисодий воситалар ва бошқарув чораларини кўриш ва ортиқча сувлардан қайта фойдаланиш ишларини қўллаб-куватлаш;

- юрисдикцияси доираларида ёки юрисдикция зоналаридаги фаолиятидан келтирилган экологик заар учун компенсация ва мажбуриятга оид Рио Декларациясининг 13-принципини бажариш учун икки ва қўп томонлама хуқуқий механизмларни ривожлантиришда давом этиш. Бу маънода давлатлар Рио Декларациясининг ифлослантирган томон ифлослантиргани учун тўлайди, деган ёндошувга амал қилувчи 16-принципига риоя қилишлари керак;

- барча соҳалар эхтиёжларини қондиришни эътиборга олган ҳолда сув омборларидан келишилган сувни чиқариш графигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йули билан дарёларнинг гидрологик тартибини ўзгартиш ҳисобига етадиган заарларни минималлаштириш.

Минтақадаги экологик вазиятни стабиллаштириш биринчи навбатда, минтақада, хар бир давлатда ва хар бир субъект-сув фойдаланувчиси томонидан ушбу - сувнинг реал махсулдорлигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш хажмига сув сарфи - принципини тан олган ҳолда сувнинг норационал ишлатилишини қисқартиришга қаратилган тадбирларга боғлиқ. Шу билан бир қаторда, лимитланган сув олиш принципига қуйида жойлашган сув истеъмолчисига фоизга нисбатан сув олишнинг катта хажми учун хуқуқ берувчи алоҳида ўзгартишлар киритиш таклиф этилади. Лимитланган сув олишнинг ушбу тизимини тадбиқ этиш дарёлардан сув олишни нафақат сугориладиган ерларни ҳисобга олган ҳолда, балки сув сифатини, биринчи навбатда, унинг минерализациясини ҳисобга олган ҳолда бошқариш имконини беради.

Марказий Осиёдаги сув муаммоларини хал этиш йўллари:

1. Сув ресурсларидан фойдаланишни рационаллаштириш, яъни сувнинг хар бир томчисини асраш;
2. Дарё оқимининг бир қисмини ҳавзалараро чиқариш;

3. Минераллашган сувларни чучуклаштириш;
4. Сув ресурсларини ифлосланиш, камайиш ва шўрланишдан химоя қилиш;
5. Саноатда кам сув талаб қилувчи ва сувсиз технологияларни татбиқ этиш;
6. Қишлоқ хўжалигида сугоришининг прогрессив методларини татбиқ этиш;
7. Сув таъминоти тизимларида айланма ва сувдан қайта фойдаланишни татбик этиш, заарларга қарши курашиш.

Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш тизими

Бугунги кунда Ўзбекистон ихтиёрида 11.5 км^3 ички дарёлар оқими ва 42.0 км^3 трансчегаравий дарёлар оқимлари, шунингдек, 9.43 км^3 ер ости ва қайтувчи сувлардан иборат сув ресурслари мавжуд.

Сув ресурсларининг энг катта истеъмолчиси (мавжуд сув ресурсларининг 84% ни олади) суғорма дехқончилик ҳисобланади.

Хозирда республикада барча истеъмолчиларнинг сувдан лимитланган ҳолда фойдаланиши тартиби жорий этилган бўлиб, улар қуидаги навбатда сув ресурслари билан таъминланади:

- ичимлик ва коммунал-хўжалик сув таъминоти;
- саноат;
- қишлоқ хўжалиги сув таъминоти;
- хукуматнинг маҳсус қарори билан тасдиқланган сув истеъмолчилари;
- сугориш тизимлари ва кичик дарёлар бўйича санитар сув ўтказиши.

Иқтисодиёт соҳаларида сувдан фойдаланиш

4-жадвал

Иқтисодиёт соҳалари	км³	%
Коммунал рўзгор хўжалиги	3,4054	6
Саноат	1,202	1.8
Қишлоқ сув таъминоти	0,906	1,3
Қишлоқ хўжалиги	47,60	84,2
Энергетика	4,073	6
Балиқчилик	0,368	0,5
Бошқалар	0,102	0,2
Жами	57,52	

Ичимлик ва коммунал-хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиши

Коммунал хўжаликнинг характерли жиҳати фойдаланилаётган сув, айниқса, ичимлик сув сифати, миқдори ва режимига катъий талаблар қўйишидир. Ноирригацион сув истеъмолчилари ўртасида ушбу соҳа сув олиш хажмлари, сувдан қайтас тарзда фойдаланиши ва аҳоли пунктларидан сувни канализация тизимлари орқали чиқариши бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Ичимлик ва коммунал эҳтиёжлар учун хар йили $3,405 \text{ км}^3$ сув олинади, бу барча ноирригацион тизимлар истеъмол киладиган сув хажмининг ярмига tengdir. Йилига коммунал хўжалик томонидан $1,97 \text{ км}^3$ сув қайтмас тарзда сарфланади.

Хўжалик-ичимлик сув таъминотида ер ости сувларининг улуши анча каттадир. Жумладан халқ хўжалигининг барча соҳалари учун олинадиган ер ости сувларининг умумий хажми $6,205 \text{ км}^3$ /йил бўлса, ундан шаҳарлар коммунал – хўжалиги эхтиёжлари бериладиган миқдори $1,142 \text{ км}^3$ /йил на ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун бериладиган $1,423 \text{ км}^3$ /йил ни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида республикада ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун катта хажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳани модернизация қилиш мақсадларига нафақат республикав ва маҳаллий бюджет маблағлари балки кридит асосида халқаро молиявий институтларнинг катта миқдордаги инвестициялари жалб этилмоқда. Шундай бўлсада мазкур ўта муҳим соҳани ривожлантириш доимий эътиборни талаб этади. Хозирда республика аҳолисининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг учдан бир қисми сифат меъёрларига жавоб бермайдиган сувдан фойдаланиб келмоқда. Ўрганишлар натижаси кўрсатишича, 2000 йилда Хоразм вилоятининг барча ер усти сув манбаларидан олинган сув намуналарининг 34,4% микробиологик хавфсизлик давлат меъёрларига мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Антропоген фаолият натижасида ер ости чучук сувларининг маълум манбаларининг 40% ичимлик мақсадлари учун яроксиз бўлиб қолган. Ер ости чучук сувлари захираларининг нотекис тарқалиши туфайли республиканинг айрим худудларида ичимлик суви манбаларининг танқислиги сезилмоқда (Коракалпогистон, Хоразм, Бухоро, Самарканд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий туманлари).

Саноат эхтиёжлари

Республика саноати хар йили ўз мақсадлари учун $1,2 \text{ км}^3$ миқдорида сув олади, қайтмас тарзда $0,58 \text{ км}^3$ сув сарфлайди. Олинадиган сувлар хажмининг деярли ярми сифати атроф-мухит учун экологик хавф туғдирадиган индустрисал оқовалар кўринишида қайтарилади. Ер усти сувлари ҳавзаларига 502 та саноат обьектидан у ёки бу соҳага хос бўлган, таркибида оғир металлар тузлари, фторидлар, фенол, нефть маҳсулотлари, азот гурухлари, биологик ва бошқа заарли моддалари бўлган $0,14-0,17 \text{ км}^3$ яхши тозаланмаган сувларни чиқарилади.

Қишлоқ сув таъминоти

Қишлоқ хўжалиги сув таъминоти қишлоқ аҳолисининг ичимлик, коммунал хўжалик ва қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш эхтиёжларини қондиришни кўзда тутади (бунда ерларни сугоришни ҳисобга олинмайди). Бу йирик сув фойдаланувчиси коммунал хўжалиги соҳасидагига ўхшаш, аммо янада сезиларлироқ бўлган қўп сонли муаммоларга эга. Хар йили қишлоқ сув таъминоти мақсадлари учун $0,906 \text{ км}^3$ миқдорида сув олинади, уларнинг деярли 90% қайтмас тарзда фойдаланилади. Бинобарин, ундан чиқадиган оқовалар сезиларли эмас.

Суғорма дехқончилик

Сув истеъмолининг умумий хажмида суғорма дехқончиликнинг 84,5% дан ортиқни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мамлакат иқтисодиётидаги муҳим ролини ва 16.579 млн қишлоқ аҳолисини, уларнинг хаёт

фаолияти даражасини, даромадлари ва фаровонлигини унга бевосита боғлиқлигини ҳисобга олганда мазкур соҳанинг муносабиб даражадаги сув таъминоти қанчалик муҳим эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Хозирги вақтда 4,3 млн.га майдондаги ерларни суғориш учун ўртача 47 км^3 миқдорда сув ресурслари олинади. Сирдарё ҳавзасида солиштирма сув истеъмоли $10,0 \text{ минг м}^3/\text{га}$ ва Амударё ҳавзасида $12,1 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этади. Сувдан норационал фойдаланиш ва унинг паст самарадорлиги суғорма дехқончиликни ривожлантиришни чекловчи асосий тўсиқ омили ҳисобланади. Суғорма дехқончиликда сувдан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлишининг асосий сабаблари – магистрал каналлар, ички хўжалик ирригация тизимлари ва бевосита суғориш вақтидаги далаларда амалга ошадиган сувнинг ташкилий ва фильтрацион йўқотишлари ҳисобланади. Манбадан олинган сувнинг фақат бир қисмигина белгиланган мақсадда фойдаланилади (жадвалга қаранг).

Суғориш мақсадларида фойдаланиш жараёнида сувнинг йўқотилиши

5-жадвал

Йўқотилиш/фойдаланиш	Хажм ($\text{м}^3/\text{га}/\text{йил}$)	Манбадан олинган сувнинг умумий хажмидан % ҳисобида
Магистрал каналларда сувнинг йўқотилиши	2380	20
Бошқа хўжаликлараро каналларда сувнинг йўқотилиши	550	5
Ички хўжалик каналлари		
Сув ташиш жараёнидаги йўқотишлар	3,000	24
Эксплуатацион йукотишлар	3000	24
Дала шароитида сувдан фойдаланиш		
Шўр ювиш	770	6
Ерларни суғориш	2700	21
Жами	12100	100

Сўнгги йилларда хукумат томонидан магистрал каналларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш, сув етказиб беришни яхшилаш ва сувда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар бўйича қатор муҳим директив ҳужжатлар қабул килинди. Халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган харакатлар суғоришнинг илгор технологиялари ва тизимларини, мамлакатнинг турли минтақаларида ирригация тизимларининг турли даражаларида сувни бошқариш механизмларини ишлаб чиқишига қаратилди. Аммо уларни кенг масштабларда тадбиқ этиш маблағ этишмаслиги ва дехқончилик тизимларидаги мавжуд муаммолар туфайли бир мунча чекланган. Бу

вақтда эса сувнинг ифлосланиши ва у билан боғлиқ бўлган салбий оқибатлар ортиб бормоқда, натижада барқарор ривожланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни оғирлаштироқда.

Орол денгизи экологик танглиги ва унинг талаблари

Үтган асрнинг 90-йилларигача бўлган даврда Орол денгизининг сувга бўлган талаблари қолдиқ принципи бўйича, яъни барча иқтисодий талаблар қондириб бўлингандан кейин таъминланар эди. Умумий сувлардан биргаликда фойдаланиш юзасида халқаро битимлар тузилгандан кейин Орол бўйи минтақаси ва Орол денгизи сувнинг мустақил истеъмолчилари сифатида сахнага чиқди.

Гидроэнергетика

Ўзбекистон энерготизими асосини 12 та иссиқлик ва 31та гидростанциялар ташкил этади. Соҳанинг белгиланган умумий куввати-12,4 млн кВт/соатни, шу жумладан иссиқлик электростанциялариники-10,7 ва гидростанциялариники эса-1,7 млн кВт/ соатни ташкил этади.

Электроэнергетика энергетик мақсадларда $4,1 \text{ км}^3$ сув сарфлайди, қайтмас тарзда $0,15 \text{ км}^3$ сув ресурслари сарфланади.

Аммо, хозирги кунда Ўзбекистонда дарё оқимлари потенциалининг факат 11,3% дангина фойдаланилмоқда. Фаолият кўрсатаётган 28 та ГЭСлар сув энергетик тракти ҳисобланган дарёлар ва йирик магистрал каналларда жойлашган. 26 МВт қувватга эга бўлган 10 га яқин кичик ГЭСлар эскириб қолган қурилмаларнинг эксплуатация қилиниши билан боғлиқ мураккабликлар ва таъмиrlаш базасининг заифлиги туфайли консервацияланган. Бу иқтисодиётнинг ривожланиши учун жиддий муаммолар туғдиради, мамлакатнинг 30 миллионли ахолисининг эҳтиёжларини қондириш ва хаёт фаровонлигигини таъминлаш учун мавжуд қувватларни тиклаш, энергетик потенциални ошириш учун катта инвестициялар киритишни талаб килади.

Балиқчилик хұжалиғи

Орол денгизи танглигининг жиддий оқибатларидан бири – йилига 20 минг тонна балиқ етказиб берадиган йирик балиқчилик саноатининг йўқотишлари бўлди. Балиқчиликнинг денгиздан Оролбўйи кўуллари тизимиға қайта ориентациялаш миңтақада балиқ етказиб беришнинг тўхтовсиз камайишини секинлаштирасада бутунлай тутиб қола олмади. Шунинг учун балиқчилик хўжалиги сунъий ҳавзаларда балиқ етиштиришга ва бу мақсадлар учун ярокли бўлган барча сув ҳавзаларидан, биринчи навбатда, Айдар-Арнасой кўуллар тизимидан фойдаланишга ўтди.

1992-1995 йиллардаги балиқ етказиб беришдеги сезиларли пасайиши (51% га) ўша даврдаги иқтисодий қийинчиликтер билан асосланған бўлса 2000-2001 йиллардаги қурғоқчилик билан боғлиқ вазиятни чукурлаштириди.

Балиқ етиширишда сувнинг минераллашуви ва унинг ирригацион қайтувчи сувлар ва саноат оқоваларининг чиқарилиши окибатида сувнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши жиддий акс этади. Сунъий балиқчилик

республикада йилига олинадиган $0,368 \text{ км}^3$ сувнинг 60% ни қайтмас тарзда истеъмол килади.

Рекреация

Сувдан рекреация учун фойдаланилиши табиий ва сунъий экотизимларнинг, иирик дарёларнинг сохилларининг, тоғ ва тоғ олди худудлари, сув омборлари ва каналларнинг қирғоқлари имконият ва шароитларидан фойдаланишга асосланган. Бу масалада энг яхши ландшафт – ер усти сувлари ҳисобланади. Аммо, табиий ҳолатида улар рекреацион мақсадлар учун деярли яроксиз бўлади, бу қулайлик яратиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича катта иш бажаришни талаб этади.

Асосий рекреацион худудлар Амударё (дарёнинг сохил худуди, канал ва сув омборлари қирғоқлари), Зарафшон (барча чўзилиб кетган дарёларни ўз ичига олади), Тошкент (Чотқол ва Чирчик дарёлари, Чорвоқ сув омбори қирғоқ худудлари), Қорадарё, Сирдарё, ва Қайроқкум сув омбори қирғоқ бўйлари), Фарғона (кичик дарёларнинг тоғ ва тоғ олди худудлари) ҳисобланади. Республикада сув обьектларининг табиий потенциал рекреацион сифимлари 45 минг киши, сув олди ландшафтларини тўла маданийлаштирилда эса -170 минг кишини ташкил этади. Бу обьектларнинг деярли барчаси хўжалик-ичимлик эҳтиёжларига ишлатилган сув сарфларни ҳисобламаганда, сувдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Сув ресурслари ва сув захираси тушунчалари.
2. Сув ресурслари ва уларнинг тарқалиши
3. Сув ресурсларининг микдорий тавсифлари, уларнинг тарқалиши ва эволюцияси.
4. Сув ресурсларининг сифат тавсифлари, уларнинг тарқалиши ва эволюцияси.
5. Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистондаги мавжуд сув ресурслари
6. Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистондаги мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва унинг асослари
7. Иқтисодий ва экологик эҳтиёжлар учун сувга бўлган талабнинг ортиш динамикаси.
8. Минтақада сув соҳасидаги мавжуд муаммолар
9. Минтақда сув муаммосини мураккаблаштирувчи ҳолатлар
- 10.Иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсири
- 11.Ўсиб бораётган сув тақчиллигининг асосий сабаблари
- 12.Орол денгизи ҳавзасида ва Ўзбекистонда турли соҳалар бўйича сув ресурсларидан фойдаланиш

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2014 й., 36-сон, 452-модда.
2. Салоҳиддинов А.Т., Икромов Р.К., Тимирова М.Н. Управление водными ресурсами. Ташкент. ТИМИ. 2015. -236 стр.
3. Салоҳиддинов А.Т., Икромов Р.К., Муродов Р.А. Сув ресурсларини бошқариш. Тошкент. ТИМИ. 2015й. – 218 бет.
4. Quentin R. G., Hussey K. Water resources planning and management. Cambridge UNIVERSITY PRESS, 2011, 767 pages.

Қўшимча адабиётлар:

1. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим хаётий ресурс. Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури. Тошкент 2007 й. -127 бет
2. Вода жизненно важный ресурс для будущего Узбекистана. Программа развития Организации объединенных наций. Тошкент 2007 й. -127 бет
3. Valiyev X., Murodov Sh., Xolboyev V. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muhofaza qilish” Fan va texnologiya, T.:2010 – 164 bet.
4. Ўзбекистонда сув ресурсларини мукаммал бошқариш Global Water Partnership T.:2010 – 54 бет.
5. Совершенствование управления водными ресурсами и трансграничного водного сотрудничества в Центральной Азии. ЕЭК ООН. Т.:2011 – 135 стр.
6. Обзор водохозяйственного развития в Азии. Asia Pasific Water Forum. Asian Development Bank 2013 – 109 стр.
7. Изменение климата и его влияние на природно – ресурсный потенциал Республики Узбекистан. Главгидромет Т.:2000 – 252 стр.

3-Мавзу. Сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқариш даражалари ва эволюцияси. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда ва адаптив бошқариш

Режа:

1. Сув ресурсларини ва сувга бўлган талабни бошқариш, унинг зарурияти, ижтимоий, иқтисодий ва экологик заруриятлари
2. Сув ресурсларини ва сувга бўлган талабни бошқариш даражалари ва эволюцияси
3. Сув ресурсларини интеграл ва адаптив бошқариш.

Таянч иборалар: Сув ресурсларини бошқариш. Сувга бўлган талабни бошқариш. Сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқаришнинг тамойиллари. Сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқариш даражалари ва эволюцияси. Сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқаришнинг гидрографик ҳавзавий бошқариш тамойили, унинг афзалликлари ва ўзига хослиги. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда ва адаптив бошқариш. Сув ресурсларини интеграллашган

ҳолда бошқаришнинг технологик жараёнлари. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш жараёнларининг институционал, технологик, иқтисодий ва экологик жиҳатлари ва аҳамиятини, қўлланиш шартлари.

1. Сув ресурсларини бошқариш, унинг зарурияти, ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳамиятлари

Дунёда сув билан боғлиқ муаммолар кескинлашиб бораётганлиги ва кўп қирралилиги билан характерланади. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки сув ресурслари сайёра бўйича ўта нотекис тарқалган ва жойлашган. Бу масалада энг оғир ҳолат Осиёда кузатилади. Маълумки Осиё қитъасида дунё аҳолисининг 50% дан ортиғи ҳаёт кечиради, аммо мавжуд сув ресурсларининг фақатгина 36% мазкур қитъага тўғри келади. Тоза ичимлик сувининг кескин етишмовчилиги дунёнинг 80 дан ортиқ давлатида кузатилади. Мазкур ҳолат туфайли дунёнинг кўп давлатларда сув етказиб бериш хозирданоқ меъёрланмокда.

Гидрологик классификацияга мувофиқ, аҳоли жон бошига йилига 1000-1700 m^3 янгиланиб турувчи сув ресурсларига эга бўлган давлатлар сув етишмовчилиги ҳолатида бўлса, йилига аҳоли жон бошига 1000 m^3 дан кам янгиланиб турувчи сув ресурсларига эга бўлган давлатлар аҳолиси сув тақчиллиги (дефицити) ҳолатида кун кечиради деб ҳисобланади. Аммо таъкидлаб ўтиш лозимки, инсониятнинг адаптацияга (мослашиш) нисбатан қобилиятлари улкандир: масалан Иорданияликлар, аҳоли жон бошига йилига бор-йўғи 176 m^3 янгиланиб турувчи сув ресурсларига эга бўлиб ҳам кун кечириб келмоқдалар.

Аҳоли сонининг ортиб бориши билан хўжалик фаолияти эҳтиёжлари учун сарфланадиган сув ҳажми ҳам ортиб бормоқда (XX асрда сув истеъмоли ҳажми 6 баробарга, Ер шари аҳолиси эса 4 баробарга ортди). Ривожланаётган давлатлар аҳолисининг 50% дан ортиғи истеъмол учун сувни ифлосланган сув манбаларидан олишга мажбур. БМТ мутахассислари фикрига кўра агар бу тенденция давом этса, 20 йилдан сўнг аҳоли жон бошига сув истеъмоли 1/3 га камаяди. Ичимлик сувининг қониқарсиз сифати миллионлаб инсонларнинг ҳаёти ва соғлигига, уларнинг фаровонлигига реал хавф солади.

Сув энергетик муаммоларни хал этиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. 2015 йилда гидроэлектр энергияси, ишлаб чиқариладиган энергиянинг умумий ҳажмидан 19% ни ташкил этди (соатига 2903 Терраватт). Тугонларнинг барпо этилиши ва сув омборларини қуриш (электр жнергияси ишлаб чиқариш, ирригацияни ривожлантириш, саноат корхоналари ва майший секторни сув билан таъминлаш, сув тошқинларини бошқариш) иқтисодий ривожланишга албатта ўз хиссасини қўшди. Шу билан бирга бу салбий ижтимоий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. 40 дан 80 млн гача одамни кўчириш, кўчирилганларнинг ижтимоий мавқеи ва турмуш даражасининг пасайиши, табиий атроф-муҳит ҳолатида тузатиб бўлмас оқибатларига олиб келганлиги (сув омборининг тўлдирилиши натижасида ерларнинг зах босиши ва шўрланиши, шунингдек, оёқ етмаган табиат масканлари ва ҳайвонот оламининг яшаш жойлари ва кўпгина бошқа масканларнинг йўқотилиши ва бошқалар) шулар жумласидандир.

Масалан сўнгги даврларда АҚШда асосан табиатни муҳофаза қилиш мақсадида 500 яқин ўрта ўлчамдаги тўғонлар бузилди ёки консервация қилинди. Бундай иншоотлар америкаликлар томонидан XX асрда қурилган 800 мингта тўғон ва сув омборларининг фақат бир қисминигина ташкил этишига қарамай, бошланган бу жараён кенг кўлланилаётган технологияларга нисбатан ҳушёрроқ назар ташлашга чорлайди.

Кичик гидроэнергетика ривожи жуда муҳимдир. Кичик қурилмалар (10 МВт гача қувватга эга бўлган) қишлоқ жойларида ва узоқ масканларда айниқса фойдали ҳисобланади. Хитойда 60 мингга яқин шундай қурилмалар ишламоқда. 2010 йилда кичик гидроэнергетика ёрдамида энергия ишлаб чиқариш Яқин Шарқда 5, Австралия, Япония ва Янги Зеландияда 4,2, Марказий ва Шаркий Европада 3,5 ва МДХ давлатларида 3 баробарга ортди.

Сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси қишлоқ хўжалигидир (энг аввало, бу суформа дехқончилик). Дунёда умумий сув истеъмолининг 70% қишлоқ хўжалиги, 22% саноат ва 8% майший эҳтиёжлар ҳисобига тўғри келади. Юқори даромад даражасига эга бўлган давлатларда бу рақамлар мос равишда 30:59:11 фоизни, паст ва ўртacha даромад даражасига эга давлатларда эса 82:10:8 фоизни ташкил этади. [6]

Қатор дарё ҳавзалари бўйича суформа дехқончиликнинг ривожланиши натижасида ўртacha йиллик сув олиш, сув олишнинг экологик мумкин бўлган хажмларидан ортиб кетган. Жумладан Колорадо дарёси АҚШ ва Мексика далаларини суфориш учун олинадиган сувларнинг ўсиб кетганлиги туфайли Калифорния буғозига қуйилмай қўйди. Сув камчил йилларда Сирдарё ва Амударё дарёлари Орол денгизига етиб бормайди. Кўллар сони жуда тез камаймоқда. Хитойда 543 та кўл қуриб қолди, улардаги сув миқдори тубигача олинди.

Ер ости сувларининг камайиши, ер ости сувлари сатхларининг пасайиши кўплаб минтақаларда жумладан, Хиндистон, Ливия, Саудия Арабистони, АҚШда кузатилган. Шимолий Хитойда 100 млн дан ортиқ киши яшайдиган худудда ер ости сувларининг сатхи 30 м дан кўпроқ пасайган. Озиқ-овқат сиёсати ҳалқаро институти маълумотларига кўра 2005 йилдаёк чучук сув етишмовчилиги боис, дунёда камида 130 млн тонна озиқ-овқат маҳсулотларини кам олина бошланди. Ҳозирги кунда 1,5 млрд аҳоли очликдан зарар кўрмоқда. 2030 йилга бориб суформа ерлар майдони 20% га, истеъмол қилинадиган сув ҳажми 14 % га ортиши кутилмоқда.

Сув ресурслари ҳолатига иқлим ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Экстремал об-ҳаво шароитлари кўпайиши тенденцияга айланиб қолди. Мутахассислар башоратларига қараганда бу дунёдаги сув тақчиллигини 20 % дан ортади. Ҳалқаро дарё ҳавзаларида сув ресурсларини улардан фойдаланишининг турли мақсадлари ўртасида тақсимоти муаммоси билан бир қаторда (ирригациянинг ривожланиши, энергия ишлаб чиқариш, коммунал хўжалиги ва бошқалар) манбаатларни мувофиқлаштириш ҳамда бошқа дарё ҳавзаси ёки ер ости сувлари манбаларидан фойдаланадиган маъмурият ёки давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муаммоси ҳам мавжуд. БМТ башоратларига кўра 2050 йилга келиб планета аҳолиси сони 8,9 млрд кишига етади, сув такчиллигидан 2 дан 7 млрд

гача одам азият чекади. Хозирги кунда халқаро дарё ҳавзалари сони 261 та ва уларни 145 та давлат ўзаро бўлишмокда. Масалан, Нил, Дунай, Тигр, Ефрат, Ганг, Амударё, Сирдарё ва Брахмапудра дарёлари қачонлардир барчани етарли ҳажмларда сув билан таъминлаган. Аммо аҳоли ўсиши ва иқтисодиёт ривожланиши билан дарёлар ҳавзаларининг юқори қисмида жойлашган давлатлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланиш режимларини ўзгартирилиши дарёлар ҳавзаларининг қуий қисми жойлашган худудларнинг сув билан таъминланганлик шароитини ўзгартириши мумкин.

Сув ресурсларини барқарор бошқариш, тозаланган ичимлик сувига етишиш имкониятларини кенгайтириш, бошлангич санитар техник ускуналар ва гигиенани яхшилаш имкониятларини мукаммаллаштириш тадбирлари - бир неча млрд инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлигини яхшилаш ва сув орқали тарқаладиган касалликлар сонини қисқартириш учун етарли потенциалга эга.

Экотизимлар қурғокчилик ва сув тошқини каби экстремал шароитларни ўз ичига олган ҳолда сув сифати ва етарлилиги асосини ташкил этади. Улар барқарор тараққиёт учун зарур бўлган қатор афзалликларни таъминлайди. Бу асосий афзалликларнинг кўпчилиги бевосита сувдан олинади ва ҳаммаси сувдан ресурс сифатида фойдаланишда амалга оширилади. Экотизимлардаги шу жумладан, улар таъминлаб тўрган хаётдаги ўзгаришлар мувозанатнинг бузилишини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, экотизимлар сув ресурсларини истемол қилмайдилар аммо уни етказадилар ва регенерация қиласадилар. Экотизимлардан сувни асосиз равишда олиниши, уларнинг инсонларни керакли экологик хизматлар билан таъминлаш кобилиятларини пасайтиради.

2. Сув ресурсларини ва сувга бўлган талабни бошқариш даражалари ва эволюцияси

Орол денгизи минтақадаги янгиланиб турувчи сув ресурслари ер усти ва ер ости сувларидан ташкил топган, шунингдек улар антропоген фойдаланишдан қайтган сувлар (оқова ва дренаж сувлари) ҳисобига тўйинади. Орол денгизи ҳавзасида 2 та йирик дарё ҳавзаси мавжуд: шимолда Сирдарё ва жанубда Амударё. Бу асосий дарёлар ўртасида Зарафшон дарёси ҳам мавжуд бўлиб, у Амударёнинг собиқ ирмоғидир.

Минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг худудининг учта зона бўлиниши ҳисобланади:

- а) оқимнинг шаклланиши зonasи (тоғли ҳудудларда оқимнинг шаклланиши зonasи);
- б) транзит ва оқимни тарқалиш зonasи;
- в) делта зоналари.

Одатда оқим шаклланиши зonasида жиддий антропоген ўзгаришлар кузатилмайди, аммо шу зона чегарасида йирик туғонлар ва сув омборлари курилиши туфайли дарё қуий оқимлари ҳудудларида оқим тартиби кескин

ўзгаради. Транзит ва оқимни тарқатиш зонасида бутун гидрологик цикл ва оқим, дарёлар ва худуд ўртасидаги ўзаро таъсирлар натижасида ўзгаради. Бу ўзаро таъсир суғориладиган майдонлар учун дарёлардан сув олиш ва қайтарилаётган оқова сувларни, уларнинг таркибидаги тузлар билан ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилган кимёвий моддаларнинг дарёларга ташланиши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасида қатор авлодлар харакати билан халқ хўжалигининг барча соҳаларига сув етказиб беришни таъминлаш имконини берувчи кучли сув хўжалиги тизими яратилган ва ишламокда.

Сув хўжалиги тизими қўйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари;
- лойиҳалаш изланиш институтлари;
- буютмачи хизмати;
- курилиш ва маҳсус монтаж бўлинмалари;
- саноат ва индустрия;
- автотранспорт хизмати;
- эксплатацион блок.

Барча блокларнинг ҳар бири ўзининг белгиланган вазифасини бажаради, ва шунга қарамай республика учун зарур бўлган қўйидаги иккита муҳим вазифани бажарувчи яхлит сув хўжалиги комплексини ташкил этади:

- сув ресурсларини бошқариш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини таъминлаш.

Ўзбекистонда сувни етказиб бериш 4235 та сув фойдаланувчиларга, шу жумладан 2739 та қишлоқ хўжалик корхоналари ва 1496 та қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган (комунал хўжалик, энергетика, ва бошқа обьектлар) корхоналар учун амалга оширилади. Суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини таъминлаш бўйича ишлар 4270 га майдонда амалга оширилади.

Етказиб бериладиган сув ресурсларининг умумий хажмидан 87% қишлоқ хўжалиги, 3,8% энергетика, 3% саноат, 4,2% коммунал хўжалик ва 2% бошқа мақсадларга сарфланади.

Сув ресурслари ва улардан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш фаолияти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, республика маҳсус бирлашмалари, қишлоқ ва сув хўжалигининг вилоят ва туман бошқармалари, вилоятларро ва туманлараро каналлар бошқармаларидан ташкил топган тармоқланган давлат хизмати томонидан амалган оширилди. Умуман бу вазифалар маъмурий – худудий, ҳавзавий ва тизимли принциплар бўйича амалга оширилади.

Кўпинча сув ресурсларини бошқариш - бу сувни имкон даражасида керакли вақтда ва керакли микдорда керакли нуқтага етказищдан иборат деган содда тушунчага дуч келамиз. Шунинг учун сув хўжалиги ташкилотларининг вазифалари, ўзларининг юқори ташкилотлари ёки ҳамкорларидан қўпроқ сув ҳамда ўз қарамоғларидағи иншоатлар ва штатларни ушлаб туриш учун маблағ ундириш, каналлар ва иноатларини ўз тасарруфларидағи сув истеъмолчилари ва

сувдан фойдаланувчиларга сув беришни таъминловчи иш тартибларини таъминлашдангина иборат деган тор тушунчалар ҳам учраб туради.

Аммо, юқорида келтирилган ташқи ва ички омиллар таъсиrlарида дунёда шакланаётган тенденцияларни инобатга оладиган бўлсак хозирги, даврдаги сув ресурсларини бошқариш анча мураккаб жараёндир. Шундай қилиб сув ресурсларини бошқаришнинг мақсади замонавий талқинда нимадан иборат?

Сув ресурсларини бошқариш – табиат ва жамиятнинг зарурий сифатдаги ва миқдордаги сувга бўлган эҳтиёжларини доимий тарзда, барча вакт даврлари (оператив, йиллик, кўп йиллик ва истиқболли) бўйича таъминлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда сув ресурсларини бошқариш сув ресурслари ва сувга бўлган талаблар ўртасидаги доимий мувозанатни таъминлашдан иборатdir.

Мазкур мувозанат юзаки қараганда жуда содда ва чуқурроқ қараганда жуда мураккаб бўлиши мумкин. Ушбу мураккаб тизимда қуйидагиларни алоҳида ажратиб таъкидлаш мумкин:

- табиий сув ресурслари (ёғинлар, ер усти ва ер ости сувлари оқимлари), ҳамда инсониятнинг атропоген таъсиrlари остида вужудга келувчи қайтувчи сувлари. Мазкур ресурслар иқлиминг ўзгаришлари оқибатида таъсирида ўзгаришлари мумкин;
- иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган (уларнинг қайтmas сув истеъмолини ҳисобга олган ҳолдаги) талаблари;
- экологик шароит ва талаблар;
- ижтимоий муҳит ва иқтисодий таракқиёт;
- ва нихоят энг муҳим таркибий қисм бўлган – сиёсий муҳит.

Шу билан бирга қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

- мавжуд сув ресурслари уларнинг истеъмоли билан мос келмайди;
- турли истеъмолчиларнинг сув истеъмоли муддатлари турлича бўлиб, бир бирга мос келмайди (масалан сугориш ва энергетика; рекреация ва балиқчилик ва ҳ.о.);
- сув сифатини ёмонлашуви. Мазкур ҳолат амалда жамият учун мавжуд тоза сув ресурсларининг миқдорини кескин камайтиради.

Муҳими шундаки, сув ресурслари бошқарувда алоҳида ўзига хос ресурс бўлиб, уларнинг хоссалари сувга бўладиган хар қандай таъсиrlар ёки ундаги ўзгаришларни барча ўзаро боғлиқ бўлган муҳитлар ва соҳаларга вакт ва маконда тарқалишига олиб келади.

Албатта, сиёсий, ижтимоий ва экологик муҳитлар, бошқарувда аввал қўлланиб келинган сувга бўлган талаб тўғрисидаги деклерациялар ҳамда сув ресурсларни бошқариш ва тарқатишни ташкил этишнинг каттиқ тартибиға нисбатан барча сув ресурсларни жалб этиш, уларнинг шаклланиш шароитларини яхшилаш ва бир вақтни ўзида сувга бўлган талабларни бошқариш имкониятларини кенгайтиришда катта роль ўйнайди. Сув ресурслари тизимидағи мураккаб ўзаро боғлиқларнинг барча жиҳатлари ўзаро боғлиқликда кўрилса муаммолар нисбатан енгилроқ ечилади. Шунинг учун хар бир мамлакат доирасида сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ харакатларни

мувофиқлаштириш, бирлаштириш ва боғлаш бўйича зарурият туғилади. Инсон ва табиат ўртасидаги тафовутни олдини олиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур. Жумладан:

- вазиятни, трендлар ва потенциални баҳолаш учун:
 - маълумотлар ва уларнинг таҳлили
- ресурслар ва эҳтиёжларни башорат қилиш учун:
 - маълумотлар ва уларнинг таҳлили
- сув ресурслари махсулдорлигининг потенциал техник даражасига эришиш бўйича тадбирларни режалаштириш бўйича:
 - техник база;
 - техник ечимлар
 - молиявий ресурслар
- бошқарувни ташкилий амалга ошириш бўйича
 - хуқуқий база
 - потенциал ташкилий тузилмалар
 - сув учун тўлов тизими, ресурслар
 - сувнинг ифлосланиши
 - сув истеъмолчиларининг иштирохи
 - сувни тежамкор ишлатишдан моддий манфаатдорлик

Умуман мазкур барча ҳаракатлар давлат органи томонидан мамлакат миқёсида ва ҳавза даражасида барча гидографик бирликлар доирасида мувофиқлаштирилиши лозим. Айнан шундай тизим Испанияда (1926 йилдан), Францияда, Голландияда ва дунёнинг бошқа қатор ривожланган мамлакатларида мавжуд. Бундай тизим 1926 йилдан Марказий Осиёда Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳам мавжуд эди. Аммо кейинги даврда мазкур тизим ўзгаририлиб, охир оқибат маъмурӣ худудий вилоят тизимига айлантирилган эди.

Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик жиҳатлари.

Назарий ва амалий жиҳатдан маълумки сув хўжалиги соҳасининг барча мутахассислари барча турдаги сув ресурсларининг моддаларнинг ҳаракатланиши ва мувозанати қонунига асосан гидографик ҳавзалар доирасидаги гидрологик циклларга боғлиқлигини яхши билишади, аммо уларни барчалари ҳам буни ўз фаолиятларида инобатга олмайдилар. Сув ресурслари гидографик ҳавзалар доирасида шаклланадилар, ҳаракат қиласидилар, қайтадилар ва қайта фодаланиладилар. Бу жараёнларнинг барчаси ўта ўзаро боғлиқликда кечади.

Хар бир гидографик ҳавза ўзининг асосий дарё ўзани, унинг дарёгача етиб борувчи ва етиб бормайдиган ирмоқлари, ер ости сувларининг динамик захиралари ҳамда шаклланадиган қайтувчи сув ресурсларига эга. Дарёнинг табиий сувлилиги унинг ҳавзасига ёғувчи ёғингарчилик ва ундан амалга ошадиган буғланиш, оқим модули шаклланниши, музликлар ва қор қатламларидан шаклланадиган оқимлар ҳамда ер ости ва грунт сувлари оқимларига боғлиқ бўлади.

Ҳавза худудида мавжуд бўлган сув ресурсларининг умумий баланси сувнинг табиий оқиб келадиган ва оқиб кетадиган оқимлари ҳамда инсон томонидан табиатга қайтарилаётган оқимнинг антропоген ташкил этувчи

қисмларидан иборат бўлади. Сув балансининг мазкур ташкил этувчилар шу қадар турли даражадаки уларни санаб ўтиш мушкул, бироқ уларнинг бари мавжуд ва улар ўзлари билан боғлиқ муҳитларга таъсир этади.

Уларни тизимлаштиришга ҳаракат қиласиз:

Ўзгариш, натижа, оқибат

- сув йифилиши ҳавзасида ўрмонларнинг кўпайиши (ёки камайиши)
- грунт сувлари сатхининг пасайиши (кўтарилиши)
- сув ҳажми ва оқимининг йил давомидаги тарқалишини ўзгариши;
- эрозиянинг кўпайиши (ёки камайиши);
- сув ресурсларининг шаклланиш зонасида дехқончилик, шу жумладан суформа дехқончилик, миқёснинг катталашуви;
- ерлар махсулдорлигини ошиши;
- сув лойқалигини ортиши;
- пастки горизонтларга сув оқимини ортиши ва қуида жойлашган ерларда ер ости сув сатхининг кўтарилиши;
- суфориш ва бошқа мақсадлар учун ер усти сувларини олишни кўпайиши;
- сув олиш нуқталаридан пастда сув оқимининг камайиши;
- дарёда сув сифатини ёмонлашиши;
- қайтувчи сувларни шаклланиши;
- грунт сувлари оқимини кўпайиши ва уларнинг сифатини ўзгариши;
- тупроқ сифатини ўзгариши;
- дельтага етиб борувчи ер усти сувларнинг камайиши;
- дельтага етиб борувчи ер усти сувларнинг камайиши – грунт сувлари сатхини пасайиши;
- инфильтрацион ёғинлар миқдорини ортиши;
- оқим модулининг ўзгариши;
- аэрация зонаси ва сув истеъмоли ҳажмининг ортиши;
- ифлосланган сувларни дарёларга ташланиши – дарёларда сув сифатини ёмонлашуви;
- тўғонлар қурилиши – сув ҳавзалари сатҳидан буғланиш миқдорини ортиши;
- сув ҳавзаларида сувни туриб қолиш ҳодисалари;
- лойқа босиши;
- дарёда сув лойқалигининг камайиши;
- сув оқими режимини ўзгариши;
- дарёларнинг қишики режимини ёмонлашуви;
- грунт сувларига оқимни ортиши;
- сув босган зоналарни ҳосил бўлиши;
- каналларда сув билан ювилиш ҳодисасининг кўпайиши.

Бироқ қарор қабул қилишда гидроэкологик барқарорлик шартидан келиб чиқиб, аниқ мезонлар ишлаб чиқилса ва унга амал қилинса юқорида санаб ўтилган ўзгариш ва таъсирларнинг барчасини муайян даражада тартибга солиниши мумкин. Бунда:

- дарё ва уни тўйинтирувчи сув йифилувчи ҳудуд ўртасида сув ва туз алмашинуви минимумга интилиши лозим;
- аэрация зонаси ва грунт сувлари ўртасида сув ва туз алмашинуви нолга интилиши лозим;
- дарёдан олинадиган жами сув ресурслари миқдори, уларнинг табиат талабларга (дарё дельтаси, сув ботқоқли ҳудудлар ва ҳ.о.) зарар етказмайдиган лимитидан ортиб кетмаслиги лозим.

Мазкур барча мезонларга нафақат ўртача сувли, балки кам сувли ва кўпсувли йилларда ҳам амал қилиниши маълумотлар, башорат ва моделларнинг аниқлигини, шунингдек ҳавза ва унинг алоҳида қисмларида сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишда қатъий тартибни талаб этади. Афсуски амалда қўпинча ҳатто алоҳида мамлакатлар миқёсида ҳам мақсадли равишда дисбаланс ва сув таъминотининг ўзгариши ҳолатлари вужудга келмоқда.

Табиий ва антропоген ноаниқликлар параметри ҳавзани гидрографик бошқаришда сезиларли даражада мураккабликлар келтириб чиқармоқда. Амалда гидрографик ноаниқликтининг учта тури мавжуд:

- оқимнинг табиий ўзгарувчанлиги;
- билимларнинг етарли эмаслиги, маълумотлардаги ноаниқликлар ёки уларнинг етишмаслиги туфайли йўл қўйилган хатоликлар;
- моделларнинг етишмаслиги ва улардаги хатоликлар миқдори;
- ўлчов тизимининг ривожланмаганлиги, улардаги хатоликлар, апроксимацияда қўлланилган нотўғри формалар ва ҳ.о.;
- дарё ёки унинг ҳавзасини бошқариш бўйича қабул қилинган қарорлардаги дарё ёки ҳавзанинг бошқа бўлимларидаги ўзгаришларга, жумладан ер усти ёки ер ости сувларидаги ўзгаришларга олиб келувчи ноаниқликлар.

Сўнгги даврда минтақада информацион таъминот даражаси ҳатто миллий миқёсларда ҳам бир оз пасайди. Ҳатто йирик дарёларда ҳам гидрометеорологик постлар сони камайди. Сув сифати тўғрисидаги маълумотлар эса деярли йўқ даражада. Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидаги музликлардаги кузатув нуқталари тутатилди. Федченко музлигига 1914 йилдан бери фаолият кўрсатиб келган станция кузатув маълумотларини бермай қўйди. Маълумот алмашинуви нафақат мамлакатлар ўртасида балки мамлакатлар ичида ҳам етарли эмас. Буларнинг барчаси бошқарувдаги ноаниқликларни ошишига сабаб бўлмоқда. Натижада 2000 йилги қурғоқчиликни (кам сувлиликни) олдиндан аниқлаш имкони бўлмади ва Сирдарё ва Амударё ҳавзаларининг айrim ҳудудларида катта заарлар кўрилди.

Сув ресурсларини бошқаришнинг сиёсий жиҳатлари.

Барча мамлакатларнинг, шу жумладан Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг конституцияларида иқтисодиёт ва жамиятнинг сувга бўлган талабини қондириш давлатнинг мажбурияти эканлиги таъкидланган. Шундай бўлсада мамлакатларнинг сув ресурсларини бошқариш масалаларига ёндашувлари турлича. Сув ресурсларининг шаклланиши, уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, шунингдек сув ресурсларини вилоятлараро миқёсдаги тақсимотини амалга ошириш шубҳасиз давлат органлари томонидан амалга

оширилиши лозим бўлган вазифалардир. Шу билан бирга давлат яна бир қатор сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ бошқа асосланган сиёсий функцияларни ҳам амалга ошириши лозим.

Сув ресурсларини бошқариш бир неча иерархик даражаларда амалга оширилади ва бу даражалар қуидагиларни ўз ичига олади:

- миллий даражаси;
- вилоят, ҳавзвавий ёки субҳавзвавий даражаси;
- туман тизими даражаси;
- сув истеъмолчилари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва сувдан фойдаланувчилар даражалари.

Сув ресурсларини бошқаришдаги биринчи тамойил маъмурий-худудий деб номланади ва у барча мамлакатларда маълум даражада мавжуд. Мазкур тамойилнинг асосий камчилиги шундаки ҳавзалар чегаралари маъмурий чегараларга мос келмайди ва шунинг учун амалда сув ҳавзалари даражасида сув ресурсларини бошқариш ҳамда аниқ режалаштириш имкониятлари йўқ. Бу эса ўз навбатида сув ресурслари тақсимотини нотекис амалга оширилиши, хабардорликни пасайиши, сув ресурсларини самарали бошқарилмаслигига олиб келади.

Сув ресурсларини бошқаришдаги иккинчи тамойил гидрографик-ҳавзвавий деб номланади. Мазкур тамойил бўйича сув ресурслари ҳавзалар ва тизимлар бўйича амалга оширилади ҳамда бу жараёнда вилоятлар ва туманлар вакиллари демократик асосларда иштирок этишади. Ушбу тамойил ҳозирда бутун жаҳонда тан олиниб кенг қўлланилмоқда. 2003 йилдан Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларини бошқариш маъмурий-худудий тамойилдан гидрографик-ҳавзвавий тамойилга ўтказилди. Бунда давлатнинг асосий ролларидан бири мамлакат даражасида сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ масалаларнинг асосини белгилаш ва сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича қулай сиёсий муҳитни яратишдан иборат бўлади.

Давлатнинг сув хўжалигини молиялаштиришдаги роли жуда муҳимдир. Хеч бир ривожланган мамлакат сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ молиялаштириш юки оғирлигини тўлалигича сувдан фойдаланувчилар елкасига юкламайди. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин:

- АҚШ тажрибаси. Сув ресурсларининг муҳофазаси, йирик сув хўжалиги тизимларини бошқариш, сув ресурсларининг шаклланиши ва уларни бошқариш ҳамда молиялаштириш масалалари “дистрикт”лар даражасигача (бу тахминан бизнинг шароитимиздаги ирригация тизимлари бошқармасига тўғри келади) АҚШ Мелиорация Бюроси, штатлар хизматлари, АҚШ экологик хизмати ҳамда штатлараро ташкилотлар воситасида давлат томонидан амалга оширилади. Сув истеъмолчилари сув ва ирригацион “дистрикт”ларга бирлашадилар ва сув хизматлари учун уларнинг худуди доирасида тўловни амалга оширадилар;

- Канада тажрибаси. Худди юқоридагига ўхшаш тажриба. Канада тажрибаси АҚШ тажрибасида фермер ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув хўжалигини янгилашга йўналтирилган капитал қуйилмаларни 25 фоизи доирасида тўловдаги иштироки билан фарқ қиласи;

• Голландия тажрибаси. Сув хўжалигини бошқариш, ривожлантириш ва реонструкция қилиш ишлари сув таъминоти ва дехқончилик соҳасида сув истеъмолчилари даражасигача бўлган бўғинда давлат томонидан амалга оширилади;

• Хиндистон тажрибаси. Сув хўжалигини бошқариш, ривожлантириш ва реонструкция қилиш ишлари фермерлар ва уларнинг уюшмалари гача бўлган бўғинда давлат томонидан амалга оширилади. Фермерлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг ўзини ўзи таъминловчи тизимлари доирасида суғоришнинг янги техникаларини қўллаш ва унинг электр таъминоти эҳтиёжлари учун давлатдан сезиларли даражадаги дотациялар оладилар.

Сув хўжалигини бошқаришда юқоридаги сингари тамойиллар муайян молиявий инструментларни қўллаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бундай инструментларни топиш ва сув хўжалиги ташкилотлари учун ўз вазифаларини муваффақиятли бажариш ва сув ресурсларини барқарор бошқариш шароитларини яратиб бериш ҳам муайян “қулай сиёсий муҳит” яратиш йўлидаги сиёсий линиянинг бир қисми ҳисобланади.

Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик ва сиёсий жиҳатларини уйғунлаштиришга факат “Сув ресурсларини интеграллашган ва адаптив бошқариш тизимлари”ни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин. Таъкидлаш лозимки мазкур услуб, собиқ совет даврида “Сув ресурсларини комплекс ривожлантириш ва суғориш услуги” номи билан муваффақиятли равишда ишлаб чиқилган ва Мирзачўл, Қарши чўли, Қизилқум, Ашт ва Қизилин даштларини, Қоракум канали ва Марказий Осиёдаги бошқа суғориш массивларини ўзлаштиришда жорий этилган.

Сув ресурсларини бошқаришда “қулай сиёсий муҳитни яратиш” тушунчасига қўйидагилар киради:

- сув хўжалигининг давлат мақсадларидаги устиворлиги ва сиёсий қўллаб қувватлашни амалга ошириш;
- ҳукумат сув ресурсларини бошқаришнинг турли иерархик даражаларида масъулиятни белгиловчи ва тарқатувчи;

Парламент

- сув-экологик қонунчилик ва унга амал қилиниши юзасидан назорат.

Ҳукумат

• мамлакат миқёси даражасида барча сув хўжалиги фаолиятларини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органини белгилайди ва уни назорат қиласди;

- миллий сув сиёсатини шакллантиради;
- мамлакат ичида сув ресурслари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажарилишини таъминловчи тартиб, қоида ва муносабатларни белгилайди;
- сув ресурсларини бошқариш иерархик тузилмаларини бошқариш принципини (маъмурий ёки гидрографик) танлашни таъминлайди;
- иерархиянинг бошқа даражаларида бошқариш масалалари учун масъул бўлган органларни белгилайди ва тасдиқлайди;

- сув ресурслари маълумотлар базасини ташкил этади ва унга бошқа манбаатдор органларни боғланишини таъминлайди;
- бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи вазифаларини ажратади, хусусий секторнинг сув ресурслари бошқаруви жараёнида, айниқса уни иерархиясининг қуий бўғинларида иштирокини қўллаб қувватлайди ва тартибга солади;
- трансчегаравий сувларда ҳамкорликни таъминлайди;
- сув хўжалиги тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уни давлат манбаларида молиялаштириш тизимини таъминлайди;
- сув ресурсларини бошқаришда зарурий ташкилий тузилмаларни яратишни қўллаб қувватлайди;
- миллий сув сиёсатига мос равишида сув хўжалигига инвестицияларни таъминлайди.

3. Сув ресурсларини интеграл ва адаптив бошқариш

Сув ресурсларини интеграциялашган тарзда бошқариш (СРИБ) сув, ер ва улар билан боғлиқ бўлган ресурсларни ҳаётий экотизимлар барқарорлигига зарар етказмасдан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини максималлаштириш мақсадида мувофиқлаштирилган ривожлантириш ва бошқаришга ёрдам берувчи жараён сифатида шаклланади. Айнан барча сувларнинг ўзаро боғлиқлиги улардан фойдаланишни интеграциялашга чорлайди.

Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари. Сув муносабатлари соҳасидаги муаммоларга бугунги кунда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол қилиш жараёнларининг барча манбаатдор иштрокчиларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва уларнинг эҳтиёжларини интеграллаштириш асосида ечим топиш мумкин. Буни англашга аста секинлик билан XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида эришилди. Натижада дастлабки комплекс дастурлар пайдо бўлди. Бунда ривожлантириш режалари турли соҳалар манбаатларини қўзлаб - чет элда «ҳавзаларнинг асосий режалари» деб аталадиган ёки собиқ иттифоқ амалиётида «Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемалари» ҳавза сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш дастурлари кўринишида комплекс равишида шаклланган. Бу «схемалар»да у ёки бу ҳавза мамлакатлари ёки зоналарининг барча соҳаларидаги: гидроэнергетика, ирригация, сув таъминоти ва б. - сувга бўлган эҳтиёжларини ўрганилаётган худуд чегараларида жойлашган сув ресурслари ҳисобига қондириш истиқболлари кўриб чиқилган. Бунда схемалар агар улар республикалараро бўлган бўлса барча республикалар билан, агар улар маҳаллий характерда бўлса вилоят хоқимиятлари билан мувофиқлаштирилган. Албатта бу «схемалар» қатор камчиликларга ҳам эга бўлган. Жумладан улар табиий комплексларнинг сувга бўлган талабларини инобатга олмаганлар. Масалан Орол денгизи талабларини ҳисобга олмай фактадар ёларнинг экологик эҳтиёжлари ҳисобга олинган.

Сув ресурсларини интеграцияли бошқаришнинг замонавий концепцияси асослари 1992 йилда Дублиндаги машхур конференцияда олдинга сурилган.

Сув манбадан олиниши билан иқтисодий, экологик, шунингдек ижтимоий субстанция сифатида нарх кўрсаткичларига эга бўлади. Сув ресурсларини

бошқаришда йўл қўйилган аввалги муваффакиятсизликларнинг катта қисмининг сабаби ўтмишнинг маъмурий тизими шароитларида иқтисодий категориялар нотўғри талқинда фойдаланилганлиги, қисман, сувнинг ресурс сифатидаги баҳо характеристикиси тан олинмаганлиги, сувнинг тўлиқ нархи структураси ва уни қоплаш манбалари ўрганилмаганлиги каби фактлар билан боғлиқ. Айрим мамлакатлар, масалан, Ғарбий Европа мамлакатлари ёки АҚШ сувнинг қимматини жамият ривожланишининг, қисман, бозор муносабатларининг ривожланиш хусусияти сифатида асослайди. Аммо ҳар бир конкрет жамиятда сувнинг қиймати маҳсус шароитлар ва жамият олдида тўрган асосий мақсад билан белгиланади.

Жумладан, Орол денгизи ҳавзаси шароитларида ягона сув ресурслари энг аввало, минтақа аҳолиси, барча инсонларининг яшашга бўлган ҳукуқининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Чунки сув ресурслари бошқа табиий ресурслардан фарқли равишда альтернативаларга эга эмас.

Сув ресурсларидан минтақанинг барча аҳолисини фаровонлигининг ўсиши учун оқилона фойдаланиш керак. Бундан келиб чиқадики, ушбу минтақада сув, энг аввало, иқтисодий аҳамиятидан анча муҳимроқ бўлган ижтимоий, маданий ва экологик аҳамиятга эга. Бундай ёндошувнинг минтақада иқтисодий ва бозор муносабатларини камроқ ривожлантириш билан боғлаш минтақа шароитларини англамаслик бўлар эди.

СРИБни татбиқ этиш жараёни чизиқли эмас, балки спиралсимон ва узоқ муддатли эканлиги хақидаги фикрга амал қилиш керак. Ҳар бир цикл конкрет мақсадга эга бўлиши ва мунтазам мониторинг, эришилган натижалар баҳоси ва аввалги режалар корректировкаси билан бирга олиб борилиши керак.

СРИБнинг асосий талаби - сув хўжалиги ташкилотлари фаолияти учун муҳит бўлган минтақадаги умумий вазиятни яхлитлаштирилган ҳолда ўрганиб, уларнинг юзага келган иш усулларини ўзгартиришдан иборатdir.

СРИБни татбиқ эта туриб, сув хўжалиги иерархиясининг турли даражаларида қарорлар қабул қилишда барча манфаатдор томонларнинг иштирокига аҳамият бериш зарур.

«СРИБ- бу турли соҳалар манфаатларини боғлайдиган, барча манфаатдор томонларни қарорлар қабул қилишга жалб этадиган, табиатнинг ва жамиятнинг сувга бўлган талабларини барқарор таъминлаш мақсадида сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишга жалб этадиган гидрографик чегаралар доирасида сув ресурсларининг барча турларини (ер ости, ер усти ва қайтувчи сувлар) ҳисобга олишга асосланган бошқарув тизимиdir».

СРИБ тизими унинг амалий моҳиятини белгилайдиган қатор асосий принципларга асосланади. Умумлаштирилган кўринишда бу принциплар қўйидагилардан иборат:

- сув ресурсларини бошқариш конкрет дарё ҳавзасининг морфологиясига мувофиқ гидрографик чегаралар доирасида амалга оширилади;

- бошқарув минтақаларнинг иқлим хусусиятларини инобатга олган ҳолда сув ресурсларининг барча турларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни кўзда тутади (ер усти, ер ости, қайтувчи сувлар);

- сув ресурсларидан фойдаланишнинг барча турлари ва сув ресурсларини бошқаришда иштирокчиларнинг ҳаммасининг соҳаларо горизонтал ва сув хўжалиги иерархияси даражалари ўртасида вертикал узвий боғланиши (ҳавза, ҳавза ости, сугориш тизими, сув истеъмолчилари уюшмаси СИУ, хўжалик сўнгги истеъмолчи);

- сув хўжалиги инфраструктурасининг нафақат бошқарувида, балки маблағ билан таъминлаш, рағбатлантириш, режалаштириш ва ривожлантиришда жамоатчилик иштироки;

- сув хўжалиги фаолиятида табиий талаблар устунлиги;

- сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчиларининг сувни бесамар исроф бўлишига қарши кураш ва сувни тежашга йўналтирилганлиги;

- сув ресурсларни бошқариш билан бирга сувга бўлган талабни бошқариш;

- сув ресурсларини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти, очиқлиги ва аниқлиги;

- бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий стабиллиги.

СРИБ юқорида кўрсатилган барча элемент ва принциплар бажарилгандагина тугалланган, деб ҳисобланиши мумкин. Бир ёки бир неча принципларнинг қисман татбик этилиши, масалан, ҳавзавий усул, жамоатчилик иштироки кабилар СРИБнинг кайд этилиши ва тугалланган тизим сифатида тан олиниши учун асос бўла олмайди.

СРИБнинг асосий принциплари моҳиятини билиш уларни амалга ошириш учун қандай чора-тадбирлар кераклигини англаш учун муҳимдир.

Марказий Осиёда сув ресурсларини интеграцияллашган ҳолда бошқариш асослари СРИБнинг Марказий Осиёда қабул қилинган асосий принциплари:

-СРИБнинг асосий мақсади - сувдан фойдаланувчилар ва табиат эҳтиёжларини сув ресурслари билан барқарор, стабил, адолатли ва тенг хуқуқли равища таъминлашдир.

-сув ресурсларини бошқариш конкрет дарё ҳавзасининг морфологиясига мувофиқ гидрографик чегаралар доирасида амалга оширилади;

-бошқарув минтақаларнинг иқлим ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда сув ресурсларининг барча турларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни кўзда тутади (буғланиш, ер усти, ер ости, қайтувчи сувлар) ;

-сув хўжалиги фаолиятида табиий талаблар устунлиги;

-сув хўжалиги инфраструктурасининг нафақат бошқарувида, балки маблағ билан таъминлаш, рағбатлантириш, режалаштириш ва ривожлантиришда жамоатчилик иштироки;

-сувдан фойдаланишнинг барча турлари ва сув ресурсларини бошқаришда барсча иштирокчиларнинг соҳаларо горизонтал ва сув хўжалиги иерархияси даражалари ўртасида вертикал узвий боғланиши;

-сув ресурсларини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти, очиқлиги ва аниқлиги;

-сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, йўқотишларга қарши кураш -сув хўжалиги органлари ва сувдан фойдаланувчилар фаолиятининг асосий йўналишлари.

Сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг (СРИБ) асоси барча турдаги сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тан олиш ҳисобланади. Сув ресурсларини интеграл бошқариш - барча турдаги сув истеъмолчиларини биргаликда қараш лозимлигини англаатади. Сув ресурсларини тақсимлаш ва бошқариш бўйича тадбирда ҳар бир турдаги сувдан фойдаланувчининг бошқасига таъсири ҳисобга олинади. Бунда барқарор ривожланишни кўзда тутган ҳолда умумий ижтимоий-иктисодий мақсадлар эътиборга олинади. СРИБ тамойилида ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш асосий ўрин тутади.

СРИБнинг энг муҳим тамойиллари қуидагиларни ўз ичига олади:

- СРИБ аниқ бир дарё ҳавзаси морфологиясига мос равишда гидрографик чегаралар ҳудудида амалга оширилади;
- Барча турдаги сув ресурсларини назарда тутади;
- Барча сув турлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳамма турларини комплекс равишида ҳисобга олиш;
- Сув хўжалиги иерархиясининг турли даражалари (ҳавза, ҳавза ости, суғориш тизими, СИУ, хўжалик) ўртасида узвий боғлиқлик;
- Жамоатчилик иштироки;
- Маданий-техник ва экологик эҳтиёжларни ҳисобга олиш;
- Сув хўжалиги органлари фаолиятида табиат талабларининг устуворлиги;
- Сув ресурсларини бошқаруви билан бир қаторда сувга эҳтиёжларни ҳам бошқариш;
- Сув ресурсларини бошқариш тизимида маълумот таъминоти, ошкоралик ва аниқлик;
- Бошқарувнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, салоҳиятни ошириш.

Сув ресурсларини интеграл бошқариш тамойиллари (Дублин тамойиллари келгусида сув хўжалигида амалга ошириладиган дунё миқёсидаги ислоҳотларнинг негизини ташкил этади):

- Тоза сув – тугаб бораётган ва камёб ресурс бўлиб, ҳаётни барқарор сақлаш, ривожлантириш ва атроф-муҳит учун муҳимдир
- Сув ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш барча даражадаги фойдаланувчилар, лойиҳачилар ва сиёsatчилар иштирокидаги ҳар томонламали ёндошувларга асосланиши лозим.
- Сув ресурслари таъминоти, бошқаруви ва муҳофазасида аёллар марказий рол ўйнайди
- Сув барча рақобатдошлар томонидан фойдаланишларида салмоқли қийматга эга бўлиб, иқтисодий ҳамда ижтимоий бойлик сифатида тан олиниши лозим.

Сув хўжалиги ташкилотининг бошқаруви остидаги гидрографик принципнинг моҳиятини *жонли япроқ мисолида яхшироқ тушуниш мумкин*. Япроқда артерияларнинг тасвири ва уларнинг якка *бир организм* эканлигини кўриш мумкин.

- Агар япроқнинг (сувнинг) манба бошқаруви мазкур маъмурий чегара доирасида ташкиллаштирилган бўлса, унда уларнинг *иши фаолияти бир-бира гуруҳи мувофиқлашмай* қолади.
- Сувни бошқаришни маълум бир маъмурий чегара доирасида эмас, балки якка *бир гидрографик ҳудудда* ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналади.

Сув ресурсларини бошқариш иерархияси барча даражасининг боғлиқлик ҳолати икки принципга аосланади:

- иерархиянинг барча даражасида *сув юқори маҳсулдорлигига* эришиш;
- солиштирма сув йўқотилишини *минимал даражага* қадар камайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги 240-сонли қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари режасига мувофиқ суғориш тизими таркиби *гидрографик тамойилга мослаштириши* белгиланди.

Гидрографик тамойилга ўтиш ҳар *бир даражада* - фермер хўжаликларидан бошлаб магистрал каналлар босқичигача амалга оширилиши лозим.

Фермер хўжалигини мумкин қадар *бир ариқдан сув олишига* эришиш лозим.

Нисбатан юқори тартибдаги суғориш каналларида фермер хўжаликларини *сув истеъмолчилари гуруҳларига (СИГ)* ва *сув истеъмолчилари уюшмаларига (СИУ)* бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Гидрографизацияда экогидрологик барқарорликка риоя қилишга асосланган, қўйидаги талаблар таъмин этилиши лозим:

- ❖ дарё ва унинг ҳавзаси (сув йиғилувчи майдон) ўртасидаги *сув ва туз алмашинуви минимумга* қараб интилиши лозим;
- ❖ аэрация зонаси ва сизот сувлари ўртасидаги *сув ва туз алмашинуви нолга қараб интилиши* лозим;
- ❖ дарёдан олинувчи сувларнинг ҳажми табиат талабларига (дарё дельтасига, сув-кирғоқ флора-фаunasига ва бошқ.) *зарар келтирмайдиган* даражада белгилangan лимитдан ошмаслиги керак.

Сув ресурсларидан хусусий неъмат (истеъмол) сифатида фойдаланишига қўйидагилар киради:

- коммунал-маиший сув таъминоти (ичимлик учун, таом тайёрлашда, санитария эҳтиёжлари учун ва ҳак.);
- балиқчилик соҳаси;
- қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва ер шўрини ювиш;
- элекстр энергияси ишлаб чиқариш ва ҳ.о. лар.

Сувнинг умумий неъмат сифатида фойдаланишига эса қўйидагилар киради:

- Санитария мақсадида фойдаланиш (мисол учун, Оролбўйида).
- Сув ҳавзалари-қўриқхоналарида флора, фауна ва табиий озуқа манбаларини сақлаш.
- Рекреация (қайта тиклаш) мақсадидаги сув ҳавзалари.

- Аҳоли ҳордиқ чиқарадиган сув ҳавзалари.

Жамоатчилик иштироки СРИБнинг асосий шартларидан бири бўлиб, унинг қуидаги шакллари мавжуд:

- Намойишкорона: Хўжакўрсин сифатидаги иштирок.
- Сусткашлиқ тарзида: Маълумот фақат ташқи профессионалларга тегишли.
- Маслаҳат бўйича: Маслаҳат ёки саволларга жавоб тарзида амалга ошади.
- Моддий манфаатдорликда: Маҳсулот, пул ва бошқа моддий тақдирлашларда иштирок этиш..
- Функционал: Лойиха амалга оширилиш жараёнида унинг кўмагидан фойдаланиб иштирок этиш.
- Интерфаол: Мансуб ресурслардан фойдаланишга кўра маҳаллий гурух ва ташкилотлар фаолият режаси ёки шаклланишини кучайтириш бўйича муҳокамада иштироки.
- Ўз-ўзини сафарбарлик: Ташқи органларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз шахсий ташаббуси бўйича иштирок этиш.

Жамоатчилик иштирокининг манфаатли жиҳатларига қуидагилар киради:

- Барча тарафлар манфаати ҳисобга олиниши.
- Қабул қилинган қарорларнинг ошкоралиги.
- Консенсус (музоқаралар) сабабли зиддиятлар эҳтимолини камайиши.
- Эксплуатация фаолияти устидан умум назорати.
- Доимий ўзаро алоқа натижасида фаолиятни яхшиланиши.
- Манфаатдор томонлар билими ва кўникмаларини ортиши.
- Давлат ва жамият ўртасидаги ишонч мустаҳкамланиб, уларнинг барқарор ҳамкорлигига замин яратилиши.

Сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки унда интеграция икки асосий категорияларнинг – сув ресурсларининг миқдори ва сифатини аниқловчи - табиий тизим ҳамда сувдан фойдаланиш тармоғи ва улушини белгиловчи, сувни заарланишдан ва ижтимоий барқарорлик бузилишидан муҳофаза қилувчи – ижтимоий тизимларнинг узвий боғлиқлигини ўзида ифода этади. СРИБ замон ва макондаги ўзгаришларни инобатта олган ҳолда мазкур категориялар ичидаги ва ўртасидаги боғлиқликни тасарруф этади. СРИБ сувдан фойдаланувчилар, яъни жамият иштирокидаги сув бошқарувига ўтишини ва дахлдорлик хиссини ортишини қўллаб-қувватлайди.

Сув раҳбарлиги ва бошқаруви

- *Бошқарув (management)* – бу атама СРИБ да сув тақсимоти ва истеъмолининг барча жабҳаларида кенг маънода қўлланилиб, *раҳбарлик ва бошқарув* маъноларини ўзида мужассам этади.
- *Раҳбарлик (governance)* (сувга)– бу атама сув бошқарувининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларида *адолатли, самарали ва экологик* мақбул натижаларга олиб келувчи фаолиятни ифодалайди.
- *Бошқарув (O&M)* – бу атама эса тор маънода қўлланилиб, сув тақсимоти ва ГМТ ни ишчи ҳолатида ушлаб туриш учун *техник, технологик, молиявий ва*

ташкилий тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш фаолиятини акс эттиради.

Сувга раҳбарлик даражаси :

- *Ички раҳбарлик* (*соҳавий даражаса*) молиявий тақсимот, лимитлар, ташкилот таркиби, штат, йўриқнома ва ҳак. ларни ўз ичига олади.
- *Ташки раҳбарлик* (*конституцион даражаса*) халқаро қоида ва битимлар, қонунлар, эгалик ҳуқуқи, бозор муносабатлари, сувга тўлов, сувга эгалик ҳуқуқи, инвестициялар ва бошқ. орқали амалга оширилади.

Раҳбарликни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

- Давлат раҳбарлиги;
- Хамкорликдаги раҳбарлик ва
- Ижтимоий раҳбарлик.

Бошқарув органлари функцияларига қўйидагилар киради:


- Ҳар йилга режалаштириш;
- Сувдан фойдаланиш режаларини амалга ошириш;
- Ижрони назорат қилиш;
- Объектларни ва инфратузилмаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш;
- Маълумотлар базасини ташкиллаштириш ва сақлаш.

Биргаликда бошқаришга ўтиш жараёни:

Режалаштирилаётган ўзгартиришлар тўғрисида хабардор бўлиши таъминланадиган манфаатдор томонлар:

- жамият номидан сувни бошқаришда иштирок этувчи гуруҳ (*Сув истеъмолчилари уюшмаси*);
- давлат номидан сувни бошқаришда иштирок этувчи гуруҳ (*Сув хўжалиги ташкилотиТ*);
- давлат ва жамият биргаликда бошқарадиган гуруҳ (*канал бошқармаси*)

Замонавий сув хўжалиги тизими ҳавзалардан бошлаб, *магистрал ва II, III даражали каналлар, СИУ сугории тармоғи*, ёки коммунал ва саноат сувдан фойдаланиш тармоқлари билан биргаликда, фермерлар сугориш даласигача бўлган кўп поғонали сув бериш ва тарқатиш схемасини ўз ичига олади.



ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ СУВ ИЕРАРХИЯСИДАГИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК

Бошқарув органлари

Боскичлар даражаси

Рахбарлик органлари



Тизимнинг бошқарув воситаларини қўйидагилар ташкил этади:


- барча тизим даражасида аниқ сув ҳисобини юритиш;
- сув тақсимлаш ва сувдан фойдаланиши режсаларини тузиш;
- сув тақсимоти ва сув берилиши таҳрир қилинишини таъминлайдиган тезкор ҳисоботлар ҳам тузиш;
- диспетчерлик бошқарувини мукаммаллаштириш;
- компьютер дастурларидан фойдаланилган ҳолда сув тақсимоти ва сувдан фойдаланиш режаларига тузатиш киритиш.

Сув бошқарувининг хуқуқий ва иқтисодий воситалари:

- сувдан фойдаланувчиларнинг сувга бўлган хуқуқи ва унинг давлат томонидан ҳимояси;

- сув хўжалиги ташкилотлари ўртасида *шартномавий муносабатлар*;
- сувга бўлган ҳукуқ ва шартномавий муносабатларнинг бузилиши учун *жавобгарлик ҳақидаги қонунчилик*;
- сувдан фойдаланувчиларнинг уларга кўрсатилган сув етказиб бериш ва бошқа хизматлар учун *тўловлар таъминоти*;
- *ифлосланиш* учун тўлов;
- сувга *манба сифатида* тўлов;
- СХТ ва сувдан фойдаланувчилар ҳукуқ ва мажбуриятларини қўллаб-қувватлашнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- сувдан фойдаланувчилар ва сув хўжалиги ташкилотларини *разбатлантирувчи ва имтиёз берувчи тадбирлар*;
- ошиқча сув олингандиги учун *жарималар*.

“РЕСУРСЛАР-ТАЛАБЛАР-ОҚИБАТЛАР” учурчагидаги ўзаро боғлиқлик



Сувга талабни бошқариш

Сувга бўлган талабга таъсир қуидагиларни қабул қилиш орқали амалга оширилади:

- ❖ “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”, “Ер ҳақида”, “Табиатни сақлаш ҳақида” ва бошқа қонунлар, маъмурий регламент ҳужжатлари (ягона, минтақавий ва маҳаллий сув хўжалиги тизимини яратиш бўйича);
- ❖ *Иқтисодий* (сувга ва оқова ташланишига тўлов, оқим сувлари ташламасини белгиланган меъёрини бузилишига жарималар, сувни

ифлосланиши бўйича зиённи қоплаш ва ҳак.) ва бошқа бир қанча услублар.

Сув тежамкорлиги инструментлари:

➤ Техник инструментлар:

□ Инфратузилмани модернизациялаш :

- Каналлар (кувур билан алмаштириш)
- Насос станциялари (янги самаралиларини урнатиш)
- Затворлар,...

□ Бошқариш ва назорат тизимини модернизациялаш:

- Сув тақсимотида дистанцион мониторинг (назорат диспетчерлик тизимлари ва (SCADA).
- Сув омборлари яратиш.
- Сув ўлчашнинг замонавий ускуналарини қўллаш

□ Реконструкция :

- Скважиналар
- Гидропостлар
- Затворлар,...

□ Кайта куриш:

- Суғориш тизимларини “ёпиқ тизим”га ўтказиш
- Машинали (насос ёрдамида) суғоришдан ўзиоқар суғоришга ўтказиш
- Ўзанларни тўғрилаш.
- Каналларни қопламалаш

□ Суғориш техникасини такомиллаштириш:

- Эгатлаб суғориш техникасини такомиллаштириш
- Эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш
- Томчилатиб суғориш тизими ёрдамида ,...

□ Навбатлаб суғориш («аврон»: *Ўш ва Жалолобод вилоятлари* (Қирғистон); «авандоз»: *Кашқадарьё вилояти* (Ўзбекистон), «асвак»: *Хоразм вилояти* (Ўзбекистон); «об гардон»: *Согдий вилояти* (Таджикистон):

- Туманлар ўртасида сув навбати
- СИУлар ўртасида сув навбати ўртасида сув навбати
- ФХ ўртасида сув навбати.
- Далалар ўртасида сув навбати.

➤ Институциональ инструментлар (хуқуқий, молиявий-иктисодий ва ижтимоий) инструментлар:

□ Рағбатлантирувчи инструментлар:

- СХТ томонидан кўрсатилган ирригацион хизматлар учун тўлов.
- СИУ томонидан кўрсатилган ирригацион хизматлар учун тўлов.
- Сув ресурслари учун тўлов.
- Субсидиялар.
- Дотациялар.

- Имтиёзли кредитлар
- Санкциялар, ...

□ Тартибга солувчи инструментлар :

- Стандартлар.
- Нормативлар.
- Қоидалар.

➤ Ташкилий инструментлар:

- Мафаатдор томонлар ўртасида интеграция
- СИУ хизмати учун сув хажми бўйича хақ тўлаш усулига ўтиш.
- Маъмурий-худудийдан ҳавзвавий (гидрографик) принципга ўтиш.
- СИУлар интеграцияси (СИУФ, СИУК, ...тузиш...).
- СИУлар Расширение функций АВП (создание многопрофильных АВП).
- Укрупнение ФХ («оптимизация»).
- Укрупнение АВП.
- Соревнования (конкурсы),...

➤ Сув тежамкорлигига когнитив инструментлар

- Тренинг.
- Кадрлар малакасини ошириш.
- Агитация.
- Пропаганда
- Маълумотлар базасини яратиш ва фойдаланиш.
- Информационно-консультацион марказлар ташкил этиш.
- Интернет порталлар яратиш ва унда сув ва экологик маълумотларни мунтазам янгилаб бориши.
- Кўргазмалар ташкил этиш.
- Демонстрацион участкалар ташкил этиш

Назорат саволлари

1. Сув хўжалигининг асосий вазифалари.
2. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.
3. Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси. Сув ресурсларини бошқариш йўналишлари.
4. Сув ресурсларини бошқариш, унинг зарурияти, ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳамиятлари.
5. Сув ресурсларини бошқариш тамойиллари
6. Сув ресурсларини ва сувга бўлган талабни гидрографик ҳавзвавий бошқариш тамойили моҳияти

7. Сув ресурсларини барқарор бошқариш – миңтақавий ва сув хўжалиги муаммоларини барқарор ҳал қилишининг асоси.
8. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизими.
9. Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари (ўртача йиллик оқим км³/йил) ва уларнинг миңтақа давлатлари ўртасидаги тақсимоти.
10. Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари бошқариш ҳалқаро ташкилотлар тузилмаси ва ишлаш принципи.
11. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тушунчалари.
12. Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик жиҳатлари.
13. Сув ресурсларини бошқаришнинг сиёсий жиҳатлари.
14. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш
15. Сувга талабни бошқариш
16. Сув тежамкорлиги инструментлари

Фойдаланилган адабиётлар

5. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2014 й., 36-сон, 452-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 19 мартағи №82-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги Низом”. Тошкент 2013й.
7. Салохиддинов А.Т., Икромов Р.К., Тимирова М.Н. Управление водными ресурсами. Ташкент. ТИМИ. 2015. -236 стр.
8. Салохиддинов А.Т., Икромов Р.К., Муродов Р.А. Сув ресурсларини бошқариш. Тошкент. ТИМИ. 2015й. – 218 бет.
9. Quentin R. G., Hussey K. Water resources planning and management. Cambridge UNIVERSITY PRESS, 2011, 767 pages.

Кўшимча адабиётлар:

8. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим хаётий ресурс. Бирлашган миилатлар ташкилоти тараққиёт дастури. Тошкент 2007 й. -127 бет
9. Духовный В.А. ва б. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасида сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича қўлланма. Марказий Осиё давлатлари сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий ахборот маркази. Тошкент. 2005й.-92 бет.
10. Ҳамдамов Ш., Қурбонов X. Фермер хўжаликлари далаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Фермер дала мактаби тренерлари учун қўлланма. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Тошкент 2014й.-232 бет.
11. Вода жизненно важный ресурс для будущего Узбекистана. Программа развития Организации объединенных наций. Тошкент 2007 й. -127 бет
12. Valiyev X., Murodov Sh., Xolboyev V. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muhofaza qilish” Fan va texnologiya, T.:2010 – 164 bet.
13. Ўзбекистонда сув ресурсларини мукаммал бошқариш Global Water Partnership T.:2010 – 54 бет.

14. Совершенствование управления водными ресурсами и трансграничного водного сотрудничества в Центральной Азии. ЕЭК ООН. Т.:2011 – 135 стр.
15. Обзор водохозяйственного развития в Азии. Asia Pasific Water Forum. Asian Development Bank 2013 – 109 стр.
16. Изменение климата и его влияние на природно – ресурсный потенциал Республики Узбекистан. Главгидромет Т.:2000 – 252 стр.

5-мавзу: Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими. Сув билан таъминлашда устиворлик ва навбатлаштириш

Режа:

1. Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар
2. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими.
3. Сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш.
4. Сув истеъмоли ва сувдан фойдаланишни режалаштириш

Аннотация: Орол денгизи ҳавзаси минтақасида ва Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариши тизими. Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалага оширилаётган ислоҳатлар (тизимдаги, қонунчиликдаги, ишилаб чиқаришдаги, технологиялардаги, ёндашувлардаги ва бошқа ўзгаришилар) ва уларнинг мақсадлари. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизимини моҳияти ва амалга ошириш жараёни. Турли тоифали сув истеъмолчилари учун йилнинг сувлилик шароитидан келиб чиққан ҳолда сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизимида турли тоифали сув истеъмолчиларини сув билан таъминлаш тартиби ва навбатини белгилаш шартлари

1. Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар

Ўзбекистон Республикасида сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларнинг муҳим бўғини сифатида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226 сонли Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги 320-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш

маъмурий-худудий тамойилдан ҳавзаний гидрографик тамойилга ўтказилди. Шунингдек сув хўжалиги тизими инфратузилмаси, жумладан:

- минтақаларнинг ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига биритириш тузилмаси;
- сув хўжалигини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси;
- ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг аппарат ходимлари сони ва рўйхати;
- ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг намунавий тузилмаси;
- Магистрал каналлар Бошқармаси аппарати тузилмаси;
- Фарғона водийси магистрал каналлар ва бирлашган диспетчерлик маркази Бошқармасининг ташкилий тузилмаси;
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги Бош бошқармаси тўғрисидаги Низом;
- ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг намунавий низоми;
- Магистрал каналлар Бошқармасининг намунавий низоми.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикасида 10 ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, 63 та ирригация тизимлари бошқармалари ва магистрал каналлар бошқармалари гидрографик ҳавзаний тамойил асосида ташкил этилди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳатларнинг кейиги босқичларида тараққиёт ва шароитлардаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда соҳанинг ривожини жадаллаштириш мақсадида сув хўжалиги тизими ва унинг тузилмасига қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2017 йил 4-августдаги ПФ-5134 сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан яхшилаш тўғрисида”ги Фармонига асосан Қуий-Сирдарё, Қуий-Амударё ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қайта тузилиб, уларнинг негизида Қуий-Сирдарё Сирдарё—Зарафшон, Қуий-Амударё, Амударё чап қирғоқ, Зарафшон ва Қуий-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ташкил этилди. Туман сув хўжалиги бўлимлари ташкил этилиб, уларга ирригация тизимлари бошқармаларидан туман даражасидаги обьектлари тегишли штатлари билан ўтказиб берилди. Шундай қилиб бугунги кунда 13 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошидаги туман сув хўжалиги бўлимларининг бошқарув ва ишлаб чиқариш аппаратини шакллантириш учун ажратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2018 йил 12-февралдаги ПФ-5330 сонли «Қишлоқ ва сув хўжалигида давлат бошқарувини тубдан яхшилашнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг асосий вазифалари этиб:

-бозор сиёсати принциплари ва механизмларини жорий этиш асосий сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини ташкил этиш;

-илгор технологиялар асосида сув хўжалиги соҳасида ягона техник сиёсатни юритиш;

- сув истеъмолчиларини узлуксиз ва ўз вақтида сув билан таъминлашини ташкил этиш;

-ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоатларининг техник ишончлилигини таъминлаш;

-хавза ҳудуди бўйлаб сув ресурсларини рационал бошқариш ва унинг тезкорлигини ошириш;

- сув ресурслари ҳисоби ҳамда сув истеъмолчилари қирқимида сувдан фойдаланиш тўғрисибаги ҳисботлар аниқлигини ва ишончлилигини таъминлаш белгиланган.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринbosарлари ва магистрал каналлар бошқармалари бошлиқлари ўз лавозимларига сув хўжалиги вазири томонидан танлов асосида тайинланадилар. Танловни ўтказиш тўғрисидаги тартиб Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.



Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар

Минтақадаги сув муаммоларининг трансчегаравий дарёларнинг қуи оқимида жойлашган (республикада фойдаланиладиган сув ресурсларини атиги 20% ўз худудимизда шаклланади, қолган 80% эса қўшни мамлакатлардан кириб келади), иқтисодиёти ва ахолиси тез ўсиб бораётган мамлакатимиз учун кўрсатиши

мумкин бўлган салбий оқибатларини тўғри баҳоланган, сув масаласи, сувга бўлган муносабатнинг ва иқтисодий ижтимоий аҳамиятини чукур англаган ҳамда барча мажбуриятларига содик келаётган Ўзбекистонда мамлакат ичида ҳам чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоси ечимига қаратилган институционал, хуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Сувдан фойдаланиш тизимидағи ислоҳатлар

- 1 • Республикада сув ресурсларнда лимит асосида фойдаланиш тартибининг жорий этилиши (ВМ 3.08.1993 №385 карори)
- 2 • Сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-худудий тамойилдан гидрографик-ҳавзавий принципга ўтилиши
- 3 • Давлатнинг бир кисм хукуқ ва мажбуриятларини жамоат ташкилотларга берилиши
- 4 • Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларига давлат сиёсати даражасида ёндашиш
- 5 • Кишлек хўжалигидаги кенг камровли ислоҳатлар
- 6 • Сувдан фойдаланишининг қонунчилик базасини такомиллаштириши. Кишлек хўжалиги экинлари диверсификацияси

Сув хўжалиги соҳасидаги кенг камровли ислоҳатлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

■ Сувдан фойдаланиш қонунчилик базасини ривожлантирилиши. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонуности ва меъёрий хуқуқий хўжжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартағи “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сонли, 2013 йил 14 июндаги “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 171-сонли қарорлари қабул қилинди;

■ Сув ресурсларини бошқаришда маъмурий худудий тамойилдан гидрографик ҳавзавий тамойилга ўтилиши. Бу йирик тадбир сув ресурсларини бошқаришда маъмурий худудий тамойилда бўлганда йўл қўйилаётган ташкилий характердаги сув исрофларини кескин камайтириш ва бошقا қатор ижобий натижаларни берди;

■ Сув ресурсларини бошқариш бўйича давлатнинг ваколат ва мажбуриятларининг бир қисмини ирригация тизимларининг қуи бўғинида жамоат ташкилотларига берилиши (Сув истеъмолчилари уюшмалари). Ушбу тадбир ислоҳотлар натижасида сонлари кескин ортган сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласига дахлдорлик ҳиссини ортишига туртки бўлди. Бугунги кунда республика бўйича сув истеъмолчиларининг ҳоҳиш иродаларини ҳисобга олган ҳолда тузилган 1503 та сув истеъмолчилари уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда сув истеъмолчилари уюшмалари қуи босқичда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга мутасадди ва ваколатли асосий ташкилотдир. Уларнинг самарали фаолияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш даражасини белгилайди;

■ Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификация қилиш. Суформа деқончиликда кўп миқдорда ва фақат сув танқис пайтлардагина сув талаб қилувчи экинлар салмоғини камайтириб, уларнинг ўрнига кам сув талаб қилувчи, сув танқис бўлмаган давларда ҳам ўсадиган экинлар салмоғини ошириш сув тақчиллигини сезиларли юмшатишга имкон яратди. Бунда асосан сувни кўп талаб қиладиган пахта майдонлари 2,0 млн. гектардан 1 млн. 200 минг гектарга, шоли эса 180 минг гектардан 40 минг гектарга қисқартирилиб, улар ўрнига кам сув талаб қиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ғалла, сабзавот, полиз, мевали боғлар ва узумзорлар кўпайтирилди;

■ Сув хўжалиги иншоотларининг фойдали иш коэффицентларини ошириш. Ўтган йиллар давомида 1,5 минг км каналлар, 211 км лоток тармоқлари, 400 дона йирик гидротехник иншоотлар, 200 донадан ортиқ насос станцияларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Ҳар йили ўртacha 5,0 минг км узунликда каналлар, 100 минг км.дан зиёд ички суғориш тармоқлари, 10 минг донага яқин гидротехник иншоотлар, 3 минг дона насос агрегатлари, суғориш қудуқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Олиб борилаётган тадбирлар натижасида лойиҳалар амалга оширилаётган каналларнинг фойдали иш коэффицентини 20 фоизгача ошишига эришилмоқда;

■ Сувнинг қаътий ҳисоб-китобини юритиш. Ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойлари сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчи ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилишини таъминланиши сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширди;

■ Сув тежамкор техника ва технологияларни жорий этишни ташкиллаштириш. Жумладан:

- Замонавий суғориш технологияларини жорий этиш;

- Амалдаги кенг тарқалган ананавий суғориш технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

- Ноананавий янги суғориш технологияларини тарғиб қилиш;
- Агротехнологияларни сув тежамкорлик талаблари асосида ташкил этиш.
- Сув хўжалиги иншоотларининг ишончли фаолиятини таъминлашга йўналтирилган инвестицияларни амалга оширилиши. Сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга давлат маблағлари ҳисобидан йилига қарийб 500,0 млрд. сўм, шунингдек эксплуатация харажатлари учун 1 триллион 700 млрд. сўм йўналтирилаётгани ва унинг микдорини сўнги 10 йил давомида 5 баробарга ортганини эътироф этиш лозим. Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Қувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молия институтлари, шунингдек Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг Халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнгти 10 йил мобайнида соҳага умумий қиймати қарийиб 1,5 млрд. АҚШ долларга teng бўлган инвестиция маблағлари жалб этилди.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган сувларнинг умумий микдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд. km^3 дан ўртacha 51 млрд. km^3 гача ёки 20 фоизга камайтирилишига эришилди. Хар бир га ерни суғориш учун хар йили манбадан олинадиган нисбий сув сарфини ўтган асрнинг 90-йилларига нисбатан 18 минг. $\text{m}^3/\text{га}$ дан 10,5 минг. $\text{m}^3/\text{га}$ камайтиришга эришилди. Сув хўжалиги соҳасидаги ишларнинг бундай жадаллиги ва инвестициялар даражаси билан минтақада хеч мамлакатда кузатилмайди.



Сув хўжалиги соҳасидаги оқилона давлат сиёсати туфайли мустақиллик йилларида ирригацион салохият нафақат сақлаб қолинди, балки муваффақиятли тарзда модернизация қилинмоқда. Мустақиллик йилларида сув хўжалигида радикал ўзгаришлар амалга оширилди. Кенг миқёсда сув ресурсларини интеграллашган бошқариш жорий этилмоқда. Жаҳон банки, Осиё тарқиёт банки ва бошқа фонdlарнинг баҳосига кўра Ўзбекистон бу борада минтақада тан олинган пешқадам ҳисобланади.

Бугунги кунда амалга оширилган тадбирлар туфайли ахвол сезиларли яхшиланган бўлсада, иқтисодиётнинг турли тармоқларида, ичимлик сув таъминотида, сув ресурсларининг энг йирик истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст даражада бўлиб, унинг сабаблари айrim ҳолларда суғориш мъерларининг номутаносиблиги, суғориш тизимларининг техник даражасини қониқарсизлиги бирга сувга бўлган муносабатнинг талаб даражасида эмаслиги ва қатор бошқа ҳолатлар билан боғлиқдир.

Сувга бўлган муносабатни қайта такомиллаштириш зарурияти

Албатта бу мақсадга эришиш йўлида давлат ташаббускорлиги асосида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва техник тадбирлар энг муҳим рол ўйнайди. Бироқ мақсадга тўла эришиш йўлида жамоатчилик, мутахассислар ва барча сув истемолчиларининг сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш талаб этилади. Жумладан мулкка эгалик ҳиссининг уйгониши, дахлдорлик, сувдан тежамкор фойдаланишдан манфаатдорлик муносабатларининг аста секин кириб бориши, соҳада ижтимоий – иқтисодий механизмларни янада жадалроқ ишлаши учун зарурдир. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларининг натижаси ўлароқ, сув ресурсларини бошқариш бўйича давлат ваколатларининг бир қисми жамоат ташкилотлари (демак сув истеъмолчиларининг ўзлари)га берилмоқда, бу ривожланган давлатлар ва республикадаги айrim илғор уюшмалар тажрибасига кўра айни муддаодир. Демак, энди давлат даражасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга ҳар бир сувдан фойдаланувчи фаол ҳаракат қилгандагина муваффакиятга эришиш, шу жумладан мамлакатнинг иқтисодий барқарор тарраккиёти таъминлашимиз мумкинлигини тушуниш вақти келди. Энди ҳар бир сувдан фойдаланувчига янги шароитда тезроқ ўз ўрнини топишига ёрдам бериш лозим. Бу эса бугун нафақат давлат органларидан, балки ҳар бир сувдан фойдаланувчидан фидокорликни талаб қиласди. Бугунги кунда ҳар бир йўналишда ва барча тадбирлар мажмуидан тўлақонли фойдаланилгандагина олиб борилаетган фаолиятлардан ижобий натижаларини қутиш мумкин. Бу ёндашувнинг асосида эса сувга бўлган муносабат ётади. Бу борада биринчи навбатдаги вазифалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда сув ресурсларини рационал бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан рационал фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

- Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан қишлоқ хўжалигида самарали сув тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилишни кенгайтириш;
- Сув тежамкор агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш;
- Сугориш тизимларининг техник ҳолатини модернизациялаш, сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қўллаб қувватлаш;
- Соҳа мутахасислари ва ходимлари малакасини ҳамда манфаатдорлигини ошириб бориш;
- Хар бир сув истемолчисининг хар бир даражадаги сувга бўлган, сувдан фойдаланишга бўлган муносабатини яхшилаш. Азалдан аждодларимизнинг сувга муқаддас неъматга бўлган каби муносабатини қайта тиклаш. Жамиятни сув ресурсларини тобора камайиб бориши шароитига мослашиб яшаш кўникамаларига ўргатиш;
- Хар бир соҳада, айниқса қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги ёки жисмоний истеъмол ҳисобига сув сарфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнларига илғор техника ва технологияларни жорий этиш асосида ҳар бир томчи сувдан маҳсулдор фойдаланишни таъминлаш. Барча сув истеъмолчилари, уларнинг сув истеъмоли меъёри ва ҳажмидан қатъий назар сув тежамкорлиги обьекти бўлиши лозим.

XX-асрнинг эллигинчи йилларидан кейинги даврда сув ресурсларини халқ хўжалигида катта миқдорда ишлатилиши сув балансини ўзгаришига ҳамда сув обьектларини ифлосланишига олиб келган. Шунингдек, халқ хўжалик тармоқларини кенг микёсда ривожланиши билан боғлик атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирлар ортиб борган.

Трансчегаравий сув обьектларининг сув ресурсларини ҳисобга олиш ва хар бир давлатда уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича мингдан ортиқ турли (кўп томонлама, икки томонлама шартномалар, келишувлар, конвенциялар ва х.к.) меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, улар асосида иш олиб борилмоқда.

Трансчегаравий ва маҳаллий сув обьектларининг сув ресурсларини ҳисобга олиш ва хар бир давлатда уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича мингдан ортиқ турли (кўп томонлама, икки томонлама шартномалар, келишувлар, конвенциялар ва х.к.) меъёрий хужжатлар қабул қилиниб, улар асосида иш олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланган сувга бўлган муносабатларнинг ривожланиш тарихининг иккинчи босқичи даврида ҳам сувга биринчи босқичидаги муносабатларга таянган ҳолда "Табиатни инсон измига буйсиндириш" жараёнида қўйилган ҳатолар оқибатида планетада бугунги кунга келиб сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоларини чамбарчас боғловчи чучук сув муаммоси пайдо бўлди. Бугунги кунда чучук сув муаммоси ўзида сув, тинчлик ва хавфсизлик шартларини мужассам этган, нафақат алоҳида мамлакатлар балки бутун бошли минтақаларнинг барқарор тараққиётини белгилаб берувчи муаммога айланди. Шунинг учун янги шароитларда умумий ва чекланган сув ресурсларидан биргаликда барқарор бошқариш, улардан самарали фойдаланиш, уларга бўлган

муносабат масаласига муносиб эътибор қаратиш зарурияти – ўзаро чамбарчарс боғлиқ сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоси сифатида Ўзбекистон раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

2. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими

Сув ресурсларидан комплекс равишида фойдаланиш халқ хўжалиги соҳаларининг сувга бўлган эҳтиёжларини энг рационал тарзда қондириш, барча сув истеъмолчилари ва сув фойдаланувчиларининг манфаатларини мувофиқлаштириш, сув хўжалиги иншоотлари қурилишига сарфланадиган харажатларни тежамкорлик билан амалга ошириш имконини беради. Шунга боғлиқ равишида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни асраш барқарор ривожланишнинг мустаҳкам пойдеворидир.



Сувга бўлган энг катта талаблар сув хўжалиги мажмуасининг 4 та асосий қатнашувчилари ҳисобига тўғри келади: қишлоқ хўжалиги, электр энергиясини ишлаб чиқариш, саноат ва маший-хўжалиги соҳалари.

Аҳоли сонининг ортиши ва иқтисодий фаолиятнинг кенгайиши ҳисобига талабнинг ўсиши энергиядан фойдаланишнинг кескин ортишига олиб келиши кутилмокда.

Сув ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва чорвачилик – сув кўп талаб этувчи жараёнлардир. Қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалиги ва саноат соҳалари (энергетикани ҳам ҳисобга олганда) оладиган умумий сувларнинг 70% қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини маъсулият билан бошқариш келажакнинг глобал сув хавфсизлигининг муҳим қисми бўлади.

Мутахассисларнинг фикрларига кўра, 2050 йилга келиб қишлоқ хўжалигининг жаҳон миқёсидаги сув истеъмоли тахминан 19 % га ортади.

Сув ресурларидан фойдаланиш характерига кўра, сув халқ хўжалиги мажмуаси қатнашчилари, яъни бир манбанинг сув ресурсларидан биргаликда фойдаланувчи халқ хўжалиги соҳаларини сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларга ажратилади. **Сувдан фойдаланиш** - юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда уларнинг миқдори ҳамда сифатига таъсир этмаган ҳолда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш. **Сувдан фойдаланувчи**- сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳамда уларнинг миқдори ҳамда сифатига таъсир этмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс. **Сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш)** - юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган, бир қисмини қайтмас ҳолда истеъмол қилиб бир қисмини сифатини ўзгартирган ҳолда манбага қайтариб, яъни сув ресурсларини миқдори ва сифатига таъсир этган ҳолда фойдаланишдир. **Сув истеъмолчиси**- ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда оловчи ва сув ресурсларини миқдори ва сифатига таъсир этган ҳолда фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс. Сув истеъмолчилари қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал-рўзгор хўжалиги ва бошқалар мисол бўлади. Шундай қилиб сувни истеъмол қилишда сув унинг манбаларидан олинади, бир қисми қайтмас ҳолда ишлаб чикилаётган маҳсулот таркибига киритилади, ифлослантирилади ва буғланади. Сувдан фойдаланишда эса бунга йўл қўйилмайди. Шу асосда гидроэнергетика (сувук иқлимли шароитлардагина), сув транспорти, баликчилик (табиий сув ҳавзалари шароитида), дам олиш ва бошқалар сувдан фойдаланувчиларга мисол бўлади. Аммо гидроэнергетика иссиқ иқлим ва чекланган сув ресурслари шароитида сув истеъмолчилари тоифасига киритилиши керак, чунки бундай шароитларда сув сув омборларида тўпланади ва сувнинг буғланиши, инфильтрация ва вақт ўтиши билан сувнинг минераллашуви каби оқибатлар сувнинг сифати ва миқдорига бўладиган селиларли таъсирларди. Яъни иссиқ иқлим ва чекланган сув ресурслари шароитида гидроэнергетика ҳам сув ресурсларининг сифати ва миқдорига таъсир кўрсатади.



**Ўзбекистон Республикасида
сув ресурслари бошқаруви (2017 йилдан)**





Сув ресурслари чекланган ва сифати тобора ёмонлашиб бориши шароитида сув ресурслари ва сувга бўлган талабни бошқаришда “Лимит асосида сувдан фойдаланиш” тизимини қўллаш сув ресурслари ва тараққиёт барқарорлигини таъминлашда муҳим механизмлардан ҳисобланади. Асосий сув манбалари – трансчегаравий дарёларнинг қуи оқимида жойлашган, иқтисодиёти ва аҳолиси тез ўсаётган, иқлим ўзгариши оқибатлари тобора қўпроқ сезилаётган Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг энг муҳим йўналишларидан бири лимит асосида сувда фойдаланишни жорий этилиши бўлди. Лимит асосида сувдан фойдаланиш тизими Ўзбекистонда 1993 йилдаёқ вазирлар Маҳкамасининг 385 – сонли қарори билан жорий этилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартағи 82-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сув истеъмоли ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан такомиллаштирилди. Мазкур тизимга асосан ҳар бир соҳа ва ҳар бир мақсад учун сув ресурслари илмий асосланган меъёрларга асосланган ва йилнинг сувлилик шароитига боғланган ҳолда лимит қўринишида ажратилади. Лимит асосида ажратилган сув ресурсларини мақсадли ва самарали фойдаланиш қатъий назоратга олинади. Шунингдек сув ресурслари етишмовчилиги шароитида сув хўжалиги мажмуаси қатнашчиларини сув билан таъминлаш тартиби ва навбати асосланган ҳолда жорий этилади.

3. Сув олиш лимитлари ва уларни белгилаш тартиби

Сув олиш лимитларини белгилаш учун сув ресурслари ҳажмлари қуидагилардан иборат бўлади:

Давлатлааро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси (ДМСК) йиғилиши протоколлари, шунингдек Ҳукуматлааро қарорлар билан (кичик трансчегаравий дарёлардан) белгиланган лимитлар бўйича трансчегаравий сув объектларининг (бир неча республикалар ҳудудидан ўтувчи Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, уларнинг ирмоқлари) сув ресурслари;

Ўзбекистон ҳудудидаги ҳақиқий серсувлитидан, шунингдек қайта тартибга солинганлиги ва бир ўзандан иккинчи ўзанга ташланганлигидан келиб чиқиб киритилган тузатишлар ҳисобига олинган ер усти сув манбалари ҳажмидан;

ер ости сувларининг фойдаланилаётган захирасидан олинган сув ҳажмидан;

оқова сувлардан, шунингдек қулай коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш ҳажмидан.

Сув олиш лимитлари барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан белгиланади.

Сув олиш лимитлари қуйидаги тартибдаги устуворлиги билан белгиланади:

ичимлик, даволаниш ва коммунал-маиший хўжалик учун;

саноат учун;

қишлоқ хўжалиги учун;

санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сув чиқариш учун.

Кўкаламзорлаштириш, спорт ва соғломлаштириш обьектлари эҳтиёжлари учун белгиланадиган сув олиш лимитлари устуворлигига кўра коммунал эҳтиёжларга тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув олиш лимитлари бунинг учун ваколатли бўлган ташкилотлар томонидан белгиланади ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун мажбурий ҳисобланади.

Сув олиш лимитлари сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатадиган бошқа сув истеъмолчилари, шунингдек тегишли фойдаланувчи ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиладиган коммунал ҳамда майший хўжалик корхона ва ташкилотлари бундан мустасно.

Сув олиш лимитлари сув хўжалиги органлари томонидан сув манбалари (дарёлар, коллектор-дренаж сувлари, шунингдек бошқа ер усти сувлари) бўйича, ҳавза ирригация тизимлари, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бўйича белгиланади.

Ер ости сувларидан сув олиш лимитлари геология ва минерал ресурслар ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилийда ва коммунал-маиший секторда (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар бўйича) ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари билан келишган ҳолда сув хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

Сув олиш лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари

ҳавза бошқармаларига, вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, йирик ва алоҳида муҳим сув, энергетика ва коммунал-маиший обьектлардан фойдаланувчи алоҳида корхоналар ва ташкилотларга — манбалар, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ирригация тизимлари бошқармаларига, туманлар (Қувасой шахри) ирригация бўлимлари, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси) ёки туманлараро аҳамиятга эга бўлган сув обьектларидан манбалар, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

туманлар (Қувасой шахри) ирригация бўлимлари томонидан — сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига эга бўлган сув обьектларидан манбалар, худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — фермер ва дехқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган бошқа сув истеъмолчиларига белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан ташқари эҳтиёжлар учун ер ости сувларидан сув олиш лимити сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатнома расмийлаштирилган ҳолда рухсатнома амал қиласидиган муддат даври учун белгиланади.

Коммунал сув таъминоти тизимидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларга сув олиш лимити Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилоти томонидан белгиланади.

Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлилиги ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун - бир йилда икки марта ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун - бир йилда бир марта белгиланади ва улар учун мажбурийдир.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сув олиш лимитларини белгилаш, биринчи навбатда, аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва майший эҳтиёжларини қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилиш шартларини ва сув етказадиган заарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим.

Бунда давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш схемалари ҳисобга олинади.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари улар томонидан қуйидагилар белгиланган тартибда тақдим этилган тақдирда белгиланади:

сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсатномалар;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг белгиланган тартибда тасдиқланган режалари (сув қувури – коммунал сув таъминоти тизимининг сувдан фойдаланувчилари ва сув истеъмолчилари бундан мустасно).



Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотида рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак. Сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган бўлиши керак.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги учун сувни истеъмол қилишга олинадиган сувни ҳисобга олиш уларнинг тегишли сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангунгача, ҳажмий, ҳисобий ва бошқа усуулларда, ҳақиқий суғориладиган майдонларни, суғоришлар сонини, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини, сув олиш давомийлиги қанча ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларининг паспортларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек сувни ҳисобга олиш воситаларини (гидропостларни) аттестациядан ўтказиш тартиби:

а) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари балансидаги ва бошқа корхоналар ҳисобида бўлган сунъий сув объектларида;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва

минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари бўйича) билан келишган ҳолда — табий сув объектларида;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда — ер ости иссиқ ва минерал сувлардан белгиланади;

б) Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан — коммунал сув таъминоти тизимида белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув олиш лимитлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан — ҳар йили 20 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиши даври учун ҳамда 20 марта — вегетация даври учун;

туманлар (Қувасой шахри) ирригация бўлимлари томонидан — ҳар йили 25 сентябргача бўлган муддатда — куз-қиши даври учун ҳамда 25 марта — вегетация даври учун;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан — ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда — куз-қиши даври учун ҳамда 1 апрелгача — вегетация даври учун белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари йилига бир марта — ҳар йили 1 октябргача белгиланади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига ер ости сувларидан сув олиш лимитлари бир марта — маҳсус рухсатнома амал қиласиган муддатга белгиланади.

Сув олиши лимитлари:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг прогнози асосида;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар (Қувасой шахри) ирригация бўлимлари буйруқлари билан;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг умумий мажлиси протоколи билан — туман (Қувасой шахри) қишлоқ хўжалиги бўлими ва туман (Қувасой шахри) ирригация бўлими билан келишув бўйича тасдиқланади.

Коммунал-маиший хўжалик эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига сув олиш лимитлари Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда, улар хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув лимитлари олиш учун сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари куз-қиши ва вегетация даври бошланишидан бир ой олдин, қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжлар учун эса — ҳар йили 1 сентябргача — уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотларига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва тегишли Низомга рўйхат бўйича зарур хужжатларни тақдим этиши керак.

Сув олиш лимитлари рухсат этилган жами сув олиш миқдорини сув манбалари (дарё, сой, булоқ сув ҳавзаси, ирригация тизими, магистрал канал (тизим) ва шу кабилар) бўйича акс эттириб, улар ҳар ўн кунликлар кесимида аниқ сув олиш жойларига тақсимланган бўлиши керак.

Сув олиш лимитларини белгилашда тармоқнинг устуворлигига ҳамда барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг алоҳида манбалар ва ирригация тизимлари бўйича кутилаётган сувлилики ҳисобга олиб сув билан тенг фоизда таъминланишига риоя этилиши керак.

Сув олиш лимитлари сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг сувлилиги камайган ҳоллар бундан мустасно.

Манбаларда сув ҳажми камайган ёки қўпайган ҳолатларда сув олиш лимитларига, юқори ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол қилиш режаси параметрлари ўзгартирилмасдан, дарҳол тузатишлар киритилиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилишнинг белгиланган даври тугагандан кейин икки ой муддатда ваколатли ташкилотлар томонидан, манбалардаги сувнинг ҳақиқий миқдори ҳисобга олинган ҳолда, ўтган давр учун сув олишнинг узил-кесил лимитлари тасдиқланади.

4. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, ҳар йилги сув билан ҳақиқий таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари асосида амалга оширилади. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари тасдиқланган норматив хужжатларга мувофиқ ажратилган сув олиш лимитлари доирасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан тузилади.

Коллектор-дренаж тармоқларида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолини режалаштириш ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда коллектор-дренаж суви сифатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фермер ва дехқон хўжаликларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режалари уларга хизмат кўрсатадиган сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тасдиқланади. Сув истеъмолчилари уюшмалари сув таъминоти режаларини умумлаштирадилар ва уюшмаларнинг сувдан фойдаланиш режаларини тузадилар.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш режалари туманлар (Қувасой шахри) ирригация бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг тузилган ва умумлаштирилган режалари:

сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича — туман қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда, туманлар (Кувасой шахри) ирригация бўлими томонидан;

ирригация тизими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация ҳавза тизими, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги обьектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Коммунал-маиший хўжаликлар эҳтиёjlари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари Уй-жой-коммунал хизмат кўrsatiш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ тузилади ва тасдиқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар

Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўrsatiш зонасида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа сув хўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўrtасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг сувни етказиб бериш бўйича хизматлари, шунингдек кўrsatilgan бошқа сув хўжалиги хизматлари учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари томонидан сув етказиб бериш бўйича кўrsatilgan хизматлар учун ҳақ тўлаш шартлари ва ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари Сув хўжалиги вазирлиги томонидан (коммунал сув таъминоти тизимида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳолатларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўmitаси билан (табиий сув обьектларидан сув олишда), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўmitаси билан (ер ости сувларини олишда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилийда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувларни олишда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишув бўйича тасдиқланади.

Коммунал сув таъминоти тизимидағи сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларнинг намунавий шакллари Уй-жой-коммунал хизмат кўrsatiш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ тасдиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларни уларга хизмат кўрсатадиган тегишли фойдаланиш ташкилотлари билан тузадилар.

Кўйидагиларнинг мавжуд бўлиши сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли тўғрисидаги шартномани тузишда мажбурий талаб ҳисобланади:

сув олиш лимитлари асосида сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг тасдиқланган режаси (коммунал-маиший сув таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно);

сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномалар.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисида белгиланган тартибда тузилган шартномалар:

вилоятларо ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, йирик ва алоҳида муҳим обьектлардан фойдаланувчи айrim ташкилотлар билан тузилган шартномалар — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибига кирадиган фойдаланувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида;

сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан фермер ва дехқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар хизмат кўрсатадиган зонадаги бошқа сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномалар — туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимларида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар қишлоқ хўжалиги бўлимларида ҳисобга олинадиган шартномалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар реестри белгиланган тартибда назоратни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига (сунъий сув обьектларидағи сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли органларига (табиий сув обьектларидағи сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида) берилади.

Коммунал сув таъминоти тизимиning фойдаланувчи ташкилотлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари билан тузилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома билан белгиланади.

Сув ресурсларини олиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида ҳисобга олишни ва ҳисботни, шунингдек уларнинг мониторингини юритиш тартиби

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун сув ресурсларини олиш фақат хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотлари билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Сув обьектларидан сув олиш фақат сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ёзма буюртманомалари бўйича (коммунал сув таъминоти тизимидағи, шунингдек ер ости сув ҳавзаларидан сув олиш ҳолатларидан ташқари), уларнинг сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолига тайёрлигига кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаси асосида, белгиланган сув олиш лимити доирасида амалга оширилади.

Сув ресурслари олиш юзасидан буюртманомалар сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига сув олиш бошланишидан ўн кун олдин белгиланган шаклда, сув олишнинг аниқ жойлари ва муддатлари (сув олишнинг бошланиши ва тугаши), шунингдек олинадиган сув миқдори, ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишнинг мақсади кўрсатилган ҳолда берилади.

Сув манбаидан сув олиш учун буюртманомада кўрсатилган сув ресурслари миқдори тасдиқланган сув олиш лимитидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Сув ресурсларини олиш ҳажмини камайтириш ёки тўхтатиш зарур бўлган тақдирда сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари бу тўғрида тегишли хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкилотига ёки унинг ваколатли шахсига ёзма равища (авария ҳолатларида – телефон орқали) хабар қилиши керак.

Сув ресурсларини олиш жойлари уларни бошқариш ва ҳисобга олишнинг тегишли воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак. Сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари доимо соз иш ҳолатида бўлиши зарур. Сув олиш жойларини сув ресурсларини бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш мансублигига кўра сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан амалга оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари ажратилган сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишга, шунингдек сувни муҳофаза қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўришга мажбур.

Сувларни давлат томонидан ҳисобга олишни ва улардан фойдаланишни таъминлаш, Давлат сув кадастрини юритиш ҳамда сув хўжалиги балансларини тузиш мақсадида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳамда уларнинг мониторингини юритишида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини

назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) билан, уларнинг ваколатлари доирасида келишган ҳолда белгиланадиган тартибга мувофиқ тизимли ҳисобга олиш ва ҳисбот юритилади.

Коммунал сув таъминоти тизимидағи сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларини олиш, ҳисобини ва ҳисботини юритиш тартиби Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланади.

Сувдан маҳсус фойдаланувчилар ва маҳсус сув истеъмолчиларининг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ, коммунал сув таъминоти тизимидағи сув олинган тақдирда эса — Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, шунингдек сув чиқариш тўғрисида ҳисоб ва ҳисботни юритишлари, ахборот тақдим этишлари шарт.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқини тўхтатиши

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуки:

сувдан фойдаланишга, сув истеъмолига эҳтиёж қолмагандан ёки улардан воз кечилганда;

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли муддати тугаганда;

корхона, муассаса, ташкилот, фермер хўжалиги тугатилганда, дехқон хўжалиги тугатилганда (фаолияти тўхтатилганда);

сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

танҳо фойдаланилаётган сув обьектларини қайтариб олишга зарурат түғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуки (ичиши ёки майший истеъмолдан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) қуийдаги ҳолатларда ҳам бекор қилиниши мумкин:

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда (тегишли шартнома тузмасдан сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш, сув олишга буюртманома ва рухсатнома бўлмасдан туриб сув ресурсларини олиш, рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича сув олиш ҳисобини ва ҳисботини мунтазам равишда юритмаслик, белгиланган нормадан ортиқча ва паст сифатли оқинди сувларни сув обьектларига ташлаш ва бошқалар);

белгиланган мақсаддан ташқари сувдан фойдаланганда ёки сувни истеъмол қилганда (сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномаларда кўрсатилмаган мақсадларда сувдан фойдаланиш, суғориш сувини коллектор-дренаж тармоқларига оқизиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишининг агротехника усувларига риоя этмаслик ва бошқалар);

сувни лимитдан ортиқча олганда (сув истеъмоли бўйича шартномада белгиланган сув олиш лимитидан ортиқча сув олиш);

сув етказиб бериш ва кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартномада назарда тутилган ҳақни тўламаганда.

Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш ҳуқуки қўйидаги йўллар билан тўхтатилади:

сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш, шунингдек сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли юзасидан шартномани бекор қилиш;

танҳо фойдаланиш учун берилган сув обьектларини қайтариб олиш.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш унга рухсатнома берган органнинг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби бузилган тақдирда хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ташкilotлари томонидан сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилариiga нисбатан шартномада назарда тутилган чоралар қўлланиши мумкин.

Табиий сув обьектлари сувидан фойдаланиш ва истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан амалга оширилади.

Сунъий сув обьектлари сувидан фойдаланиш ва сувини истеъмол қилиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилариiga нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун сув олиш тартиби бузилган тақдирда:

сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун — лимитдан ортиқча олинган ҳар минг куб метр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 20 фоизи миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олишга рухсат этилмаган жойлардан, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун — олинган ҳар минг кубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасисиз сув олганлик ёки сувдан фойдалангандик учун —

олинган ҳар минг қубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун — олинган ҳар минг қубометр сув учун — белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.

Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби такороран бузилган такдирда, ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн баравар миқдорида қўлланилади.

Кишлоқ хўжалиги сув истеъмолчиларига нисбатан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун жарима санкциялари бир йилда икки марта (куз-қиши ва вегетация даврлари якунлари бўйича), қолган сув истеъмолчилари учун эса — календарь йил якунлари бўйича бир марта қўлланилади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги шартномаларда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкцияларидан ташқари бошқа қўшимча жавобгарлик чоралари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ушбу Низомда кўрсатилган жарима санкциялари, белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг маҳаллий бўлинмалари томонидан — сунъий сув объектларидан сув олишда;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари томонидан — табиий сув объектларидан сув олишда қўлланилади.

Коммунал-маиший хўжаликда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган тартиби бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига — тадбиркорлик субъектларига нисбатан жарима санкциялари суд томонидан қўлланилади, улар айбига иқрор бўлган ва жарима санкцияларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қолган ҳолатларда жарима санкцияларини қўлланиш ушбу Низомда кўрсатилган органлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан сув олиш жойини тутатиш ва уни дастлабки ҳолатига келтириш қонунбузувчининг ўзи томонидан ёки унинг маблағи ҳисобига амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер ва дехқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонун

хужжатларини бузиш натижасида етказилган заарларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт.

Назорат саволлари

1. Сувдан норационал фойдаланишнинг окибатлари.
2. Сув ресурсларидан лимит асосида фойдаланиш тизими
3. Сув ресурсларидан лимит асосида фойдаланишни ташкил этиш.
4. Сув ресурсларини бошқарувида иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда сувдан фойдаланувчилар.
5. Сув ресурсларидан фойдаланишда лимит белгиланиши.
6. Сув ресурсларидан фойдаланишда тартиб ва навбатлаштириш.
7. Сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш
8. Сув ресурсларидан фойдаланишда лимит белгиловчи ва уни тасдиқловчи мутасадди ташкилотлар

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2014 й., 36-сон, 452-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 19 мартағи №82-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тўғрисидаги Низом”. Тошкент 2013й.
3. Салоҳиддинов А.Т., Икромов Р.К., Тимирова М.Н. Управление водными ресурсами. Ташкент. ТИМИ. 2015. -236 стр.
4. Салоҳиддинов А.Т., Икромов Р.К., Муродов Р.А. Сув ресурсларини бошқариш. Тошкент. ТИМИ. 2015й. – 218 бет.
5. Quentin R. G., Hussey K. Water resources planning and management. Cambridge UNIVERSITY PRESS, 2011, 767 pages.

Қўшимча адабиётлар:

1. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим хаётий ресурс. Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури. Тошкент 2007 й. -127 бет
2. Духовный В.А. ва б. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасида сув ресурсларини мукаммал бошқариш бўйича қўлланма. Марказий Осиё давлатлари сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий ахборот маркази. Тошкент. 2005й.-92 бет.
3. Ҳамдамов Ш., Қурбонов Х. Фермер хўжаликлари далаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Фермер дала мактаби тренерлари учун қўлланма. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Тошкент 2014й.-232 бет.

4. Вода жизненно важный ресурс для будущего Узбекистана. Программа развития Организации объединенных наций. Тошкент 2007 й. -127 бет
5. Руководство по внедрению интегрированного управления водными ресурсами. Том 1-4. Марказий Осиё давлатлари сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий ахборот маркази. Тошкент. 2012 й.-152 бет.
6. Духовный В.А., Соколов В.И. Интегрированное управление водными ресурсами. Опыт и уроки Центральной Азии на встречу четвертому Всемирному Водному Форуму. Тошкент 2005й.
7. Икрамов Р.К. Принципы управления водно-солевым режимом орошаемых земель Средней Азии в условиях дефицита водных ресурсов. Т.: «Гидроингео» 2001 – 191 стр.
8. “Ўзбекистон сув хўжалиги” Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Т.:2011 – 104 бет.
9. “Водное хозяйство Узбекистана” Мин.сельского и водного хозяйства Т.:2011 – 104 стр.
10. X.Valiyev, Sh.Murodov, V.Xolboyev “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muhofaza qilish” Fan va texnologiya, T.:2010 – 164 bet.
11. Ўзбекистонда сув ресурсларини мукаммал бошқариш Global Water Partnership Т.:2010 – 54 бет.
12. Планы интегрированного управления водными ресурсами Global Water Partnership Т.:2005 – 102 стр.
13. Совершенствование управления водными ресурсами и трансграничного водного сотрудничества в Центральной Азии. ЕЭК ООН. Т.:2011 – 135 стр.
14. Обзор водохозяйственного развития в Азии. Asia Pasific Water Forum. Asian Development Bank 2013 – 109 стр.
15. Изменение климата и его влияние на природно – ресурсный потенциал Республики Узбекистан. Главгидромет Т.:2000 – 252 стр.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – Амалий машғулот

Дарё ҳавзасининг ер усти, ер ости ва атмосфера ёғин сув ресурсларини ҳамда ҳавзанинг умумий сув ресурсларини турли фоизлардан таъминланган сув ресурсларини ҳисоблаш

Режа:

1. Дарё ҳавзасини ўртача кўп йиллик сув ҳажмини ва вариация коэффициенти ҳисоби.
2. Дарё оқим миқдорининг турли таъминланганлик даражаси учун сув ҳажми ҳисоби.
3. Ҳавзадаги ер усти, ер ости ва атмосфера ёғин сувларини ҳисоби.

Таянч иборалар: Сув сарфи, кўп йиллик оқим миқдори, вариация коэффициенти, ер усти, ер ости, атмосфера ёғин сувлари, умумий сув ресурслари, эксплуатацион сув ресурслари, дарё оқим миқдорининг таъминланганлиги.

1. Дарё ҳавзасини ўртача кўп йиллик сув ҳажмини ва вариация коэффициенти ҳисоби

Дарё ҳавзасининг бир қисми, канал ёки дарё ирмоғи таъсир минтақасининг табиий шароитини баҳолаш ва иқтисодиётини таърифлаш, сув балансини тузиш ва алоҳида дарё ҳавзасида ёки иқтисодий ноҳияга таалуқли сув ресурсларини (ер усти ва ости) баҳолаш, шу билан бирга инсоннинг хўжалик фаолиятида сув манбаларининг сифатига ва режимига таъсирини аниқлаш ва ҳисобга олиш.

Халқ хўжалиги тармоқларининг турли ривожланиш даврлари учун сувнинг миқдорига, сифатига ва сув истеъмоли режимига бўлган асосий талабларини, оқова сув чиқариш меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш, сувдан қайта ва кетма-кет фойдаланиш имкониятини, сувнинг қайтмас сарфланиш ҳажмини аниқлаш ҳамда уни қисқартириш йўлларини белгилаш.

Айрим сув истеъмолчилар ва сувдан фойдаланувчиларнинг талабини ўзаро боғлаш ва улар орасида сувдан самарали ва тежамли фойдаланувчиларни ажратиш ва шунга мувофиқ халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш келажагини белгилаш.

Халқ хўжалигининг алоҳида ҳисоблаш этаплари бўйича сув хўжалик балансини тузиш ва шу асосда улар орасида энг юқори сув танқислигини сезувчи ноҳияни биринчи навбатда ажратиш.

Алоҳида дарё ҳавзалари ўртасида сув тақсимлашнинг мураккаб тадбирий-чораларини амалга оширмасдан ушбу минтақа иқтисодининг меъёрили ривожланишини таъминловчи биринчи навбатдаги сув хўжалик соҳаларини белгилаш.

Турли ҳисоблаш даврлари учун тузилган сув хўжалик баланслари асосида

саноат корхоналарининг, транспорт тармоқларининг ва қишлоқ хўжалигига заҳни қочирадиган ер майдонларининг энг мувофиқ (оптимал) жойлаштириш таклифини ишлаб чиқиши.

Сувнинг салбий таъсирини (ерозияга қарши, селга қарши ва бошқалар) бартараф қилиш чораларини белгилаш.

Белгиланган чораларнинг сув ресурсларига таъсирини баҳолаш, сув артериялари ва сув ҳавзалари сувининг камайиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш ва муҳофаза қилишнинг асосий чораларни белгилаш, қишлоқ хўжалик, саноат ва коммунал-маиший рўзғор хўжалик оқова сувларини тозалашни ва заарсизлантишни кафолатловчи техник чораларни ишлаб чиқиш ҳамда оқова сувларни қайта ишлатишнинг тавсияларини тайёрлаш.

Йирик сув хўжалик чора-тадбирлари ўтказилиши белгиланган минтақа ва вилоятларда табиий шароитнинг ўзгаришини баҳолаш.

Белгиланган сув хўжалик курилишини амалга оширишнинг алоҳида этаплари бўйича бажариладиган ишлар учун маблағ ажратишни аниқлаш.

Режаланган комплекс чора-тадбирлар самарасининг иқтисодий баҳосини бериш.

Асосий тушунчалар

Умумий сув ресурси – ёки бу максадларда ишлатилган ишлатилаётган ёки ишлатилиши мумкин булган сув микдорига айтилади.

Эксплуатацион сув ресурси - ишлатилган ишлатилаётган ёки маълум хисобий даврда улар микдори ва сифатини бошкариш йули билан ишлатилиши мумкин булган сув микдорига айтилади.

Сув ресурсларидан оқилона (самарали) фойдаланиш- деб табиат муҳофазаси хакидаги барча конун ва коидаларга тула риоя килган холда улардан фойдаланиш жамиятга факат хозирги кунда эмас, балки тасаввур килиш мумкин булган узок келажакда хам энг юкори самара олишни таъминловчи фойдаланишга айтилади.

Сув ресурсларини бошкариш деб уларни макон ва вакт давомида таркалишини ва таксимланишини (микдорини ва сифатини) истеъмолчи талабига мослаштиришга (кайта таксимланишига) айтилади.

Сув ресурсларидан оқилона (самарали) фойдаланишга улар ресурслардан **мукаммал (комплекс) фойдаланилганда** гина эришиш мумкин.

Сув манбаларининг хамма фойдали хосса ва хусусиятларидан бир вактда ёки кетма-кет иқтисодий жихатдан оқилона (самарали) фойдаланиш **улардан мукаммал фойдаланиш** дейилади.

Сув ресурсларини муҳофаза килиш деб улар хоссаларини бузилиши ва ифлосланиши, бехуда сарфланиши ва барвакт камайиб кетишини бартараф килишга йуналтирилган хукукий, ижтимоий, ташкилий, техник ва иқтисодий тадбирлар мажмуасига айтилади.

Сув ресурслари тежамкорлиги деб уларни муҳофазаси хакидаги конун ва коидаларга тула амал килган холда бажарилган иш ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига уларни иложи борича кам сарфланишини таъминлашга айтилади.

Топшириқда берилган дарё ҳавзасининг сўнги ўн саккиз йил давомида кузатилган ер усти сувларининг ўртача ойлик ва йиллик сув сарфи берилган. Дарёning кўп йиллик ўртача сув сарфи ва вариация коэффициенти қимати аниқлаб олинади ҳамда дарёning оқим миқдори қайта тақсимланиб, дарёning ҳар бир таъминланганлик учун оқим миқдори аниқланади.

Оқим миқдори куйидаги ифода оркали топилади:

$$1. W = Q \cdot T \quad 2. W_0 = \frac{\sum W}{n}$$

$$3. K = \frac{W_t}{W_0} \quad 4. P = \frac{m - 0,3}{n + 0,4} \cdot 100$$

$$5. C_v = \sqrt{\frac{\sum(K-1)^2}{n-1}}$$

бу ерда:

W_й- ер усти сув хажми;

Q – сув сарфи; м³/сек

T – Бир йилдаги секунтлар сони $T = 3600 * 24 * 365 = \underline{31,536} * 10^6$ секунт.

n - кузатилган йиллар сони. **n=1-18**

P- таъминланганлик даражаси.

m - кузатилган йил тартиби. **1 ? 18**

K – модул коэффицент

C_v - Дарёning вариация коэффиценти.

Үртача йиллик хажм, оким міндори ва вариация коеффициентини хисоби

1 – жадвал

№	Кузатылған йиллар	Q M³/с	W_й млн.м³	W_о млн.м³	m	W_t	K	K-1	(K-1)²	P, %	C_v
n											
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
11											
12											
13											
14											
15											
16											
17											
...											
			Σ						Σ		

Йиллик оким - бу маълум бир хавзадан йил давомида окиб утган сув микдори.

Коммунал хужалигини сув билан таъминлашда, хамда сугоришга, энергетикага ва бошка сув истеъмолчиларига зарур булган дарё хавзасининг сув ресурслари **50, 75, 80, 90, 95 %** ли таъминланганлик учун хисобланади.

Ер усти сувининг ресурслари хисоблаш, яъни оким микдорини таъминланганлигини аниклаш қуйидаги формула оркали хисобланади.

$$W_x = K_i * W_o$$

Бу ерда: K_i - Пирсон III - типидаги жадвалдан олинган коэффицент.

.....дарёси (канали) оким микдориниг таъминланганлиги
2 – жадвал

Курсаткичлар	Таъминланганлик % да				
	50	75	80	90	95
K_i					
$W_x = K_i * W_o$					
Кузатилган йиллар					

Сув хужалиги баланси ойлар буйича тузилиши сабабли хисобланган оким микдорлари хажмини ойлар буйича таксимлаш зарур. Бунинг учун жадвалдан хакикий оким хажмининг тахминан 50%, 75%, 80%, 90%, 95%, лик таминланган оким хажмiga teng булганлари танланади. Бу йиллар учун жадвалдан уртача ойлик сув сарфи ёзиб олинади ва куйидаги формула буйича дарё сув сарфининг ойлик хажми хисобланади.

$$W_{oy} = Q * 86400 * 30 (31/28) \text{ м}^3/\text{ой}$$

Кейин эса йиллик оким хажмининг ойлар буйича фоиз хисобида таксимланиши аникланади ва бу 50, 75, 80, 90, 95 %, ли таъминланганлик учун хисобланган окимларни ойлар буйича таксимлашда фойдаланилади.

Йиллик умумий сув ресурслари микдори куйидаги формула билан топилади.

$$W_{ym} = W_{e,o} + W_{e,y} + W_{\text{ёгин}}$$

Дарё сувининг окиб келаётган микдори(W_d) куйидаги формула буйича аникланади.

$$W_{e,y} = W_{e,y}^{X.O} + W_{e,y}^{X.O.H}$$

Бу ерда: $W_d^{X.O}$ - гидрометрик пост буйича хисобга олинган дарё сувининг микдори.

$W_d^{X.O.H}$ - хисобга олинмаган дарё сувининг микдори Урта Осиё учун В.А. Шульц формуласи буйича тахминан хисобга олинган сув микдорининг 4-5% ташкил киласи.

$$W_{EP \text{ усти}} = Q_{\text{урт.й}} * T_{\text{ийл}}, \quad W_{oy} = Q_{\text{урт.ой}} * T_{\text{ой}}$$

$$T = 3600 * 24 * 365 = \boxed{31,536 * 10^6 \text{ сек}}$$

$$t_{31} = 2,68 * 10^6 \text{ сек}, t_{30} = 2,59 * 10^6 \text{ сек}, t_{29} = 2,51 * 10^6 \text{ сек}, t_{28} = 2,42 * 10^6 \text{ сек}$$

Йиллик ёгингарчилик микдори куйидаги формула буйича хисобланади.

$$\boxed{W_{\text{ёгин}} = K * F_{\text{ум}} * h} \quad \text{м}^3/\text{йил}$$

бу ерда: **F_{ум}** - Хавзанинг умумий майдони, м²

h - куп йиллик уртача ойлик ёгинлар меъенинг йигиндиси, мм

K - шимилиши коэффиценти, булиб **K=0,15**

Куп йиллик тажриба тадқикотлари маълумотига кура тахминан киш-бахор даврида ёккан ёгинларнинг 15% -ини ер ости сувлари сатхига сингиб бориб уни ресурсини тулдиради колган кисми эса бугланишга сарфланади.

Ер ости сувининг йиллик микдори куйидаги формула буйича хисобланади.

$$\boxed{W_{\text{еп.о}} = Q_{\text{еп.о}} * T} \quad \text{м}^3/\text{йил}$$

Q_{еп.о} – ер ости сувлар оқимининг сарфи булиб, томширикда берилган

$$W_{\text{еп.п}} = W_{\text{е.у.}}^{\text{X.O}} + W_{\text{е.у.}}^{\text{X.O.H}} + W_{\text{еп.о.}} + W_{\text{ёгин}}$$

Хисоблашлар жадвал куринишда олиб борилади. 4 – жадвал.

Хисобланган ер усти сувларининг ойлар буйича таксимланиши

3 – жадвал

	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Йиллик хажм	Ойлар											
				I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
50%	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha Q	M ³ /с													
	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha W	млн.М ³ /й													
	Хакикий йилнинг оким миқдори	%													
	50 % ли таъминланган окимни таксимлаш	млн.М ³ /й													
75%	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha Q	M ³ /с													
	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha W	млн.М ³ /й													
	Хакикий йилнинг оким миқдори	%													
	75 % ли таъминланган окимни таксимлаш	млн.М ³ /й													
80%	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha Q	M ³ /с													
	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha W	млн. М ³ /й													
	Хакикий йилнинг оким миқдори	%													

	80 % ли таъминланган окимни таксимлаш	млн.м ³ /й											
90%	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha Q	м ³ /с											
	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha W	млн. м ³ /й											
	Хакикий йилнинг оким микдори	%											
	90 % ли таъминланган окимни таксимлаш	млн.м ³ /й											
95%	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha Q	м ³ /с											
	Хакикий йил (20) Йилнинг уртacha W	млн м ³ /й											
	Хакикий йилнинг оким микдори	%											
	95 % ли таъминланган окимни таксимлаш	млн м ³ /й											

Дарё хавзасининг умумий (Эксплуатацион сув ресурслари) хисоби жадвали

4 – жадвал

	Улчов бирлиги	Йиллик хажм	Ойлар											
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1.Ер усти сувлари:			50 % таъминланганлик											
a) Хисобга олинган	млн м ³ /йил													
б) Хисобга олинмаган	млн м ³ /йил													
2.Ёгин сувлари	млн м ³ /йил													
3.Ер ости сувлари	млн м ³ /йил													
Жами	млн м ³ /йил													
1.Ер усти сувлари:			75 % таъминланганлик											
a) Хисобга олинган	млн м ³ /йил													
б) Хисобга олинмаган	млн м ³ /йил													
2.Ёгин сувлари	млн м ³ /йил													
3.Ер ости сувлари	млн м ³ /йил													
Жами	млн м ³ /йил													
1.Ер усти сувлари:			80 % таъминланганлик											
a) Хисобга олинган	млн м ³ /йил													

2- Амалий машғулот

Сув хужалиги мажмуаси (СХМ) катнашувчиларининг сувга бўлган талаблари ва оқава сув чикариш ҳажмлари ҳамда режимларини хисоблаш

Режа:

- 2.1.Коммунал-маиший хўжаликда сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби
- 2.2.Саноат тармоқларида сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби
- 2.3.Чорвачилик мажмуасида сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби
- 2.4.Суформа дехқончиликда сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби
- 2.5.Санитар сув ўтказиш ҳажми ҳисоби

Таянч иборалар: Сув истеъмоли, оқава сув, қайтмас сув ҳажми, каммунал-рўзгор хўжалиги, саноат тармоқлари, чорвачилик мажмуаси, суғорма дехқончилик, энергетика, балиқчилик ҳўжалиги, санитар сув ўтказиш, сув ҳўжалиги баланси.

2.1.Коммунал-маиший хўжаликда сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби.

Илмий текшириш ташкилотлари томонидан шахар ва кишлокларда ахоли сув сарф киладиган миқдори ҳамда шахар ва кишлок хужалик корхоналарида сувни сарф килиш миқдори урганилиб, сув истеъмоли меъёрлари аникланади. Сув истеъмоли деганда бир кунда истеъмолчиларнинг сарф килган сувлари тушунилади. Бу меъёр истеъмолчи турига ва ишлатиш усулига боғлик. Сув истеъмоли меъёрлари “Курилиш меъёрлари ва коидалари” да келтирилган.

Хар бир киши учун коммунал рузгор хужалик сув истеъмол меъёри КМ ва К **2.04.02.97** буйича шахар, саноат марказлари ва кишлок хужалик туманлари учун кулайлик даражаси (биноларнинг санитар техник курилмалар билан жихозланганлиги)га караб ва иклим шароитига боғлик холда кабул килинади. Бу меъёрга ичимлик сув истеъмоли, коммунал-эҳтиёжлар, ёнгин учирин, озик-овкат саноатини сув билан таъминлаш, усимлик ва дараҳтларни сугориш ва бошка максадлар учун керак булган сарфлар киради.

Ахоли яшаш жойларидағи хар бир кишининг сув истеъмолидан хосил буладиган окова сув меъёри **КМ ва К 2.04.03.97** буйича аникланади. Канализация билан **жихозланмаган** нохияларда сув чикариш меъёри хар бир киши учун бир кунда **25 л/с** га тенг деб кабул килинади.

Шахар ва кишлок ахолиси сонини хозирги замон, якин келажак ва узок келажак учун топишимиз лозим. Бу эса куйдагича топилади:

$$1) A^{X3} \text{ 2019 } = F_{\text{ум}} * P_{\text{киши}}$$

$F_{\text{ум}}$ – ҳавзанинг умумий майдони. км^2

$P_{\text{киши}}$ – ахолии зичлиги. Одам/ км^2

Ахолини усизи хар давр учун куйдагича топилади.

$$2) A^{\text{ЯК}} \text{ 2024. } = A^{X3} \text{ 2019 } + (A^{X3} \text{ 2019 } * a_1) * 5 \quad a_1 = 2,5\% = 0,025$$

$$3) A^{\text{УК}} \text{ 2031 } = A^{\text{ЯК}} \text{ 2024 } + (A^{\text{ЯК}} \text{ 2024 } * a_2) * 7 \quad a_2 = 2,3\% = 0,023$$

бу ерда: α_1 - α_2 ахолини усиш коэффиценти топширикда берилади.

5 – жадвал. Шахар ва кишлек ахолисининг микдори ва нисбати

Ахоли	Хисоблаш даврлари				
	Хозирги замон		Якин келажак		Узок келажак
	%	Микдор и	%	Микдор и	%
Хаммаси	100		100		100
Шахар ахолиси	42,4		46,2		50
Кишлек ахолиси	57,6		53,8		50

Шахар ва кишлек ахолиси сув истеъмоли ва окова сув чикариш хажми куйдаги формула буйича хисобланади:

Сув истеъмоли хажми; ($m^3/\text{йил}$)

Хозирги замон.

$$1) W^{CI}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{CI} * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{CI}_K = A_K * N^{CI}_K * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

Якин келажак.

$$1) W^{CI}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{CI} * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{CI}_K = A_K * N^{CI}_K * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

Узок келажак.

$$1) W^{CI}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{CI} * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{CI}_K = A_K * N^{CI}_K * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

Окова сув хажми.

Хозирги замон;

$$1) W^{OC}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{OC}_{\text{Ш}} * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{OC}_K = A_K * N^{OC}_K * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

Якин келажак;

$$1) W^{OC}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{OC}_{\text{Ш}} * 365/1000 \text{ } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{OC}_K = A_K * N^{OC}_K * 365/1000 \text{ } m^3/\text{йил}$$

Узок келажак;

$$1) W^{OC}_{\text{Ш}} = A_{\text{Ш}} * N^{OC}_{\text{Ш}} * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

$$2) W^{OC}_K = A_K * N^{OC}_K * 365/1000 \text{ млн. } m^3/\text{йил}$$

бу ерда: А_Ш, А_K – шахар ва кишлек ахолиси сони;

Н^{CI}_Ш, Н^{CI}_K - бир киши учун сув истеъмоли мейёри кишлек ва шахар учун, л/сут.

Н^{OC}_Ш, Н^{OC}_K – бир киши учун окова сув чикариш мейёри, л/сут

365 – йилдаги кунлар сони.

6 – жадвал. Коммунал рузгор хужалигига сув истеъмоли ва окова сув хажми.

Курсаткичлар	Улчов	Хисоблаш даврлари
--------------	-------	-------------------

<u>№</u>		бирлиги	<u>Хозирги замон</u>	<u>Якин келажак</u>	<u>Узок келажак</u>
1	Суткалик сув истеъмоли меъёри 1. Шахар	л/сут	400	500	550
	Кишлок	л/сут	125	175	200
2	Суткалик окова сув меъёри 1. Шахар	л/сут	350	400	450
	Кишлок	л/сут	100	115	140
3	Сув истеъмоли хажми 1. Шахар	млн м ³ /йил			
	Кишлок	млн м ³ /йил			
4	Окова сув чикариш хажми 1. Шахар	млн м ³ /йил			
	Кишлок	млн м ³ /йил			
5	Умумий сув истеъмол хажми	млн м ³ /йил			
6	Умумий окова сув хажми	млн м ³ /йил			

7 – жадвал. Коммунал рузгор хужалик окова сувларини ишлатиш шакиллари.


<u>№</u>	Хисоблаш даврлари	Умумий окова сув хажми млн м ³ /йил	<u>Дарёга ташла- надиган кисми</u>		<u>Тозаланиб сугоришига ишлатиладиган кисми</u>	
			%	млн м ³ /йил	%	млн м ³ /йил
1	Хозирги замон		50		50	
2	Якин келажак		25		75	
3	Узок келажак		0		100	

Коммунал рузгор хужалигига окова сув, сув истеъмоли ва тозаланиб сугоришига ишлатиладиган сувлар микдори шакли.


1 – расм

Хозирги замон


--



Якин келажак



Якин келажак.



бу ерда:**СОИ** - сув олиш иншоати, **ОСТИ** - окова сув тозалаш иншоати

КРХ да сув истеъмол килиш, окова ва кайтмас сувлар, хажмларининг режими

8 – жадвал

Хисоблаш даврлари	Йиллик хажм	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1. Сув истеъмол килиш													
	100%	7	7	7,5	7,5	9	11	11	10,5	7,5	7,5	7,5	7
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													
2. Окова сув чикариш													
	100%	7	7	7,5	7,5	9	11	11	10,5	7,5	7,5	7,5	7
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													
3. Кайтмас сувлар													
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													

Кайтмас сувлар хажми сув истеъмолидан окова сувлар айримасидан келиб чикади.

$$W_{\text{кайтмас}} = W_{\text{сув истеъмоли}} - W_{\text{окова сув}}$$

2. Саноат тармоқларида сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби

Саноат корхонасининг ишлаб-чикариш соҳаси учун сарф буладиган сув микдорининг мейёри шу саноат хорхонасини технологик жараёнларига баглик холда аникладани.

Берилган мейёрда саноат корхоналарида ичимлик хужалик, душдан фойдаланишдаги ва ишлаб чикариш жараёни учун сарфланадиган сувлар киради.

Саноат корхона-тармокларининг уртacha йиллик сув истеъмол ҳажми куидаги ифода оркали аникланади:

$$W_{САН} = M_{САН} * N_{САН} \text{ м}^3 / \text{йил.}$$

бу ерда:

$M_{САН}$ – саноатда ишлаб чикариладиган йиллик маҳсулот ҳажми;

$N_{САН}$ – саноат маҳсулотининг бирлигига сарфланадиган сув сарфи, мейёри, м^3

Саноатни сув билан таминлаш учун асос булиб, умумий “**Саноатнинг турли тармоқлари учун сув истеъмоли ва оқава сув чикаришни йириклиширилган мейёрлари**” кабул килинган.

Йириклиширилган сув истеъмол мейёрига ишлаб-чикаришда хамда ичимлик учун ва хужалик учун сарфланадиган сувлар микдори киради.

Кайтмас сув сарфининг ҳажмини қўидаги ифода оркали аникланади.

$$W'_{САН} = M_{САН} * N_{кайт.} \text{ м}^3 / \text{йил.}$$

Бу ерда; $N_{кайт.}$ – ишлаб чикарилаётган маҳсулот бирлигига тугри келадиган кайтмас сув мейёри, м^3 .

Узбекистон Республикаси сув конунчилиги асослари талабларга биноан саноатни сув билан таминлаш тизими ёпик яъни кайта фойдаланиладиган булиши керак. Бу талаб саноат корхоналарида оқава сувларни тозалаш асосида, улардан кайта фойдаланиш ҳисобига эришилади.

Республикамиздаги саноат корхоналарининг 50% ига якини сувдан фойдаланишнинг ёпик тизимига утган. Келажакда уни 100% га етгазиш режалаштирилган.

Саноатда ишлаб - чикарилаётган йиллик маҳсулот ҳажми якин келажак ваузок келажак учун аниклаш керак.

β_1 ва β_2 лар махсулотнинг усиш коэффиценти

$$\beta_1 = 2\% = 0,02$$

$$\beta_2 = 3\% = 0,03$$

_____учун.

Якин келажак.

$$M_{сан\ 2024} = M_{санг\ 2019} + ((M_{сан\ 2019} * \beta_1) * 5) =$$

Узок келажак.

$$M_{сан\ 2031} = M_{сан\ 2024} + ((M_{сан\ 2024} * \beta_2) * 7) =$$

_____учун.

Якин келажак.

$$M_{сан\ 2024} = M_{санг\ 2019} + ((M_{сан\ 2019} * \beta_1) * 7) =$$

Узок келажак.

$$M_{сан\ 2031} = M_{сан\ 2024} + ((M_{сан\ 2024} * \beta_2) * 10) =$$

_____учун.

Якин келажак.

$$M_{сан\ 2024} = M_{санг\ 2019} + ((M_{сан\ 2019} * \beta_1) * 5) =$$

Узок келажак.

$$M_{сан\ 2031} = M_{сан\ 2024} + ((M_{сан\ 2024} * \beta_2) * 7) =$$

Саноатда сув истеъмоли ва окова сув чикариш хажми.

9-Жадвал.

Саноат корхонаси тури	Улчов бирлиги	Йиллик ишлаб чикариш хажми	Сув истеъмоли		Қайтмас сувлар		Окава сувлар хажми $W_1 - W_2$	Ишлатилиши			
			меъёри M^3	хажми млн. M^3 W_1	меъёри M^3	хажми млн. M^3 W_2		%	Кайта ишлаш	%	Дарёга ташлаш
<u>Хозирги замон</u>											
<u>Якин келажсак</u>											
<u>Узок келажсак</u>											

Саноат корхоналарида сув истеъмоли, окова сув ва кайтмас сувлар хажмларнинг режими.

10-Жадвал.

Хисоблаш даврлари	Йиллик хажм	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1. Сув истеъмол килиш													
	100%	8,3	8,3	8,3	8,3	8,4	8,4	8,4	8,4	8,3	8,3	8,3	8,4
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													
2. Окова сув чикариш													
	100%	8,3	8,3	8,3	8,3	8,4	8,4	8,4	8,4	8,3	8,3	8,3	8,4
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													
3. Кайтмас сувлар													
Хозирги замон													
Якин келажак													
Узок келажак													

3. Чорвачилик мажмуасида сув истеъмоли ва оқава сув ҳажми ҳисоби

Чорвачилик ахолининг энг керакли калорияли озик-овкат махсилотлари билан таъминлайди, енгил ва озик-овкат саноати учун хом ашё беради.

Чорвачилик шакли деб - ишлаб чикаришда чорва моллари сонини оширишга, махсулдорлигини қупайтиришга сифатини яхшилашга, хамда озука бирлиги хисобига юкори сифатли ва арzon махсулот етиштиришга каратилган бирга зоотехник - ветеринария ва ташкилий - иктисадий тадбирлар йигиндисига айтилади.

Чорвачилик комплексидаги сув истеъмоли мейёри чорва молларини турига ва ёшига боғлик. Хар бир чорва ва парранда учун кунлик сув истеъмоли мейёрини **“Йириклиштирилган мейёрлардан”** олинади.

Бу мейёрга молларни туриш хоналарини ва катакларни тозалаш, сут идишларини ювиш, сугориш, ем таёrlаш, сутни совитиш ва бошкалар учун ишлатиладиган сувлар киради.

Турли чорва моллари учун сув истеъмол ҳажми қўйдаги ифода буйича аникланади:

$$W=Q * N * 365/1000$$

м³ /йил.

бу ерда:

Q - чорва моли сони;

N - хар бир чорва моли учун сув истеъмоли мейёри, л/сут.

Чорвачилик комплексларидан чикадиган окова сувининг микдорини **“Йириклиштирилган мейёрлар”** ва Узбекистон Республикаси кишлок хужалиги Вазирлиги маълумотларига кура умумий сув истеъмоли ҳажмидан 70, 90% микдорда олинади, **яъни окова сувлар ҳажми сув истеъмол ҳажмининг 80% тенг деб олинади.**

Чорвачилик комплексларидаги чорва молларига ва паррандаларга ичимлик сифатидаги сув берилишини, сувнинг харорати эса 8-10°C булиши зарур.

Сув истеъмоли ва Окова сув ҳажмлари хисоби жадвал шаклида олиб борилади.

Паррандалар ва хойвонларнинг уртacha бир кунлик сув истеъмоли мейёри.

11-жадвал.

№	Номи	Бир бош учун л/сут
1	Йирик шохли корамол (ЙШК)	100
2	От	80
3	Эчки	8
4	Куй	10
5	Товук	1
6	Курка	1,5

Сув истеъмол ҳажмини

1. Йирик шохли корамол учун:

$$\gamma_1 = 3\% = 0,03, \quad \gamma_2 = 5\% = 0,05$$

Хозирги замон.

1) $W = \Psi_{2019} * N * 365/1000 = \underline{\text{млн. м}^3/\text{йил}}$

Якин келажак.

$\Psi_{2024} = \Psi_{2019} + ((\Psi_{2019} * \gamma_1) * 5) = \underline{\text{бош.}}$

2) $W = \Psi_{2024} * N * 365/1000 = \underline{\text{млн. м}^3/\text{йил}}$

Узок келажак.

$\Psi_{2031} = \Psi_{2024} + ((\Psi_{2024} * \gamma_2) * 7) = \underline{\text{бош.}}$

3) $W = \Psi_{2031} * N * 365/1000 = \underline{\text{млн. м}^3/\text{йил}}$

2. Парранда учун

Хозирги замон.

1) $W = \Psi_{2019} * N * 365/1000 = \underline{\text{млн. м}^3/\text{йил}}$

Якин келажак.

